



Гарольд  
РОББИНС

МЕНИ  
ТАШЛАБ  
КЕТМА

Гарольд  
РОББИНС

МЕНИ  
ТАШЛАБ  
КЕТМА

Роман

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»

2016

Низомий хониф

ЭДРИС

китобъ язди

927499

УЎК: 821.111-3

КБК 84(7А)

Р 62

Рус тилидан **Лола ШОИМОВА** таржимаси

Ёзувчи Гарольд Роббинс (1916–1997) XX асрнинг 50–70 йилларида америка адабиётининг етук вакилларидан бири даражасига кўтарилиганди. Ўша даврларда унинг ҳар бир янги романни катта шов-шувларга сабаб бўлган. «Мустанг», «Муҳаббатимиз қайга йўқолди?», «Мени ташлаб кетма», «Алвидо, Жаннет!» романлари китобхонлар томонидан ҳозиргача севиб ўқилади. Роббинснинг асарларида қаҳрамонлар эркка интиладилар, ўз бурч ва мажбуриятларини ҳар хил шароитларда синааб кўрадилар, ҳаёт машаққатларида тобланадилар.

Адабнинг китобхонларга ўзбек тилида илк бор тақдим этилаётган «Мени ташлаб кетма» номли романни оила мұқаддас деган гоя билан сугорилган. Асар қаҳрамони Бред Ровен икки ўт орасида қолади: оталик, турмуш ўртогига боғлиқлик бурчлари уни оиласи томон тортса, юраги бошқа аёл томон талпинади. Китобхонларимиз худбинона интилишлар шахсни қандай фожиавий тағлилкка олиб бориши мумкинligини роман мутолаасидан сўнг билиб олишлари мумкин.

ISBN 978-9943-28-773-0

© Лола Шоимова (тарж.), 2016

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016

## МУҚАДДИМА ЎРНИДА ХОТИМА

**Е**нгил тамаддидан сўнг соат икки яримда оғисга қайтдим.

– Юристдан шартнома келдими? – сўрадим котибамдан.

Котибам тасдиқ маъносига бош ирғади.

– Столингиз устига қўйдим.

Кабинетга кириб, столим устидаги ҳужжатни олиб варакладим. Тифиз сатрлар, ҳар хил шартлар, изохлар, эслатмалар билан тўлдирилган шартнома махорат билан ёзилганлиги сезилиб турибди. Шартномани ўкиб, мамнун бўлдим. Тушликдан кейин бренди ичиб ҳам бундай хисни туймагандим.

Телефон жиринглади, шартномадан кўз узмаган ҳолда гўшакни кўтардим. Котибамнинг овози янгради:

– Иккинчи аппаратда вашингтонлик Пол Реми.

– Яхши, – дея селекторнинг тугмасини босдим. – Пол, шартномани олдим, – дедим қувноқ овозда.

– Брэд! – Пол шартта гапимни бўлди. Унинг овозидаги таҳликадан юрагим шувиллаб кетди.

– Эшитаман, Пол?

– Элейн ўз жонига қасд қилибди!

– Йўқ, бўлини мумкин эмас, Пол!

Полнинг сўзлари мени ларзага солди. Шартнома қофозлари қўлимдан тушиб, стол ва гиламга сочилди. Нимадир юрагимни ғижимлагандай бўлди. Оғиз жуфтлашга ҳаракат қилдим-у, гапиромлай ғўлдирадим.

Ўзимни оромкурсига ташлаб, бошимни суюнчиқقا қўйдим. Хона кўз ўнгимда чирпирақ бўлиб айланди. Кўзларимни юмиб, сассиз қичқирдим: «Элейн! Элейн! Элейн!»

Сўнг ўзимни қўлга олиб, тилга кирдим:

- Пол, қачон, қаерда содир бўлди?
- Кеча кечқурун. У керагидан ортиқ уйқу дори ичиб юбориби.

Чукур нафас олиб, аста-секин ўзимга келдим.

- Нега? – жавобини билган ҳолда базўр сўрадим. – Хат-пат қолдирмабдими?

– Йўқ, ҳеч ким сабабини билмайди.

Нафасимни ростладим. Ўлим ҳақидаги совуқ хабар ҳамма учун кутилмаган ҳодиса бўлиб туялади.

– Нақадар даҳшатли хабар, Пол.

– Ҳа, Брэд, бу ҳаммамиз учун машъум хабар. Охирги пайтларда у ўзига келиб қолганди. Бундан бир неча ҳафта бурун Элейн полиомиелитнинг<sup>1</sup> олдини олиш бўйича олиб бораётган хайрия ишларида унга ёрдам бераётганингдан Эдит менга жуда мамнунлигини билдирганди. Эдитнинг айтишича, Элейн бошқаларга фойдаси тегаётганидан хурсанд бўлиб, яшашга иштиёқи ортганди.

– Биламан, – дедим хорғин. – Биламан...

– Шунинг учун қўнғироқ қилдим, Брэд. Элейн сени ёқтиради. У сенга ошиқ бўлганди. Сени Эдитга бир неча марта мақтаган.

Полнинг сўzlари юрагимга ханжардек санчилди. Мен Полни жим бўлишга мажбур қилмасам, гаплари билан хонумонимни куйдиради.

– Мен ҳам уни ажойиб аёл деб ҳисоблардим, – дедим маҳзун.

– Биз ҳаммамиз у ҳақда шундай фикрдамиз. Шунча воқеадан кейин ҳам иродасининг қучли-

<sup>1</sup> Полиомиелит – асаб системасини фалаж қиладиган ўта юқумли хасталик (бу ва бундан кейинги изоҳлар таржимонники).

лиги, чидамлилиги барчамизни ҳайратга солди. Энди эса нима сабабдан бу ишга қўл урганини ҳеч қачон билолмаймиз.

Гўшакни илиб кўзларимни юмдим. Ҳа, улар билишмайди. Лекин мен биламан... Кўп, жудаям қўп нарсани биламан. Ўтириб, стол ва гилам устига сочилган қоғозларга тикилдим. Беихтиёр қоғозларни олиш учун энгашгандим, кўзларимга ёш қўйилди...

Дераза ёнига бориб ташқарини кузатдим. Кулранг, ғамгин совуқ бино кўкка бўй чўзиб, осмон бағрини тилиб турибди. Мэдисон-авенюдаги бир парча – беш юзга тўрт юз фут<sup>1</sup> жойда умумий майдони ярим миллион квадрат фут бўлган бинолар жойлашган. Янги қўшни уйлар жуда кичкина кўринади. Шахарнинг бу манзараси мен мансуб бўлган катта бизнеснинг бир бўлраги. Эсимни таниганимдан бери бизнес оламига интилдим. Мен энди бу бизнес деганларининг қийматини биламан: ҳеч нимага арзимайди. Мутлақо ҳеч нимага! Йўлакчадаги кичкина бир одам катта шаҳардан кўра кимматроқ туради.

Мен унинг ўлганига ишонолмасдим. Яқиндагина Элейннинг дудоқларидан лабларим бол олар, унинг қўнғироқдек овози қулоғим остида жарангларди. «Элейн!» Бу исмни овоз чиқариб айтдим. Бир пайтлар нозик ва ширин туюлган исм юрагимга ханжардек қадалмоқда. Нега бундай килдинг, Элейн?

Кўп ўтмай хонага маъюс қиёфада дадам кириб келди. У доим тортинчоқ қиёфада юрар, факат машина ҳайдагандагина ўзини дадил ҳис қиласади. Дадам синовчан нигоҳ билан менга тикилди.

– Бу хабарни радиодан эшитиб, дарров сенинг ёнингга келдим, – дея изоҳ берди у.

– Раҳмат.

<sup>1</sup> *Фут* – 30,48 см га teng узунлик ўлчови.

Шкафдан шишани олдим.  
– Дада, яхшиман, ҳаммаси жойида.  
Иккита стаканга виски қуиб, биттасини дадамга узатдим.

– Сен дағы маросимиға бориб, ундан кечирим сўрашинг керак. Йўқса, ҳеч қачон ҳаловат тополмайсан.

– Аммо қайси юз билан бораман, дада? – дедим зўрға ўкириб юбормаслик учун пастки лабимни тишлаб.

Дадам ўрнидан турди.

– Бу қўлингдан келади, – деди ишонч билан. – Чунки сен менинг ўғлимсан, Бэрнард. Сен менинг барча нуксонларим, камчиликларимни мерос қилиб олган бўлишинг мумкин, факат қўркоқлигимни эмас. Бу сенга қанчалик оғир бўлишига қарамай, ишонаман, сен Элейндан кечирим сўрашга куч топа оласан.

## БИРИНЧИ БОБ

 оқолимни оларканман, бурчакдаги ойнадан аксимни томоша қилдим. Ваннанинг очик эшиги орқали хотиним Маржнинг каравотда ўтиришини кузатдим. Узун, жилоли, тўлқинсимон қўнғир соchlари нозик, оппоқ елкаларини коплаган. Қоматини жуда яхши сақлаган. Унга қараб уч хафтадан кейин тўйимизнинг йигирма йиллигини нишонлашимизга ишониш қийин.

Йигирма йил. Икки фарзанд – ўн тўққиз ёшли ўғил ва ўн олти ёшли қиз. Рафиқамнинг ўзи хали қиз болага ўхшайди. Хушбичим қоматида ўша тўйимиз бўлган йили кийган ўн тўққизинчи ўлчамли кийим.

Унинг кулранг-мовий кўзлари бурунгидай ёниб тураг, лаблари эса бўялмаса ҳам майнин ва юмшоқ эди. Бу лаблар Маржнинг саховатли ва қатъиятлилигидан, сал кенгроқ, юмалоқ ияги эса унинг тўғрисүз ва поклигидан дарак берарди.

Димоғимда аллақандай күйни хиргойи қилиб, соқол олишда давом этдим. Мен бахтли эдим — буни инкор этишнинг нима кераги бор? Шуниси қизиққи, йигирма йиллик оиласвий турмушдан сұнг хам ҳаёт икир-чикирларидан күнглим сови-маган.

Юзимга атир пуркагач, устарани ювиб, сочларимни тарадим. Менинг фойдамга яна бир очко. Охирги беш йилда сочим оқарганига қарамай, ҳали сержило. Ётоказнага қайтганимда, хеч ким йўқ экан. Каравотнинг устида тоза кўйлак, пайпок, ич кийим, костюм ва бўйинбоғ турибди. Жилмайиб қўйдим. Марж кийим-кечагимни қаттиқ назорат қилади. Унинг айтишича, менинг касбимдаги одам пўрим кийиниши лозим экан.

Аммо охирги саккиз-тўққиз йил давомида мен бундай кийина олмадим. Қачонлардир отнинг ёпинчигига ўхшаш кийимларни кийиб, бошқаларнинг фикрига тупуришим мумкин эди. Лекин энди мен — оддий матбуот вакили эмасман. Жамоат билан алоқа қилиш бўлими маслаҳатчиси лавозимига ўтгач, йилига уч минг ўрнига ўттиз минг доллар мояна ола бошладим ва катакка ўхшаш, телефон уйчасини эслатувчи, ёзув столи аранг сифадиган тор катакни эмас, Мэдисон-авенюдаги осмонўпар биноларнинг бирида жойлашган алоҳида хонани эгалладим.

Нонушта қилиш учун ошун ошхонага кирганимда, Марж хат ўкиб ўтиарди. Мен унга яқинлашиб, ёноғидан ўпид қўйдим.

— Хайрли тонг, азизам!

— Хайрли тонг, Брэд! — кўзини қофоздан узмаган холда жавоб берди у.

Хотинимнинг елкаси оша хатга қараб, таниш дастхатга кўзим тушди.

— Брэдми? — деб сўрадим, ўғлим Брэд Ровени назарда тутган холда. У коллажнинг биринчи курсида ўқир, анчадан бери уйда бўлмагани боис

аввалгидек хафтасига бир марта эмас, онда-сонда хат ёзиб турарди.

Марж «ха» дегандай бош ирәади.

Столни айланиб ўтиб, ўз жойимни эгалладим.

– Нималар деб ёзибди? – сүрадим стакандан апельсии шарбатини ҳўпларканман.

Рафиқам кулранг кўзларини менга тикди.

– Имтихонларини ўртacha саксон баллга топширибди. Факат математика фанидан муаммолари бор экан.

Жилмайиб қўйдим.

– Хавотирга ўрин йўқ. Мен хам колледжа ўқиганимда бу машмашаларни бошимдан ўтказганман.

Анельсии шарбатини ичиб бўлгач, хизматкор аёл Салли тухум ва бекон<sup>1</sup> келтирди.

Икки нарса жону дилим: нонуштада тухум сийиш ва тонгда душпа маза қилиб чўмилиш.

Болалигимда бу нарсалар мен учун эришиб бўлмас дабдаба бўлиб туюларди. Биз Нью-Йоркда яшардик. Отам такси ҳайдарди. У ҳозир, олтминн тўрт ёшида хам руль чамбарагини айлантириб юрибди. Ортиқча шулимиз йўқ эди. Қайсиdir жиҳатлари билан дадам галатироқ чол. Онамнинг ўлимидан сўнг бизниги кўчиб келишга қаршилик қилди. «Менинг жойим – учинчи авенюда», дейди доим. Гаи фақат бунда эмас. У онамдан узокда яшашни истамади. Учинчи авенюдаги ўйимиздан онамнинг нафаси келиб туради. Падаримнинг туйғуларини хурмат қилганим учун кўчиб келишга мажбурламадим.

Дастурхонга қизим Жини яқинлашди. У хар доимгидай шошиларди.

– Нонушта қилиб бўлдингизми, дада? – сўради у.

Мен жилмайиб қўйдим. Жини – ўзимнинг жондан азиз қизалогим. Онасининг ўзи, факат сал тантирок.

<sup>1</sup> Бекон – дудлангап чўчка гўнти нимтаси.

- Бунча шошилмасанг? Ҳали қахва ичмадим.  
— Мактабга кеч қоляпман, дада! — оёқ тираб олди у.

Кизимга меҳр билан боқдим. Уни ўзим эркалатиб юборганман. Жинининг ортидан эшик томон юриб, остоңада хотинимга ўгирилдим. У мени табассум билан кузатиб турибди. Жавобан мен хам табассум ҳадя этдим.

— Биласизми, хоним, агар мен ёш йигит бўлганимда, шубҳасиз, яна сизнинг қўлингизни сўраган бўлардим.

## ИККИНЧИ БОБ

*Н*ўлакчадан машина томон юрдим. Куз, октябрь ниҳоялаб бормоқда. Йилнинг бу фаслини жуда яхши қўраман. Кимдир баҳорнинг яшиллигини ёқтираса, мен кузнинг зийнатини севаман. Бу ранглар менга бошқача таъсир қилиб, завқимни оширади, куч-кувват бағишлайди.

Машина ёнида тўхтаб, Жинига қарадим.

— Нега мошинанинг тепасини очдинг? — деб сўрадим ўриндиқдан пальтомни олиб киярканман.

— Шундай мошинанинг томини ёпиб хайдаб бўларканми?

Жини ҳак эди. Шаҳар ташқарисида тиник осмон остида, ён-атроф олтинранг барглар билан қопланганда машина хайдаш кишига сўз билан ифодалаб бўлмайдиган хузур-халоват бағишлайди.

— Дада, юбилейга ойимга нима совға қиласиз? — кутилмагандан Жинининг овози янгради.

Кизимга ўгирилдим, Жинининг қўзлари йўлга кадалганди. Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмабман.

— Билмадим, — деб очигини айтиб қўяколдим.

У мен томонга ўткир нигоҳини кадади.

— Бу масалани тезроқ ҳал қилиш лозим,— деди Жини ишбилармонлик билан. — Бир ойдан кам вақт қолди.

— Ойнгга нима совға қилсам, хурсанд бўларкан, билмайсанми?

— Айтайлик, мўйнали пўстин, — деди у ва яна йўлга тикилди.

Кизимга ҳайрон бўлиб тикилдим ва ишончсизлик билан сўрадим:

— У мўйнали пўстин олишни хоҳлармикан? Сен доим унга мўйнали пўстин керакмас, дердингку.

— Дада, сиз мени ҳайрон қолдиряпсиз. Кайси аёл совғага мўйнали пўстин олишни орзу қилмайди? Тушунмайман, ойим сизнинг нимангизга учдийкин? Романтикан йироқсиз, — деб кулди.

Беихтиёр жилмайдим. Жинидан чакалоқларни лайлак олиб келади деган чўпчакка ҳали ҳам ишонасанми, деб сўрашимга бир баҳя қолди. Лекин ўн олти ёшга тўлган, ҳаётнинг барча ҳакикатларини тушуниб бораётган қизингдан бу хақда сўраш ишқулай.

\* \* \*

Мен соат ўн бирда хуш кайфиятда ишхонага кириб келдим. Дон Марж учун ажойиб совға тайёрлашга ваъда берди. Марж ёзда ипакдан қўйлак тикирганда унда ўлчамлари қолган экан.

— Хўжайн, қаердайдингиз? — Пальто ва шляпамни олаётиб сўради котибам Микки.— Вашингтондан Пол Реми эрталабдан бери қўнғироқ қилипти.

— Дўконларни айландим. Унга нима керак экан? — дедим ўгирилиб.

— Айтмади. Сизда муҳим гапи бор экан.

— Вашингтонга қўнғироқ қил.

Микки чиқиб кетгач, Полга нима керак экан, деб ўйландим. Ишонаманки, унинг ҳамма ишлари жойида. Моҳир сиёсатчининг ишлари, у ҳар қанча тажрибали бўлмасин, исталган вақтда чап-

пасига айланиб кетиши мумкин. Пол президент ёрдамчиси эди. У жуда бамаъни йигит. У билан дўстлигимиз урушнинг илк кунларидан бошланган.

Мени хизматга яроқсиз деб топишгач, харбий саноат бошқармасининг реклама бўлимига ўтказиши. Шу ерда Полни биринчи марта учратдим. У матбуот билан алоқа бўлимими бошқаарди. Мен унинг қўлига ўтдим. Бу баҳти тасодиф эди. Биз тез тил топишдик. Уруш бошлангунга қадар у фарбий соҳилдаги довруги кетган ишбилармонлардан бири эди. Пол Реми Вашингтонда давлат лавозимларидан бирини эгаллаш учун фирмасини сотган. Бундан сал олдинроқ мени ҳам кинокомпаниядан ишдан бўшатишганди, иш излаб пойтахтга йўл олгандим.

Уруш тугаган кун у мени кабинетига чақирди.

– Энди нима килмоқчисан, Брэд? – деб сўради мендан.

Кифтимни учириб қўйганим ҳамон ёдимда.

– Балки янги или излаб кўрарман.

– Шахсий фирма очиш ҳақида ўйлаб кўрмадингми?

– Бизнес учун катта маблағ керак. Чўнтағим кўтармайди. Бунақа пулим йўқ.

– Сенинг ёрдамингга муҳтож бир неча ишбилармонларни биламан. Иш бошлишинг учун сенга унча катта бўлмаган идора керак.

Полга диқкат билан разм солдим.

– Бу хомхаёл. Ҳар бир матбуот вакилининг ушалмас орзуси, – дедим Полнинг рўпарасидаги курсига чўкарканман. – Давом эт...

Ҳаммаси шундан бошланди. Кичкина бир хонали уйни идора учун ижарага олдим. Котибаликка Миккини ёлладим. Кейинчалик каттароқ бинога ўтиб, ходимларим сонини йигирма бештага оширдим. Полнинг дўстлари, таниш-билишлари кўп экан. Ўз навбатида, уларнинг ҳам ошнағайнилари бор эди.

Телефон жиринглади. Гўшакни кўтарганимда, Миккининг овози янгради.

– Брэд, жаноб Реми алоқада.

Селектор тутмасини босдим.

– Салом, Пол. Ишларинг жойидами?

– Брэд, сендан бир илтимосим бор эди.

– Бемалол, Пол! Хизматингга тайёрман!

– Бу Эдитнинг хайрия ишларига тегишли, – деди у.

Эдит – Полниг хотини. Донги чиққан аёл. Унга Вашингтоннинг серташвии ҳаёти ўз таъсирини ўтказган. Эдитга қўлимдан келганча ёрдам берардим. Буни ўзимни Полниг олдида карздордек хис этганим учун қиласардим.

– Албатта, Пол, – дедим, – жоним билан! Галиравер!

– Брэд, нима масаладалигини билмайман-у, Эдит бугун сенинг қабулингга Хортенс Элейн Шайлер хоним келишидан огоҳлантириб қўйишимни илтимос қилди. Унинг ўзи сенга ҳаммасини тушунишаркан.

– Яхши, Пол, – дедим қоғозга аёлниг исм-фамилиясини ёзиб оларканман. – Кўлимдан келганча ёрдам бераман.

Бироз гаплашгач, гўшакни қўйиб, қоғозга тикилдим. Хортенс Элейн Шайлер. Вашингтонлик хонимларга хос оддий фамилия. Ўзи ҳам фамилиясига мос қари кампир бўлса керак.

## УЧИНЧИ БОБ

**Q**оат тўрт яримда ҳисобчим Крис билан пўлат қувучилар ассоциациясининг буюргасини бажаришни муҳокама қилдик. Криснинг мовий кўзлари металл гардишли кўзойнаги тагидан йилтираб тураг, у шу туришида жуда баҳтиёр қўринар, ҳар доимгидай пул ҳақида гапиравди:

— Тўрт юзта газетада ҳафталик нашр беш ўн беш минг долларга тушади. Бизнинг ўн беш фоизлик воситачилик ҳаққимиз етмиш минг долларни ташкил этади. Рассомга, кўпайтириш ва макетга солиш ишларига ҳафтасига минг доллар, йилига эса эллик икки минг доллар сарф килинади...

Ортимда эшик очилганини эшитиб, ўтирилдим. Микки экан.

— Сендан безовта қилмасликни сўрагандим, шекилли?

— Брэд, қабулингизга Шайлер хоним келди, — деди Микки ғазабланганимга эътибор ҳам бермай, хотиржам оҳангда.

— Шайлер хоним? Ким у?

— Хортенс Элейн Шайлер хоним. У қабул қилмасангиз ҳам хафа бўлмаслигини, уни қабул қилиш ҳакида яқиндагина сизни огоҳлантиришганлигини айтди. Эртага у Вашингтонга қайтиб кетаркан. Сиз билан қачон учрапиш мумкинлигини сўраяпти.

Шунда бу Эдит айтган халиги кампир эканлиги ёдимга тушди.

— Унга айт, беш-ўн дақиқа кутиб турсин.

— Майли, бугунга етар, — дедим Крисга. — Колганини эртага муҳокама қиласиз.

— Эртага соат иккода Мэтт Брэйди ва қўмитанинг бошқа аъзолари билан учрапишинг керак, режани ўрганишга вақтинг қолмайди, — деб таъкидлади Крис.

— Хавотирланма, Крис. Уларнинг зуваласи ҳам бизникига ўхшаб корилган. Улар ҳам аёлларни, пулни, майни хуш кўришади. Фаришта эмаску уларинг. Биз уларнинг кўнглига йўл тоиамиз. Истаган одам билан келишса бўлади, факат унга нима кераклигини билиш, тушуниш лозим. Агар шу ишларни бажаролсак, буюртма бизники деявер. Ҳаммаси оддий.

Крис бош чайқади. Ҳисобчимнинг устидан хаёлан кулганча тугмачани босдим. Бечора Крис, у ўтган замонда яшайди.

— Микки, — дедим телефонда, — кампир олдимга кирсин.

— Нима дедингиз, Брэд? — ҳайрон бўлиб сўради Микки.

— Кампирни олдимга киргиз! Бугун сенга нима бўлган? Қулоғинг том битганми?

— Сиз уни олдин қўрмаганмисиз? — ўзини кулгидан зўрга тутган ҳолда сўради Микки.

— Йўқ, келажакда ҳам қўриш ниятим йўқ.

Энди Микки ўзини кулгидан тўхтатолмади.

— Ўйлайманки, сиз ўз фикрингизни ўзгартирасиз.

Элейн Шайлернинг истиқболига журъатсизлик билан қадам ташларканман, чиндан ҳам фикрим ўзгарди. Салом-алиқдан сўнг унга тикилиб қолдим. Кинокомпанияда илилаган пайтларим дунёнинг гўзал аёлларини кўп қўрганман, улар билан мулоқотда бўлганман, бу менинг хизмат вазифамга киради. Лекин бу аёл бошқача, ундан ўзига хос аслзодалик барқ уриб турибди. Қаршимда зилол сувдек тиниқ олмос, олтиннинг энг олий нави, тонгги нозик офтоб, гул дўконидаги энг гўзал оқ орхидея, қўкламнинг зумрад яшиллиги, Билли Эпстайннинг муҳаббат хақидаги қўшиғи гавдаланганди гўё.

Тўқ жигарранг соchlари елкаларига тушган. Мовий қўзлари тубсиз денгизни эслатади. Юзлари чўзиқроқ, нозик, бурни сал юқорига кўтарилган, ияги юмалоқ, бир текис тишлари опиоқ ялтирайди.

— Менга Брэд деб мурожаат килаверинг, марҳамат, ўтиринг, — дедим у томонга оромкурсини суарканман.

У ўтириди. Мен сал-пал титраб, ўзимга келиш учун катта столим ёнига қайтдим ва яна Шайлер

хонимга нигоҳ ташладим. У қўлқопларини ечди. Шунда кўзим унинг оппоқ, нозик, садафранг лак суртилган тирноқларига тушди. Чап қўлида катта ёкут кўзли узук.

— Мени Элейн деб атайверинг. Менга ҳеч қачон Хортенс деган исм ёқмаган, — деди у дўстона жилмайиб, — бу исм учун онамни сира кечиролмайман.

У тилла суви югуртирилган ясси портсигардан сигарета олди, столни айланиб ўтиб унга олов ёқаман деб пешонамни уриб олишимга бир баҳя қолди. Элейн сигаретани чуқур тортиб, секин тутун чикарди. Мен ўз жойимга қайтдим, қалбимда сабабини ўзим ҳам тушунолмаган фалаён авж олди. У кўзларини катта очиб тикилди.

— Эдит сиз билан учрашишни маслаҳат бериб, бу дунёда менга ёрдам бера олиши мумкин бўлган ягона одам сиз эканлигинизни айтди.

— Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

— Мени полиомислит касаллигининг олдини олиш бўйича маҳаллий қўмита раиси этиб сайлашди. Ўйлашимча, сиз менга сезиларли натижалар берувчи компания ишини самарали режалаштиришга ёрдам қилоласиз.

Элейнни фақат бир нарса ташвишга соларди — кўпроқ газета сахифасини эгаллаш. Бирдан ундан ихлосим қайтди. Нега бундай ахволга тушганимни тушунмадим. Оқсуяк ойимчаларининг хаммаси бир хил — машхурликни, матбуот эътиборини қозонишни орзу қилишади.

— Сизга ёрдам беролсан, бошум қўкка старди, Шайлар хоним, — дедим қуруққина қилиб, — котибамга манзилингизни, ташкилотингиз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни қолдирсангиз, матбуотда ўзингизга хос сиймонгизни яратардик.

У сухбатимизнинг бундай якун топишини кутмаганидан кўзларида хайрат билан ажабланиб тикилди.

— Кўлингиздан келадигани бор-йўғи шуми, жаноб Ровен? — деб сўради ишончсизлик билан.

— Сизга шу керак эмасми, Шайлер хоним?

— Мени нотўғри тушундингиз, жаноб Ровен. Менга машҳурлик керакмас, бундан чарчаганман. Бу ерга келишимнинг сабаби, сизнинг ёрдамингизда одамларни полиомиелит касаллиги хавфидан огохлантириш, хабардор қилиш эди. Полиомиелит касаллиги оқибатида яқинларингни йўқотиш нима эканлигини яхши биламан, шу сабабли бу ишга киришгандим. Бошқа оналарга, аёлларга ўзимнинг қисматимни раво кўрмайман.

Элейн эшикка йўналди. Мен янгилишганимни фахмлаб ўрнимдан сапчиб турдим-да, эшик ёнига етганида уни тўхтатдим. Элейннинг қўзлари тўла ёш эди.

— Шайлер хоним, узр, айтган гапимдан хижолатдаман. Учинчи авенюлик ахмоқни кечиринг!

У кўзимга тикилиб, чурқ этмасдан оромкурсига ўтириди. Олтин портсигаридан сигарета чиқариб, лабига олиб борди. Унинг қўллари титрарди. Гурургурт ёкиб, унга тутдим.

— Кечиринг, айборман, — дедим олов шульаси унинг юзини ёритгач, — мен сизни машҳурлик излаб юрган аёллардан бири деб ўйлабман.

У менга тикилиб қолди. Кўкиш тутун юзини қоплаб олди. Тутун тарқагач, қўзлари кўринди. Элейннинг дард тўла қўзларига чўкиб кетдим. Ўзимни уни кучоклаб, эркалаб таскин беришдан зўрға тийдим. Ҳеч қимнинг бундай азоб чекишини истамайман.

— Брэд, сиз ҳақиқатан ҳам менга ёрдам берсангиз, кечираман, — деди у сокин ва юмшоқ охангда.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

**M**елефон жириングлади. Крис экан. Унинг гаплари қулоғимга кирмас, кўзларим Шайлер хонимда эди. Хоним оромкурсидан туриб, деворда илинган пешлавхаларнинг ёнига бориб, уларни ўқий бошлади. Аёлнинг ҳаракатлаши, ўзини тутиши, бошини эгиб эскизларни томоша қилиши менга жуда ёқарди.

— Ха, бу пўлат қуючиларнинг жамоатчилик билан алоқасини тарғибот қилувчи компаниями? — деб сўради у.

— Сиз бу ҳақда эшитганмисиз?

— Охирги икки ҳафта давомида фақат шу ҳақда гапиришмоқда.

Ажабланиб қолдим.

— Амаким Мэтт Брэйди «Консолидейтид Стал» бошқармаси раиси. Охирги икки ҳафтани унинг уйида ўтказдим.

Хуштак чалиб юбордим. Мэтт Брэйди пўлат билан шуғулланувчи машхур корчалонлардан бири. У ақлли, шу билан бирга сочининг учидан тортиб оёғигача қароқчи, раҳмсиз, бешафқат инсон бўлиб, унга бизнинг тишимиз ўтмасди. Ҳатто Крис ҳам ундан кўркарди.

— Мени Худонинг ўзи асрари, Мэтт Брэйдининг жиянини хонамдан ҳайдашимга бир баҳя қолибди-я! Унда мен пўлат қуючилардан буюртма олишдан умидимни узсам ҳам бўларди.

— Аслида амаким меҳрибон одам, мен уни жудаям яхши кўраман.

Ичимда кулиб қўйдим. Ҳеч қачон Мэтт Брэйдидек инсонни меҳрибон деб аташга тилим бормасди, чунки у охирги иқтисодий инқироз даврида барча майда пўлат қуюччи компанияларни синдириб, ютиб юборганди. У ўзининг қилмишлари билан қанча одамнинг бошига етгани ёлғиз Худога аён.

Ёзувларимга карадим.

— Келинг, ўзимизнинг муаммоларимизга қайтайлик. Сиз айтган ташвиқотларни ўтказишида муаммо шуки, жамоатчилик турли ачинарли воқеаларни ўқишдан чарчаган ва эшишини ҳам истамайди. Лекин биргаликда бу масалани ҳал қилоламиз, деб ўйлайман.

— Барча зарур нарсаларни ўзим ҳал қиласман, — деди шошиб Элейн.

— Яхши, газета, радио ва телевидение учун сиздан бир қанча интервьюлар оламиз. Сиз ўзингизни қўлга олиб, бахтсизлигингиз хақида гапириб берасиз.

Элейннинг юзларига фам соя солиб, кўзларида чексиз мунг пайдо бўлди. Мен бундай дардни ҳеч кимнинг кўзида кўрмаганимдан беихтиёр Элейннинг қўлларини ушладим, бу қўллар кафтимда музлаб қолди.

— Сиз хақсиз, мен бу ҳақда барибир гапиришим керак, шуниси маъқул, — деди аёл. — Кетадиган вақтим бўлди, майли, энди бора қолай.

— Ҳали гаплашиб бўлмадик, шекилли, — дедим уни қўйиб юборгим келмай. — Сиз эртага Вашингтонга кетасиз, шундайми?

— Янаги ҳафта қайтиб келаман, — деди у ойначасига қараб.

— Бугунги ишни эртага қўйма, дейишган. Балки бирга бирон нарса ичармиз?

— Брэд, мени нима мақсадда ичишга таклиф киляпсиз? — деди Элейн менга ўгирилиб, тик боқаркан.

Ўзимни севган қизини учрашувга таклиф килиб, рад жавоби олган ўспирин йигитдай ҳис этиб, нокулай ахволга тушдим. Муносиб жавоб излай бошладим.

— Сизнинг олдингизда ўзимни гунохкор ҳис этяпман, айбимни ювмоқчийдим.

Унинг юз ифодаси ўзгариб, жилмайди.

- Хожати йўқ, Брэд, мен сизни кечирганман, — деди у шивирлаб. — Душанба куни қайтаман, агар вақтингиз бўлса балки ўшанда учрашармиз.  
— Унда шу ерда, соат бирда учрашсак-чи?  
— Келишдик, — деди Элейн жиддий оҳангда.

\* \* \*

Бутун йўл давомида фақат Элейн ҳақида ўйларканман, қилифимдан жаҳлим чика бошлади. Менга нима бўлди? Ахир мен ундан ҳам гўзал, ундан-да жозибалироқ аёлларни кўп учратганманку... Кечки овқат маҳали Маржга Элейннинг ташрифи, сухбат давомида ўзимни қандай тутганим ҳақида гапириб бердим.

Марж мени ҳар доимгидай жимгина, дикқат билан тинглади ва чуқур хўрсинди.

- Сенга нима бўлди? — деб сўрадим.  
— Бечора... Бечора баҳтиқаро аёл, — деди у секингина.

Кўзим ярқ этиб очилди, Марж коронғи хонада чироқ ёққандай, нишонга урди. Ҳаммаси ўз жойига тушди. Шу вақтгача Элейн Шайлер мен учун ҳеч ким эди. Энди унга раҳмим келяпти. Нима учун у ҳакда ўйлаётганимни энди тушундим. Ухлашга ётарканман, ўзимга келиб, анча енгил тортдим. Элейн Шайлер душанба куни хонам остонасини ҳатлаганда, мен нотўғри фикрга борганлигимни, адашганимни тушундим.

## БЕШИНЧИ БОБ

**D**ушанба куни оғисга келганимда, аввалгидаи хаяжонланмадим. Ҳаммасини режалаштириб олдим, хушмуомалалик билан Элейнни енгил тамадди қилишга таклиф этаман, ёрдам бераман ва шу билан ҳаммаси тугайди, деб ўйладим. Жилмайиб, келган хатларни ажратиб, ўқий бошладим. Э Худо, аҳмоқлик қилишимга



сал қолди-я? Қирқ уч ёш — ҳазилакам ёш эмас. Босикрок, акллирок бўлишим керак эди. Эркак хаётининг маълум бир даврида мұхабbat ва аёл асосий ўрин тутиб, ҳам жисман, ҳам руҳан бирлашиб кетади. Бунақаси фақат ёшлиқда бўлади, ҳарқалай, қирқ уч ёшда эмас. Бу ёшда бошқа қизиқишилар пайдо бўла бошлайди. Мана шу жараён улғайиш деб аталади. Бу жараён тенгдошлиримда қандай кечганини кўрганман. Қирқ уч ёшда мұхабbat инсондан жуда катта жисмоний куч ва хис-туйғуларни талаб қиласди. Бу ёшдаги одам кучини мұхабbatтга эмас, бизнесга қаратиши лозим. Кайсиdir ёзувчининг: «Америкада мұхабbatнинг ўрнини бизнес босади», деган гапи эсимга тушди. Вақт ўтган сари эркак жамиятда ўз ўрнини тошиш йўлларини излайди. Ортиқча ўй-хаёллардан кутулишнинг асосий йўли эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишидир. Шунинг учун бу ёшда кўпчилик эрқакларда иш аёлнинг ўрнини эгаллайди. Инсоннинг имкониятлари чекланган, ҳозиргача имкониятим нималарга қодирлигига ақлим етмасди. Бунинг устига, Элейн — Мэтт Брэйдининг жияни бўлса, ортиқча машмашанинг нима кераги бор?

— Салом, Брэд! — деди Элейн хонамга киргач, сокин ва эркаловчи оҳангда.

Маълум муддат довдираб қолдим, кейин унинг ёнига бориб қўлларини ушладим.

— Элейн... — Унинг нозик ва муздай қўллари кафтими куйдирди. — Келганингиздан жудаям хурсандман.

У кулиб нимадир демоқчи бўлиб юзимга қаради-ю, гапиролмай сўзлари бўғзида қолди. Элейннинг кўзларига ғам соя солди ва у кўзларини олиб қочди.

— Кечиринг, Брэд, сиз билан овкатланишга боролмайман, — деди деярли шивирлаб қўлини тортиб оларкан.

— Нега?  
— Учрашувим борлиги эсимдан чиқибди. Узримни айтишга киргандим.

— Нега ёлғон гапиряпсиз? — деб сўрадим Элейннинг кўзларига тикилиб.

Танасини куч тарк этгандай у менинг қўлларимда эрий бошлади. Элейннинг кўзларидан ёш томчилади.

— Мени кўйиб юборинг, Брэд! Сизга менинг шунча бахтсизлигим камми?

Элейннинг ожиз товуши менинг қаҳримни эритиб юборди. Уни кўйиб юбориб оромкурсига чўқдим.

— Майли, Элейн, истасангиз, кетишингиз мумкин.

У иккиланиб, менга тикилди.

— Кечиринг, Брэд.

Жавоб бермадим. Эшик ёпилди, унинг ортидан маъносиз тикилдим. У ҳак эди. Ҳаммаси кундай равshan, мен бошимга ғалва сотиб олаётгандим. Бу аёл эрмак учун юриб, кейин ташлаб кетиш мумкин бўлган аёллар тоифасидан эмас. Фақат уни деб яшашга арзирли аёл эди.

Пўлат қуювчилар ассоциациясининг буюртмаси бўйича хисботларни текшириб, виза кўйиб, Кристга жўнатдим. Соат беш яримда шаҳарга келган Пол Реми билан учрашиш учун идорадан чиқиб кетдим. Ҳаво очиқ, булутсиз бўлсада, совуқ эди. Чуқур нафас олиб, пиёда сайр қилиш фойдали, деган қарорга келдим. Эллик иккинчи кўча билан Мэдисон-авенюга етиб бориб, ресторанга бурилдим. Столга яқинлашганимда, Пол мени кўриб ўрнидан кўзғалди. Эдит эрининг ўнг томонида ўтиради. Полнинг қўлини сикдим, Эдитга ўғирилиб, жилмайдим.

— Мана бу қутилмаган совға. Ташрифингиз ҳақида хабар бермаганингиз учун Марж хафа бўлади.

— Бу биз учун ҳам кутылмаган вожеа бўлди, Брэд. Сизни кўрганимдан хурсандман, — деди Эдит жавобан жилмайиб.

— Мен ҳам. Кундан-кун ёшариб кетяпсиз, — дедим столга ўтириб.

— Ўша навқирон Брэдни кўряпман, — деб кулди Эдит. Менинг сўзларим уни хурсанд қилиб юборди. Столда тўртингчи одам учун ҳам овқатланиш анжомлари қўйилганди. Савол назари билан Полга қарадим.

— Яна кимдир келиши керакми?

Пол энди гапиришга оғиз жуфтлаганда, Эдит ундан олдин жавоб берди:

— Ха, у хозир келади!

Пол елкам оша орқага назар ташлади ва ўрнидан турди. Беихтиёр мен ҳам ўрнимдан туриб, ортимга ўгирилдим. Назаримда, нигоҳларимиз бир пайтда тўқнашди. Унинг кўзларида бир лаҳзада олов пайдо бўлди ва бу олов бирдан сўнди. У сусткашлик билан бизнинг столга яқинлашди.

— Жаноб Ровен, сизни кўрганимдан мамнумман, — деди Элейн нозик қўлларини менга узатаркан.

## ОЛТИНЧИ БОБ

**К**уюқ зиёфатдан сўнг Пол ва Эдит самолёт сари, мен Элейн билан гаплашмасдан, жимгина машина томон йўл олдик. Ўзимни машина ўриндиғига ташлаб, Элейнга қарадим. У олд ойна орқали самолётнинг учишини кузатиб турарди. У жуда ғамгин эди ва назаримда, ўзини ёлғиз ҳис қиласди.

— Бирон нима бўлдими? — деб сўрадим ундан.

— Йўқ, хаммаси жойида, уларнинг соғ-саломат учиб кетганлигини кўрмоқчидим.

— Хар доим улар ҳақида шундай қайғурасизми? — дедим. Саволим худди тасдиқдай эшитилди.

— Мен уларни яхши кўраман, агар Пол ва Эдит бўлмаганда, бунча ғам-қайгуни қандай кўтараардим, билмадим, — деди Элейн.

Мен қимир этмасдан унинг сигарета чўғи ёритиб, товланиб турган ёноқларини кузатдим, унинг кўзлари тубида учқун пайдо бўлди. Бироқ менга қараганида, Элейннинг лабидаги табассум бирпасда қаергадир ғойиб бўлди.

— Мен сизни яна учратаман деб сира ўйламагандим, — деди Элейн.

— Мен ҳам. Учрашганимиздан афсусдамисиз? У бир лахза жим бўлиб қолди.

— Нимани ҳис қилаётганимни билмайман, Брэд, аслида бу саволга аниқ жавоб беролмайман.

— Мен эса нимани ҳис қилаётганимни яхши биламан, — дедим ишонч билан.

— Бу сиз учун осон, чунки сиз эркак кишисиниз. Аёллар учун катта аҳамиятга эга бўлган нарсалар эркаклар учун у даражада муҳим эмас. Кўп нарсаларга енгилроқ қарайсизлар.

— Шундай деб ўйлайсизми?

Сигаретани ойнадан улоқтириб, Элейннинг елкасидан ушлаб, ўзимга тортдим. Ундан бўса олдим. Унинг лаблари на иссиқ, на совук эди. Элейннинг юзига қарадим, унинг ҳайратдан катта очилган кўзлари менга тикилиб туарди.

— Сени илк маротаба учратганимдаёқ бўса олишни хоҳлагандим.

Элейн эшик томонга сурилди. Кейин чуқур «ух» тортиб, бошини орқага, ўриндиқ суюнчиғига ташлади.

— Дэвид ҳаётлик чоғида биронта эркакка қайрилиб боқмаганман, у ҳам бегона аёлга қарамаган. Уруш пайтида биз узоқ вакт кўринишомадик. Ўша вақтдаги Вашингтон эсингда бўлса керак. Бузуқлик авж олган, бундан менинг кўнглим айнирди.

— Сен ҳалиям эрингни севасанми?

- У дардли күзларини мендан олиб қочди.
- Саволинг ноўрин. Дэвид вафот этган.
  - Аммо сен тириксан-ку, жажжи қизча эмас, кап-кatta аёлсан. Севиш ва севимли бўлиш – ҳар бир инсоннинг энг зарурий эхтиёжларидан бири ахир.
  - Бу билан сени севиб қолдим, демоқчимисан? – деб сўради у ишончсизлик билан.
- Бир лахза ўйланиб қолдим.
- Билмадим, балки... Аниқ билмайман.
  - Бўлмаса нима демоқчисан, Брэд? Нима хохлаётганингни нега очиқ айтмайсан?
- Унинг нигоҳларидан қочиб, қўлларимга тикилдим.
- Мен ҳозир бир нарсани биламан, у хам бўлса, сени қўмсаяпман. Сени биринчи марта кўрганимдаёқ ёқтириб қолганман. Бунинг нима эканлигини, нима учун бунақа бўлаётганини тушунмаяпман. Умрим бино бўлиб ҳеч қачон, ҳеч кимга бунчалик интилмаганман.
- Элейн лол қолди.
- Брэд... – деди у паст овозда.
- Мен ундан яна бўса олдим. Элейннинг совук лаблари жонланди. Бу лаблар майин, нозик ва бироз титрарди. Уни бағримга босдим. У бошини елкамга кўйди. Элейн эркаловчи нигоҳлари билан менга тикилди. Унинг нигоҳлари меҳр-муҳаббатга тўла эди.
- Брэд, хотининг билан муносабатинг қандай? Сен уни севасанми?
  - Албатта, севаман. Севги-муҳаббат бўлмаса, шунча йил бирга яшаб бўладими? – дедим ўзимни ноқулай ҳис қилиб.
  - Бўлмаса бу фалва нимага керак ё бир хиллиқдан зериқдингми? Янги саргузашт, янги ғалабалар изляяпсанми? – деб секин сўради Элейн.
  - Бу саволинг адолатдан эмас. Мен сенга айтдим-ку, нега бунақа бўлаётганини ўзим хам

тушунмаяйман. Эркак ва аёл ўртасида пайдо бўладиган севги учкуни нималигини ҳам билмайман. Ҳеч қачон бегона аёлларга қарамаганман, чунки бунга вақтим ҳам, хоҳишм ҳам бўлмаган, куним иш билан ўтарди. Билганим шуки, мен сени севиб қолдим, биз бир-бири мизга олдин сенинг ҳам, менинг ҳам ҳаётимда бўлмаган нарсаларни беришимиз мумкин. Сенсиз яшай олмайман, ўлиб қоламан демайман, чунки эришиб бўлмайдиган кўп нарсасиз ҳам яшашим мумкин. Буни аниқ биламан. Ҳаёти давомида инсон умидсизликка тушади, бирор нарсадан кўнгли қолади, бу ташвишлар қанчалик катта бўлмасин, инсон барибир уларга кўниб, кўнишиб яшайверади. Сенга бир нарсани айтишим мумкин: хозирги аҳволимда сендан воз кечишга ўзимни мажбур қилолмайман.

Элейн истеҳзоли жилмайди.

– Брэд, сен тўғрисўз, ҳалол инсонсан. Сенинг ўрнингда бошқа эркак бўлганда хозир бошқача ваъдаларни берган бўларди.

– Ҳалоллик – бизнинг жамиятимиздаги ягона ва энг ноёб фазилатdir.

Элейн тилла портсигаридан сигарет олиб, гургурт чақди, унинг кўзларида олов ёлқинланди.

– Брэд, мени меҳмонхонага элтиб қўй, – илтимос қилди у.

Машинани ўт олдириш учун аста калитни бурадим. Мотор гувуллади, машина жойидан жилиб, шахар томон йўл олди. Йўл бўйи бир оғиз ҳам гаплашмадик. Мехмонхона ёнида машинани тўхтатиб, Элейнга ўгирилдим.

– Элейн, яна кўришамизми?

– Билмадим, Брэд. Учрашишимиз шартми?

– Мени севиб қолишдан кўрқасанми?

– Йўқ, севиб қолишдан кўрқмайман. Умуман, ҳеч нарсадан қўрқмайман, – деди у қатъий қилиб.

Элейн машинадан тушди ва яна менга каради.

— Брэд, ўйлаб күр, сен оилали одамсан. Ҳаётингни чигаллаштирма.

— Бу менинг муаммоим, яна кўришамизми? — дедим шошиб.

— Брэд, маслаҳатимга қулоқ сол, ҳаммасини яхшилаб ўйлаб күр, — леди у мулойимлик билан.

— Маслаҳатингга қулоқ солсам-у, яна сени кўргим келса-чи? — дедим ўжарлик билан.

У елкасини кисди.

— Билмадим, кўрамиз. Хайрли тун, Брэд!

## ЕТТИНЧИ БОБ

**С**араж дарвозасини ёниб, уй томонга йўл олганимда соат миллари тунги ўн бирни кўрсатарди. Ётоқхона ойнасидан тушиб турган ёруғликни кўриб, хижолат тортдим. Умримда биринчи марта Маржнинг ухламай мени кутиб ўтиргани учун ачиндим.

Ўзимни айбдор ҳис қилдим. Ўзимни оклаш учун Марж мени кутмаяти, шунчаки ҳали эрта бўлганлиги учун уйқуси келмаган, деб ўйладим. Эшик ёнида тўхтаб сигарета чекдим.

Элейн хақ. Мен ўйлаб иш қилишим лозим. Ўзи нимани хохляйман? Ахир бир инсон яхши яшаши учун зарур бўлган ҳамма нарсам бўлса, менга ортиқча ташвишнинг нима кераги бор? Аёл барибир аёл. Уйга кираверишдаги зинапояга ўтириб, коронғи осмонга тикилдим. Брэд, сенга хадя этган инъомлари учун Худога шукур кил, нархи ўттиз минг долларлик уйинг бор, юз минг доллар даромад берадиган бизнесинг бор, ажойиб ўелинг ва қизинг, ҳар қандай шароитда сени тушунадиган, суюниб қолган хотининг бор. Камбағаллигинда орзу қилган ҳамма ниятларингга эришдинг, такдир билан ўйнашиб, ҳаётингни ўзгартиришининг шима кераги бор? Юрагимни ғалати ҳис кемиради. Қачонлардир тушимда Элейнни,

унинг гўзал чехрасини кўрганман. Бу мен бир умр излаган, лекин топишинга ишонмаган ўша гўзал аёл тимсоли эди. Кулорим остида унинг нозик ва эркаловчи овози янгради. Элейн бу оламда ўзини ёлғиз ҳис қиласиди, дунё эса ёлғиз одам учун энг кўрқинчли жойдир. Уни ҳам қачонлардир мени кийнаган қўрқув қийнарди. Бу қўрқув – ўтмиш хотиралари, эртанги ҳаётнинг сенга яна қандай кутилмаган синовлари борлиги ҳақидаги қўрқув эди. У ҳам мени ёқтириб қолганлигини аниқ биламан. Одамлар мени тез ёқтириб қолишади. У хонамга кириб келганида, мен унинг кетишига йўл қўймаган пайтимдаёк у мени ёқтириб қолгандай туюлганди. Бугун у хузуримга келганда буни янада кучлироқ ҳис қилдим. Ундан бўса олганимда эса мени ёқтиришига икрор бўлдим. Менда олдин ҳеч қачон тўймаганим қизғин эҳтирос уйғонди. Унинг гайритабиий куч-кувватидан чўчидим. Шунда менинг ҳам бошқа эркаклардан фарқим йўқлигини тушундим. Ўзимнинг бу кашфиётимдан хафа бўлишини ҳам, кувонишини ҳам билмасдим.

– Салом, – ортимдан Маржнинг овози эши-тилди. – Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

Завжамнинг қўллари елкамни силаганини ҳис қилдим. Ортимга ўтирилмай, Маржнинг қўлларини ушладим.

– Ўйлаяпман, – дедим.

Кўйлакнинг майин шитирлаши эштилди.

– Брэд, бирор гап бўлдими? – деб сўради раҳмдиллик билан Марж ёнимга ўтиаркан. – Гапир, балки ёрдамим тегар.

Хотинимга қарадим. Унинг хар қандай вазиятда мени тинглашга тайёрлиги каминага ёкарди. Ҳозир мени Маржга ўйлаётган фикрларимни очиқ айтольмасдим. Аввало, ўзим бу хаёлларимни тушуниб, тартибга солиб олишим лозим.

– Азизам, тинчлик. Ҳеч гап йўқ, – дедим сокинлик билан. – Ўтириб, шахар ташқарисига чиқиш канчалик ёқимли эканлиги ҳақида ўйлаяпман. .

Марж жилмайди, кўзларининг четида ажинлар пайдо бўлди. У ўрнидан туриб, мени ҳам ортидан тортди.

— Унда, менинг табиатсеварим, унутма, ёз тугади, бу ерда хаёл сурис ўтираверсанг, шамоллаб қоласан. Яхшиси, уйга кир. Сенга қаҳва дамлагунимга қадар менга Пол ва Эдит билан учрашувинг ҳакида гапириб берасан.

\* \* \*

Эрталаб машинага, Жинининг ёнига ўтирдим. Марж бўсағада бизни кузатиб турарди.

— Брэд, бугун эртароқ кел. Кечки овқатга даданг келади.

— Яхши, ҳаракат қиласман.

Дадам ҳар сешанба куни кечки овқатга бизни-кига келарди.

Жини машинани юргизди. Фонусли симёғочга урилишимизга сал қолди, унга чап бериб кўчага чиқдиг-у, енгил нафас олдим. Мактабга етиб келгач қизим машинадан тушар экан, нимадир ёдига тушгандай ўриндиқлар оша мен томонга интилиб, юзимдан ўпид қўйди.

— Сиз дунёдаги энг яхши дадасиз!

Жини кўчани кесиб ўтиб, мактаби томон югуриб кетди. Рулга ўтирдим. Машинанинг оёқ қўйиш жойида нимадир ялтиради. Энгашиб қарадим, қуёш нурларида тилла портсигар товланиб турарди. Уни секин қўлимга олиб, айлантириб қўрдим. Портсигарнинг бурчагига битта сўз — «Элейн» деб ўйиб ёзилган эди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

**M**этт Брэйди кичкина жуссали, хўмрайган киши эди. Кўзлари оч яшил рангда бўлиб, одамга кипригини қокмай тикилар, нигохи билан суҳбатдошини тешиб юборай дерди. Мэтт-

ни жиним сўймайди. Негалигини билмадим-у, танишганимизнинг биринчи дакиқасиданоқ уни ёқтиргмаганман. Балки уни хуш қўрмаслигимнинг асосий сабаби, ундан таралаётган ҳукмронлик куч-куватидир? Кўмитанинг бошқа аъзолари хам бизнес оламининг корчалонлари эди. Уларнинг ҳар бири миллион доллардан даромад келтирувчи компанияларга эга. Мэтт Брэйди эса уларга қулга муомала қилгандай муносабатда бўларди. Аммо улар Брэйдига тилёғламалик билан «сэр» деб мурожаат қилишар, бу кимса улар учун Худодек эди. Крисга менинг нутқимга бўлган муносабатини билиш учун назар ташладим. Криснинг юзи ҳиссиз, у совуқкон одам қиёфасида туради. Мен уни хаёлан тепса тебранмаслиги учун койиб, Мэтт Брэйдига ўгирилдим.

Унинг овози ҳам ўзи каби совуқ эди.

— Яхши йигит, менинг бекорчи гапларга вақтим йўқ. Қани, ишга ўтиб кўя қолайлик. Сиз ўз нутқингиз билан мени ўтказмоқчи бўлган ташвиқот кампаниянгиз жамоатчиликка керакли маълумотни бера олишига, одамлар буни яхши қабул қилиб, ўзлаштиришига ишонтиrolмадингиз.

Мэттга тикилдим, Элейн уни қандай қилиб меҳрибон, раҳмдил деб атади экан?

— Хурматли жаноб Брэйди, мен жамоатчилик билан алоқа қилиш бўйича маслаҳатчиман. Сиз буни жуда яхши биласиз. Мен шахарда циркдан олдин пайдо бўлиб, афиша ёпиштириши керак бўлган одамман. Ҳеч кимни томоша кўришта мажбур қилишга хаққим йўқ. Уларга циркнинг нималиги-ю, у қандай завқ бериши ҳақида тушунишишим мумкин, холос.

Қариянинг бошини айлантиришнинг иложи йўқ. Менинг сўзларим Брэйди учун қуруқ товушлардан иборат, мияси машина каби аниқ-тиник ишлайди. Унинг бу қадар юксакликка кўтарилиш сабабини энди тушуна бошладим.

– Сизнинг қобилиятиңгизга шубха қилмайман, яхши йигит, аммо кампанияңгизнинг яхши на-тижаларга эришиши даргумон. У менга жуда жүн күринди. Сизни буортмачининг буортмаси эмас, бундан қандай қилиб қўпроқ даромад олиш қизиктирмоқда.

Энди расмиятчиликни бир чеккага суриб, оғир артиллерияни ишга солиш керак.

– Жаноб Брэйди, сизнинг дангалчилигингизни тўғри қабул қилдим, аммо гапларимни умуман тушунмабсиз. Сиз факат Мэтт Брэйдининг худ-бинона эҳтиёжларини ўйлаб, бутун тармокнинг талабларини бир чеккага суриб қўйяпсиз.

Менинг сўзларим иштирокчиларни енгил ҳаяжонга соганини хис қилдим. Крис менга норози караб қўйди.

Брэйдининг ёлғончи, мулойим овози эшитилди.

– Давом этинг, яхши йигит.

Унинг кўзларига қарадим. Балки аклдан озатгандирман, у масхараомуз тиржайиб турарди.

– Жаноб Брэйди, сиз пўлат ишлаб чикарасиз, мен эса жамоатчилик фикрини юзага чикараман. Сиз ўз ишиңгизнинг устасисиз. Сизнинг маҳсулотингиз ишлатилган бирорта нарса, масалан, машина ёки музлаткич сотиб олганимда металлни сифатли тайёрлаганингизга ишонаман. – Учрашувнинг бошқа иштирокчиларига ўгирилиб, давом этдим: – Жаноблар, хар бир компания фаолларининг иш тартибида «яхши ном» деган битта банд бор. Кимдир уни бир доллар билан, кимдир миллионлар билан баҳолайди. Мен ўша яхши номни яратиш билан шуғулланаман. Сизнинг соҳангиз бўйича яқиндан бери гапирилаётганлигини эслатишга ижозат берасиз. Бу ёқимсиз ҳолат эслашга арзимайди, аммо бу келтирмоқчи бўлган далил-исботларимнинг асосий қисмидир. Перл-Харборга қилинган хужумдан кейин японлар

ўзимиздан чиқкан пўлатдан тайёрланган қуроллар ёрдамида ўзимизга хужум қилишди, деган хуло-сага келишганди. Бунинг ҳақиқатдан йироқ гап эканлиги улар учун аҳамиятсиз эди. Жамоатчилик узоқ вакт пўлат қуювчиларга қарши бўлиб келди. Дастреб бу сизларни безовта қилмади. Махсулотларингизни оддий халққа сотишни истамадингиз. Сизнинг бутун диққат-эътиборингиз ҳукуматнинг ҳарбий буюртмаларига каратилган эди.

Агар ўша вактда ишингиз кенг истеъмолчилар оммаси талаблари билан боғлиқ бўлганда, танг вазиятда қолган бўлардингиз. Буни аниқ биламан. Қирқ иккинчи йилда мени Вашингтонга чақиришиб, мамлакат миқёсида металломол йиғиши кампаниясини ўтказиш юзасидан ёрдам сўрашди. Бу кампания ишининг суст кетишига сабаб одамларнинг ишончсизлиги, йигилган металл нимага ишлатилишини билмаслигида эди. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордик. Натижа ўзингизга маълум, халқ металлининг нима мақсадларда ишлатилишини тушунгач, сизнинг печингизга қайта ишлаш учун хомашё туша бошлади.

Тўхтаб, нафас ростлаб, олдимда турган стакандан сув ичдим. Кўз қирим билан назар ташлаб, нутким Мэтт Брэйдини ҳам бефарқ қолдирмаётганини сездим.

— Вазифам номингизни тарғиб қилиб, сиз ҳақингизда жамоатчилик ўртасида ижобий фикр уйғотиш. Мен консерва очадиган ўн центлик пичоқлар сотиш билан шуғулланмайман. Агар муваффақият қозонсам, одамлар сизга ҳозиргидан кўра яхшироқ муносабатда бўлишади, шунда маҳсулотингизни сотиш осонлашади. Билмадим, халқ муҳаббати қандолатчилик фабрикаси бошлиғи учун қанчалик муҳим бўлса, сиз учун ҳам шунчалик катта аҳамиятга эга эканлигини ту-

шунармикансиз? Бу сизга ёқадими-йўқми, сизлар мен учун дунёдаги энг катта қандолат фабрикаси хўжайинисизлар.

Олдимда турган варакларни йиғишириб, портфелга жойладим. Мен учун йиғилиш тугаган эди. Крисга қараб фикрларим тӯғрилигини тасдиқлатишнинг ҳожати йўқ эди. Бу бир ярим миллион доллар олдимиздан оқиб ўтиб кетадиган кўринади...

Лифтда пастга тушарканмиз, Крис ломмим демади. Ташқарида қуёш порлаб турганига қарамай, хаво совуқдай туюлди. Ёқамини кўтариб олдим. Крис такси тўхтатди. Таксига ўтирмоқчи бўлдим-у, яна фикримдан қайтдим.

— Крис, сен офисга боравер, мен бироз айланмоқчиман.

У бош иргаб, портфелимни олди-да, машинага ўтирди. Юриб кетган таксини нигоҳларим билан кузатиб қоларканман, Бешинчи авенюни тўлдириб кетаётган оломонга қўшилдим. Кўлларимни чўнтағимга тиқиб, бошимни елкаларим орасига қисганча марказ томон йўл олдим. Ўзимни ўзим: «Галварс, буни сезишинг керак эди, агар совуқ нигоҳли, заҳар тилли Мэтт Брэйди бўлмаганда имкониятларинг жуда катта эди», деб койидим. Отам бир пайтлар «Бўйи паст эркаклардан қўрқкин», деганди. Бўйи паст кишилар барча тўсиқларни енгиб ўтиш учун атрофидаги одамлардан кўра ақлли бўлишга интилишади. Отам хақ гапни айтган. Мэтт Брэйди — ақлли паканалардан. У менинг адабимни берди. Бу инсонга нисбатан менда нафрат хисси уйғонди. Унда ҳар қандай саволга жавоб тайёр. Ҳарқалай, мен шундай деб ўйлардим. Аммо Мэтт Брэйди ҳам ўзига юкори баҳо бериб адашганди, чунки инсон ҳамма нарсани билишга қодир эмас.

Қаерда, қанча вақт тентираб юрганимни эслолмадим, тўхтаб, хаёлим ўзимга келганида

мехмонхона ёнида турардим. Машинадан топиб олганим — тилла портсигар эрталабдан бери чўнтағимда бармоқларимни кўйдиарди. Лифтдан чикқанимда, у эшик олдида турарди. Элейнни кўриб, мени кутганини тушундим. Тилла портсигарни кўлимда тутган ҳолда унинг ортидан хонаси томон йўл олдим.

— Сен уни атайлаб машинада қолдиргансан, — дедим.

Элейн эътиroz билдиrmади. Чурқ этмай, нигоҳларини мендан олиб кочиб, кўлимдан портсигарни олди.

— Раҳмат, Брэд.

— Нима учун раҳмат?

У нигоҳларини ердан узиб, менга қаради, унинг нигоҳларида яна ёлғизлик изтиробини илғадим. Элейн нимадир демокчи бўлди-ю, гапиролмай кўзлари ёшга тўлди. Уни оғушимга олдим.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

**K**рисга телефон қилганимда, гўшақдан унинг жаҳлдор овози янгради:

— Жин урсин, қаерларда юрибсан?

— Ичдим. Нима бўлди? — дедим қўпол овозда.

— Сени қидириб, тополмадим. Эртага эрталаб Мэтт Брэйди сени Питтсбургдаги офисида кутяпти. Самолётга чинта олдим. Аэропортда, сенинг номингга расмийлаштирилган. Бир юз тўртинчи рейс. Самолёт ўн бир яримда учади. Жомадонинг юқ сақлаш хонасида.

Соатимга қарадим. Ўндан ўтибди. Оёқни қўлга олишим керак.

— Шошилишинг керак. Вақт тифиз, улгурмайсан, — деди Элейн.

— Ўзинг ҳам тезроқ қимиrlа, нарсаларингни ийғиштири. Мен билан борасан, — дедим жилмайиб.

Крис хамма нарсанинг ғамини еган эди. Жомадоним тутқичига Питтсбургдаги «Брук» меҳмонхонасида менга жой банд қилингани ёзилган хатча ёпишириб қўйилганди. Тунги соат иккода Элейн иккимиз меҳмонхонадаги хонамизга кўтарилилди.

— Мен ақлдан оздим, шекилли, бу ерга сен билан бирга келмаслигим керак эди. Бирорта танишинг учраб қолса-чи? — хавотирлана бошлади Элейн. — Одамлар нима дейди, ўзларини қандай тутишади, сен буни билмайсан-ку...

— Одамлар нима дейишининг менга аҳамияти йўқ. Тупурдим ҳаммасига. Мени фақат сен кизиктирасан. Фақат ёнимда бўлишингни хоҳлайман. Сени энди топганимда йўқотишни истамайман. Мен сени узок қидирдим.

\* \* \*

«Консолидейтид Стал»нинг маъмурий биноси сим тўсиқлар билан ўралган худудда жойлашган бўлиб, у ўзининг тоза, озодалиги билан эътиборни тортади. Бинонинг ортида қора, қурум босган металл қўйиш печларидан тиник мовий осмонга олов ва тутун ўрмалайди.

Эшик олдида мени маҳсус кийимдаги хизматчи қарши олди.

— Марҳамат, жаноб Ровен, бу ёқка.

Мен унинг ортидан мармар қопланган, қатор ёғоч эшикли, бўм-бўш даҳлиздан юриб кетдим. Деворда қўлларига бронзадан ясалган фонуслар тутиб олган қадимги юнон адабиёти қаҳрамонлари шаклидаги шамчироқлар осилган. Назаримда, ҳозир эшик очилади-ю, у ердан чиққан хизматчи бизни куйдириб кул қилиш учун крематорийга олиб кетадигандай туюлди. Маҳсус кийимдаги киши қатор эшиклардан бирининг олдида тўхтаб, уни секин тақиллатди ва менга имоишора билан киришим мумкинлигини билдири.

Коронги даҳлиздан кириб келганим учун хонадаги ёруғликдан кўзим қамашди.

– Жаноб Ровен? – хона марказидаги ярим ой шаклидаги стол ортида ўтирган қиз менга савол назари билан қаради. – Жаноб Брэйди ҳозир банд. У киши сиздан узр сўрашимни илтимос қилди. Марҳамат, қўшни хонада кутиб туринг.

– Бу ерда ўтириш мумкин эмасми? – деб жилмайдим.

Котиба табассумимга эътибор ҳам қилмай, бурилиб мени бошқа хонага бошлади. Мен унинг ортидан шошилмасдан, қадли-қоматини томоша қилган ҳолда эргашдим. Бу ойимча ўзининг баҳосини яхши билади. У қаршимдаги эшикни очди.

– Шу ерда кутинг. Бирор нарса керак бўлса, мени чақиринг.

Хонага кўз югуртирудим, дид билан безатилган. Оромкурсиларга чарм қопланган, гиламнинг патлари тўпикқача етар, деворларга фотосуратлар илинганди. Уларни томоша қилиш учун яқинроқ бордим. Таниш чехралар. АҚШ президентининг имзоси билан Мэтт Брэйдига совға қилинган Вудро Вильсон, Хардинг, Кулиж, Гувер, Рузвелт, Трумэн ва Эйзенхауэрнинг фотопортретлари. Сигаретни кулдонга босдим. Ўтириб фотосуратларга разм солдим. Мэтт Брэйди пакана бўлса-да, қудратли ва ақлли инсон. У бошқа одамларга ўхшаб бу фотопортретларни ўз хонасига кўз-кўз қилиши мумкин бўлган ҳолда илмаган.

Нихоят, унинг қабулига кирдим. Мэтт Брэйдининг шахсий хизмат хонаси худди рақс тушадиган катта зални эслатарди. Бу хона бинонинг бурчагида жойлашган, деворнинг икки томонида «Консолидейтид Стал»нинг занглашмайдиган пўлат ишлаб чиқарувчи корпуси кўриниб турган катта дераза бўлиб, улар оралиғига стол жойлаштирилганди. Мэттнинг иш жойи рўпарасига учта катта, юмшок

ва чукур оромкурсилар, мажлислар ўтказиш учун атрофига ўнта стул қўйилган узун стол, хонанинг бошқа бурчагига эса диван ва қаҳва ичишига мўлжалланган мармар стол қўйилган эди.

Брэйди менга ўтиришга имо қилиб, ўзи оромкурсисига чўкди. У бир неча дақиқа сукут сақлаб менга тикилди. Унинг гапиришини илҳақ бўлиб кутдим. Брэйди томдан тараша тушгандай, кутилмаган савол берди:

- Жаноб Ровен, неча ёшдасиз?
- Кирқ уч ёшда, – дедим ажабланиб.
- Унинг қўққисдан берилган иккинчи саволи ҳам мени ҳайратга солди.
  - Йиллик даромадингиз қанча?
  - Ўттиз беш минг доллар, – дедим ёлғон гапиришга ҳам улгурмай.

У чурк этмасдан бош иргаб, столга тикилди. Стол устида нималардир қораланган қофозлар ётар, афтидан, у шу қофозларни ўқирди. Мен яна унинг тилга киришини кутдим. Бир лаҳзадан сўнг у бошини кўтариб, савол назари билан тикилди.

– Сизни нима учун таклиф қилганимни биласизми?

– Билгандай эдим... Аммо ҳозир бунга ишонмаяпман.

У мулойим табассум қилди.

– Гапни айлантиришни ёқтирмайман, яхши йигит. Вактни бекорга ўтказмайлик. Йилига олтмиш минг доллар ишлаб тошишни хоҳлармидингиз?

Асабий жилмайдим. Бу қария беш хонали сонни шундай осонлик билан айтдики, мен ўзимни яна Вашингтонга тушиб қолгандай хис қилдим.

– Албатта хоҳлардим.

У менга ишонч билан ён босди.

– Кечаги учрашувда соҳага йўналтирилган режаларингиз хақида гапиргандингиз, эсингиздами? Режаларингизнинг нуқсонли, чала жойлари бор. Аммо, умуман олганда, ёмон эмас. Ўша кунги

нүтқингиз менда катта таассурот уйғотди. Сиз у ерда бор гапни айтишга күч тополган ягона одам эдингиз, – деди у айёrona тиржайиб. – Аңчадан бери ҳеч ким мен билан бундай оқангда гаплашмаганди.

Энди мен турли гумонларга бора бошладим. Унинг мақсадини тушунмаганимдан оғиз очиб бирор нима демасликка қарор қилдим. Сукут энг хавфсиз усул.

– Күряпсизми, жаноб Ровен? – деди у құллари билан дераза томонга ишора қилиб. – Бу хали «Консолидейтид Стал»нинг озгина қисми. Штаттарда бунақа корхоналаримдан яна йигирматаси бор. Бу – дунёдаги бешта катта корпорациянинг бири хисобланади. Уни мен яратдим! Күпчилик одамлар менинг иш усулимни құллаб-куватлашади, лекин уларнинг фикри ҳеч қақон мени қизиқтиргемен. Мухими, мен орзуларимни рүёбга чиқардим. Пұлат қуйиш билан ўн икки ёшимдан бери шуғулланаман. Ұша пайтларда оддий ишчи бўлиб, пўлат қуйиш цехига челякда сув таширдим.

Бу одам менда истагимга қарши ўзига нисбатан хурмат уйғотди. Унинг овозида воизнинг завқ-шавқи бор эди. Мен жимгина уни тингладим.

– Мени худбинликда айблаб адашмадингиз, ўзимни оқламоқчимасман. Мени энди ўзгартиришнинг иложи йўқ, кеч бўлди. Жаноб Ровен, сиз менга ёқиб қолдингиз. Сизни ўзимга ўхшатдим. Сиз ҳам мен каби қаҳри қаттиқ, худбин, раҳм-шафқатсиз одамсиз. Мен буни ишбильармонлик деб биламан. Жангда фақат кучлилар тирик колади. Шунинг учун сизни ҳузуримга чорладим. Сизга жамоат билан алоқа қилиш бўйича вице-президентлик ва директорлик лавозимини таклиф қиласман. Йилига олтмиш минг доллар даромад оласиз. Менга «Консолидейтид Стал»ни лойиҳангизда кўрсатиб ўтилган компанияга ай-

лантиришда сиздай иктидорли кишилар сув ва ҳаводай зарур.

Хаяжонланганимдан курсининг тирсак кўйгичини маҳкам сикдим. Бу дақиқаларни мен бир умр кутгандим. Мана энди бўлиб ўтаётган воқеаларнинг рўё эмаслигига ишонолмай ўтирибман. Мэтт Брэйди яна тилга кирди. У жим ўтирганимни сукут аломати ризо, деб ўйлади, шекилли. Унинг юзида яна кишининг баҳри дилини очадиган табассум пайдо бўлди. Мэтт бармоқлари билан стол устида турган машинкада қораланганд қоғозларни кўрсатди:

– Жаноб Ровен, бу қоғозларда сизнинг тўлиқ таржимаи холингиз ёзилган. Бир кечада сиз хақингизда йиққан маълумотларим шулардан иборат. Ходимлар ҳақида кўпроқ билишни ва керакли маълумотга эга бўлишни зарур, деб ҳисоблайман. Факат битта саволга аниқлик киритишими лозим. Ишбилармонлик қобилиятингиз юкори баҳоланганд. Шунингдек, сизни оиласпарвар инсон деб таърифлашибди, аммо шахсий ҳётингизга оид бир нарса ҳақида сизни огохлантиришим лозим.

Кўрқувдан юрагим орқага тортиб кетди.

– Жаноб Брэйди, нима демоқчисиз?

– Кеча сиз тунни «Брук» меҳмонхонасида бегона аёл билан ўтказибсиз. Бу енгилтаклиқ. «Консолидейтид Стал» ходимлари ҳар доим назорат остида бўлишади. Буни унутишга ҳаққингиз йўқ.

– Хойнаҳой, жосусларингиз ҳамроҳимнинг исмини хам айтишгандир?

Чол менга совуқ назар ташлади.

– Жаноб Ровен, мени сизнинг ким билан кўнгилхушлик қилишингиз қизиқтирумайди. Бу далилни келажакда бўладиган ҳамкорлигимиз учун эслатдим.

– Сизнинг таклифингиз менга тўғри келмайди, жаноб Брэйди, – дедим ўрнимдан турарканман.

## ҮН БИРИНЧИ БОБ

**Ж**аҳл билан күчага отилдим. Қүёшнинг ёрқин нурлари кўзимни камаштириди. Яқин атрофда «Оскар хузурида» қовоқхонаси жойлашган. Ўша ерга кириб ичкилик буюрдим. Хаёлимни бир жойга қўйиб, мулоҳаза юритишим учун менга фурсат керак эди. Мэтт Брэйдининг столида ётган таржимаи ҳолимга оид маълумотлар ич-этимни тириарди. Билдиришномани ёзган нусха Элейн билан бирга келганимдан хабардор бўлиши мумкин эди. Пайтавамга курт тушди. Мэтт Брэйди бетгачопарлигимни кечириши мумкин, лекин жияни билан дон олишганимни билса, афв этмаслиги турган гап. Бу маълумотларни ким етказганлигини билишни истардим.

Меҳмонхонада интиқ бўлиб кутаётган Элейн ҳақида ўйлаб, нонушта пайти менга далда берганини эсладим. Ўшанда жиғибийрон бўла бошлагандим.

— Тинчлан, — деди Элейн. — Мэтт амаким одамхўр эмас. Сени еб қўймайди. У бор-йўғи сен билан иш юзасидан гурунглашмоқчи.

Беихтиёр истехзоли тиржайдим. Мэтт Брэйди учун, эҳтимол, бу атиги бир битим эди, холос. Бироқ мен учун эмас.

Иккинчи коктейлни ичиб, қовоқхона ичкарисига илинган ойнадаги аксимига тикилдим. Ойнадан менга қиз жилмайиб тургандай туюлди. Адашмабман, ойнадаги қиз акси яна жилмайди. Ўгирилиб, ортимдаги қизга мен ҳам жилмайдим. У қўл силкигач, финжонимни кўтариб, қиз ўтирган столга яқинлашдим. Бу қиз Мэтт Брэйдининг котибаси эканлигини кўриб, юрагим ғашланиб, аччик истехзодан лабларим буришиб кетди. Ёнига ўтиргач, танишдик. Унинг исми Сандра Уоллес экан.

— Сиз жаноб Брэйдига ёкиб қолдингиз, — деди у.

— Лекин у менга ёқмади.

— Жаноб Брэйди унинг учун ишлашингизни хоҳлаяпти. Розилик беришингизга ишончи комил. Юрист сиз билан тузиладиган шартномани тайёрлаб қўйди. У барибир сизни кўндиради, Брэд, — минфирлади Сандра. — Уни яхши билмас экансиз. Жаноб Брэйдининг чангалида ҳамиша шўрва.

Туман қоплаган миямда бир фикр ярқ этди.

— У таъбингизга ўтирамайдими дейман? — деб сўрадим.

— Кўргани кўзим йўқ, — шивирлади Сандра.

Миям тиниқлашди.

— Нега унда кетмаяпсиз? Брэйдининг қўлида ишлашга мажбур эмассиз-ку. Бошқа жойда хам иш кўп.

— Ўн бир ёшимда отам пўлат қуиши цехида ҳалок бўлганди, Мэтт Брэйдининг котибаси бўлишим аниқ эди. Онам мени унинг оғисига олиб борди. Мен дуркун қизалоқ эдим, аммо Мэтт Брэйди ёшим борасида адашмаганди. Эсимда, у ўрнидан туриб, менга қўлини чўзди. Қўллари муздай эди. У онамга шундай деганди: «Хотиржам бўлинг, Воленсевич хоним. Тирикчилигингиз учун акча бераман. Александра катта қиз бўлганида ўзим уни ишга оламан. Балки, у менинг котибам бўлар». Брэйди ўз ваъдасини унутмади. Вақти-вақти билан у онамга қўнғироқ қилиб, ўқишим билан қизиқиб турди. Агар хозир идорасидан кетсан, бошқа ишга жойлашмаслигим учун ҳар бало қиласди.

— Хатто бошқа шаҳарга кетсангиз ҳамми?

Сандра маъюс жилмайди.

— Бир вактлар бунга уриниб кўргандим. У баттолнинг шарофати билан бошқа ишдан ҳам бўшадим. Кейин эса қучоқ очиб, мени ишга қайтариб олди.

Кўлимдаги ичкилик ўта тахир туюлди. Стакани столга қўйдим. Бугунга етар.

– У сизга бефарқ эмас, шундайми?

Сандра бош чайқади.

– Йўқ. Кўпчилик шундай деб ўйлади, аслида у шу вактгача менга хизмат вазифамдан ташкари бирор гап айтмаган.

Сандра менга тикилиб қолди. Кўзларида тушунксиз таажжуб қотиб қолганди, гўёки у бу ерда қандай жумбоқ борлигини тушунтириб беришларини истарди.

– Устимдан тушган билдиргини кўрдингизми? – деб сўрадим.

Сандра бош чайқади.

– Билдириги бевосита кидирув бўлимидан тушган. Мэтт Брэйдига муҳрланган хатжилдда келтириб беришган.

– Мен учун унга бир қур кўз ташлаёлмайсизми? Билдиригига ҳаётимга хавф соладиган маълумотлар бордир, балки.

– Бу сизга ёрдам бермайди, Брэд, – деди Сандра. – Башарти билдиригига баъзи маълумотлар бўлган тақдирда хам чол барчасини миясига ёзиб олган.

– Сиздан угина, биздан бугина, – дедим. – Менга ёрдам бериинг, менинг яратиб беринг, мен эса сизни шундай жойга яшираманки, Мэтт Брэйди ернинг тагидан хам тополмайди.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

**K**атта пўлат дарвозадан ўтдиг-у, бинонинг кириш эшигига бурилдик. Тор ўйлак. Эшикдан бир неча қадам нарида лифт бор экан. Сандра тугмачани босди, лифт эшиги очилди. Лифтдан чиқиб, Мэтт Брэйдининг кабинетига кирдик. Столни айланиб ўтиб, Сандра сумкасидан

калит чиқарди. Иккиланиб, қутини очди ва бир даста хужжатни олди.

— Ўзи мен аҳмоқман, — деди у. — Сен мени чақиб беришинг мумкин-ку.

Жимгина унга карадим. Бир неча дақиқа ўтгач, у хужжатларга назар ҳам солмай менга узатди.

— Хужжатни кўриш ниятинг йўқми? — деб сўрадим.

— Йўқ. Хотининг борлигини биламан. Агар ҳаётингда яна бир аёл бўлса, у ҳақда билишини ҳам истамайман.

Хаёлан Мэтт Брэйдининг қаршисида шляпамни ечдим. Гарчанд фурсат тифиз эса-да, чол майда-чуйдаларнигина хисобга олмаганда, мен ҳакимда тўлиқ маълумот йиккан, бутун ҳаётим бир неча саҳифага жо бўлганди. Саҳифаларни варақларканман, улардан Элейннинг исмини ахтардим. Бекорга юрак ховучлабман. Билдиригиде айтилишича, аллақандай хоним менга ҳамроҳлик қилиб, тунни менинг хонамда ўтказибди. Кўрсатмага биноан, изқувар кузатувни тўхтатибди. Коғозларни столга қўйиб, сигарета бурқситдим ва лифт томонга йўналдим.

— Менимча, кетадиган вақтим бўлди.

— Ҳозир эмас, — қаршилик қилди Сандра. — Сени пайқаб қолишади. Коровул пультдаги сигнал чироғини кўриб, нима гаплигини билишга интилади.

Тош қотдим.

— Бу ердан қандай чиқиб кетаман?

Сандранинг лабларида айёrona кулги ўйнади.

— Мени кутишингга тўғри келади. Ҳамма кетиб бўлгач, чоракам олтиларда жўнайман. Хўш, келгуси режаларинг қандай, Брэд?

— Нью-Йоркка, Брэйдининг хузурига қилган ташрифимни унутаман.

— Бу осон эмас. Мэтт Брэйди сени ўзининг қўлида ишланига кўндиради. Мехмонхонада Брэй-

дидан келган нома сенга мунтазир. У сени бугун уйига кечки овқатга таклиф қилган.

– Бормайман.

– Борасан, – деди Сандра. – Йүлда хаммасини тарози палласига солиб, у айтган пул миқдорини салмоқлаб күрасан, бу маблағға нималар сотиб олиш мүмкінлигини тасаввур қиласан, пуллар ҳаётингни ўзгартириб юборишини ўйлайсан.

– Энди нима бўлади? – деб сўрадим.

– Сен – кучли, ўзига ишонган эркаксан. Кўркув нималигини билмайсан. Ковоқхонада менга қандай тикилганингни пайқадим.

– Хўш?

Сандратуриб, мен томонга йўналди. Хар бир қадамини кузатдим. Кейин у тўхтаб, нигоҳини ерга қадади.

– Ҳозир ҳам ўшандай тикиляпсан, – деди Сандра. – Менга насиб қилмаслигингни яхши биламан. Сен ўзга аёлникисан. Шундок эса-да, сен учун мен Мэтт Брэйдининг котибаси ёки оддий буюм эмас, балки ўз фикрига эга мустақил шахс, аёлман. Сен менга шундай кўз билан қарадинг.

Йўлакнинг аллақаерида соат бонг урди.

– Ҳаммаси жойида. Бир неча дақиқадан сўнг кетишимиз мумкин, – деди Сандра.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

**M**ехмонхонага кайтганимда Элейн қаёққадир чиқиб кетган экан. Гўшакни кўтариб,офис билан гаплашиш учун буюртма бердим.

– Брэд, нима гап? – ҳаяжонланиб сўради Крис.

– Ишлар ёмон эмас, – дедим. – Брэйди хаммасини ташлаб, унга ўтиб ишлашимни таклиф қилди. Лекин унииг таклифини рад этдим.

– Эсингдан оғибсан! – гапимга ишонмай хитоб килди у. – Фақат тентакларгина бундай таклифдан воз кечишади. Ахир сен бундай имкониятни қанчалар орзу қылғандинг. Фирмани ўзингда қолдирған ҳолда унинг таклифини қабул қылсанг бўларди-ку! Мен бу ерда фирмани бошқариб турардим, яхшигина даромад олардик.

Унинг товушида шу пайтгача менга нотаниш бўлган шуҳратпастлик, манманлик оҳангি бор эди. Ўзини мен билан teng кўраётгани каминага ёқмади.

– Сенга кўнмадим деяпман-ку! – дедим курккина қилиб. – Ҳозирча бошлиқ ўзимман. Менга бутун соҳани қамраган буюртма керак.

Орага иңгиз жимлик чўкди. Бироз ўтгач:

– Бугун кечқурун қайтасанми? – деб сўради Крис.

– Йўқ, эртага қайтаман. Бугун Брэйди билан яна бир учрашувим бор.

– Маржга қўнфироқ қилиб, бугун қайтмаслигинг ҳақида огоҳлантириб қўяйми? – деб сохта мулозамат билан сўради у.

– Унга ўзим қўнфироқ қиласман. Эртагача!

Маржга Брэйди билан музокаралар ҳақида гапириб, шаҳарда яна ушланиб қолишим тўғрисида баҳона тўқигач, гўшакни кўйиб, муз қўшилган виски ичдим, кейин диванга чўзилдим. Вужудимни ажабтовур хис чулғади. Менга нимадир бўлди, бироқ ўзимни тафтиш қилиб ўтирмадим. Ич-этимни виждон деб аталмиш кампиршо тирнаши мумкин эди, аммо унинг мен билан сарик чақалик иши ҳам йўқ, шекилли. Эҳтимол, мен туғма ёлғончиидирман. Қайдам?!

Элейн... Унинг исми шууримда ярқ этди ва мен жилмайиб қўйдим. Ҳеч бир аёл Элейнчалик мухаббат учун яралмаганди. Бутун жисми-жаҳони кўрган кўзни куйдирарди, шаҳло кўзлари, шамшод қадди-қомати, раққосалардек қадам олишлари-

чи?! Ичкиликдан яна бир қултум ютиб, кўзимни юмдим ва Элейннинг сиймоси кўз ўнгимда гавдаланди.

Тушимда Элейн Саттон-Плейсда яшайдиган кичкина қизалоқмиш. Учинчи авеньюдаги уйимиздан уни кўриш учун Саттон-Плейсга борибман. Тилласоч қизалоқ доимо текис дазмолланган кўйлак кийиб юрадиган мураббия назорати остида эмиш.

Қизалоқнинг қизил-кўк коптоги мен томон юмалаб кетмагунча қайрилиб ҳам қарамади. Коптокни олиб, уялинқираб кизчага узатдим. У жимгина коптокни олди, худдики келтириб бериш менинг вазифам эди, сўнг тескари каади. Бироқ мураббия миннатдорчилик билдириш кераклигини уқтириди. Кўнфироқмисол овоз янгради:

– Merci!

Мен қизчага анграйиб қолдим, кейин оёғимни қўлга олиб уйга чопдим, бу жарангдор сўзнинг маъносини онамдан сўрадим.

– Менимча, французчада «раҳмат» дегани, – деб жавоб қилди онам.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

**Э**лейн билан самолётдан тушдик. Жомадонларимизни олиб, қовоғимдан қор ёғиб таксилар томон одимладим. Бирдан Элейн «пик» этиб кулиб юборди. Ўгирилиб, ҳайрон бўлганча унга қарадим.

– Нимага куляпсан?  
– Сенга куляпман. Ахволингдан худди ёш болага ўхшайсан.

Тишимнинг оқини кўрсатдим. У ҳақ. Элейнга унинг амакисиникига тушликка бормасликка аҳд қилганимни билдирганимдан бери ишим орқага кетяпти. Кейин тунни Питтсбургда ўтказишни таклиф қилдим, у бўлса Нью-Йоркка қайтишга

оёқ тираб туриб олди. Соат тўққиздаги самолётга ўтиришга улгурдик ва йўл бўйи Брэйдиникига боришим керакмиди ёки йўқмиди, шу хақда баҳслашдик.

— Бу бошқа гап, — деди Элейн. — Бугунги кун ҳисобида илк марта юзингда табассум кўряпман. Агар эртага эрталаб оғисингга борсанг, тетик бўлишинг керак. Шундоқ экан, «Тауэрс»да менинг хонамда дам оламиз.

— Маъқул, — дея минфилладим таксига қўл силкиб.

Такси ёнгинамида тўхтади. Эшикни очиб, жомадонни ичкарига жойладим, сўнг Элейннинг ортидан ўриндиқка чўқдим.

— «Тауэрс»га, хўжайин, — дедим таксичига.

Ўзимни орқага ташлаб, сигарет бурқситдим. Шунда таксичининг овозини эшитдим:

— Хўш, хўш, Бернард. Отангнинг мошинасини танимадинг-а!

— Дада!

Гугуртнинг шуъласида дадамнинг юзидағи истеҳзони илғадим. У тезликни ошириб рулни шоссега бурди.

— Худо хайрингизни берсин, дада! — ҳайқирдим. — Йўлга каранг!

Дадам алам билан бош чайқади.

— Танимадинг-а?! Болалигингда олти кўча наридан ҳам мошинамнинг овозини танирдинг, ҳозир эса...

— Бўлди қилинг, дада.

Тиржайиб қўйдим.

— У замонлар мошинани ҳовлиқиб минишиниздан таниб олардим. Бир кун эмас, бир кун ҳовлиқмалигингиз бошингизни ейди.

Дадам светофор тагида машинани тўхтатиб, кўзгудан бизга назар ташлади.

— Кундузи Марж билан гаплашгандим. У менга Питтсбургдалигингни, муҳим ишларинг бор-

лигини, бугун кечқурун ёки әртага қайтишингни айтганди.

Унинг нигохи Элейнга қадалганига кўзим тушди. Машина жойидан жилди, хиёл жилмайдим, дадам хақиқий таксичи. Одамлар хақида фақат ёмон хаёлларга боради, бундан мен хам мустасно эмасман.

– Дада, гап муҳим буюртма ҳакида кетганди. Аммо у әртакдаги олтин балиқча каби қўлимдан сузиб чиқиб кетди.

Дадамни алдаш кийин эди.

– Хамроҳинг ким? Ҳойнаҳой, бирга ишласалинг керак? – сўради қуруққина килиб.

Элейнга кўз қиримни ташладим, у тезгина ўзини қўлга олиб, лабида мугомбирона табассум пайдо бўлди.

– Ҳа, дада. Қайсиdir маънода ҳамкасбмиз, – дедим жавобим унинг ғазабини қўзитишини билган ҳолда.

Элейнга ўгирилдим.

– Элейн, менинг дадам ҳар доим кимдандир, нимадандир шубҳаланиб юради. Бунда менинг айбим йўқ. Бу одат дадамга бешикда теккан. Танишинг, дада, Шайлер хоним, – дедим қўзгуга қараб.

Коронфиликдан Элейннинг сокин овози эшитилди:

– Танишганимдан хурсандман, жаноб Ровен.

Дадам хижолатомуз бош иргади. У доимо дўстларим билан танишганида ўзини ўнфайсиз сезарди.

– Шайлер хоним мен билан битта самолётда келди. Унга меҳмонхонагача кузатиб қўйишни таклиф қилдим.

– Брэд жуда хам очиқкўигил инсон, жаноб Ровен, – сўзимни давом эттирди Элейн. – Уни овора қилишни истамагандим...

– Бернард аёлларга жуда сертакаллуф, Шайлер хоним, – деди дадам. – Айниқса, чиройли

аёлларга. Лекин ўзи эсли-ҳушли йигит. Унинг иккита ажойиб фарзанди бор. Ўғли ўн тўққиз ёшда, колледж талабаси, қизи эса мактабни битиряпти. У намунали оила бошлиғи, яхши ота. Бернардинг хотини жудаям ажойиб аёл, улар болаликдан таниш, бирга улғайишган.

Ўтиромай, тоқатсизлана бошладим. Қарияни нима жин урди?

— Дада, бас, — дедим унинг гапини бўлиб. — Шайлер хонимга таржимаи ҳолимнинг қизиги йўқ деб ўйлайман.

— Марҳамат, давом этинг, жаноб Ровен, — илтимос қилди Элейн. — Ҳикоянгиз мени қизиқтириб қўйди.

Дадам унинг илтимосини кутиб тургандай, машина то меҳмонхона остонасига етгунча бир дақиқа хам чакаги тинмай ўтмишим ҳакида жавради. Бу ҳикоя менга ўлгудай зерикарли туюлди. Менинг мактабда ёмон баҳоларга ўқиганим-у, ўрта мактабни ташлаб кетганим ҳақидаги ҳикоянинг кимга қизиги бор? Манзилга етиб келганимизни кўриб, енгил тин олдим.

— Дада, мени кутиб туринг, — илтимос қилдим, Элейннинг жомадонини қўтариб тушарканман. — Шайлер хонимни кузатиб қайтаман.

У дадам билан қўл бериб хайрлашди ва оптимдан эшик томон йўл олди.

Отам Марж билан бугун кундузи гаплашган, мен эса Маржга кеча кечқурун қўнфироқ қилиб, эртага қайтаман, дегандим. Унинг нима мақсадда аэропортда мени кутганлигини энди тушундим. У атайлаб таксилар тўхташ жойидан анча нарида мени кутган.

— Мен сенга ўша ерда қолайлик дегандим-а... — дедим Элейнга ғижиниб.

— Энди бунинг аҳамияти йўқ, — деди у бепарвонлик билан.

Элейнга карадим, унинг кўзларида яна қалбимни эзувчи дард пайдо бўлди. Юрагим

оғриди, унинг юзидағи ғам-аламни жимгина күзатишдан бошқа нарса қўлимдан келмасди. Лифт эшиклари очилди ва у лифтга қадам қўйганда қўзларида ёш пайдо бўлди.

— Хайрли тун, азизам, — дедим лифт эшиги ёпиларкан.

Холл орқали такси ёнига қайтдим.

— Кетдик, дада, — дедим ўринидикка хорғин чўкарканман.

Шоссега чиққунча жим кетдик. Бироздан сўнг дадам кўзгу орқали менга қаради.

— Бернард, у жуда ҳам гўзал аёл экан.

— Ҳа, дада, — дедим унинг гапини тасдиқлаб.

— У билан қандай танишдинг?

Дадамга шошилмай учрашувимиз тарихини гапириб бердим. Сўзларимни тинглаб, у аламли бош чайқади.

— Қандай баҳтсизлик!

Машина уйим ёнига етиб келиб, тўхтаганидан қувондим. Бу сухбатни давом эттиришни истамасдим. Ярим тун бўлганди.

— Дада, бизникида қолинг, кеч бўлди, — деб таклиф қилдим.

Ҳар доимгидай дадам бўйин эгмади.

— Ҳечқиси йўқ, Бернард. Мен учун иш энди бошланади, асосий даромадимни энди топаман.

Аввалгидай уни аврашга тушдим.

— Дада, колаверинг, эрталаб шаҳарга бирга кетардик. Электр поездда юришни ёмон қўришимни биласиз-ку, — деб илтимос қилдим.

Марж қайтганимни қўриб хайрон бўлди; сўнгги дақиқаларда учрашувни бекор қилишди, шунга уйга қайтдим деб тушунтирдим. Жини пастга тушди, биргалиқда ошхонада қахва ичдик. Самолётда тасодифан Элейнни қўриб қолганимни гап орасида қистириб ўтдим. Дадамнинг юзида ғалати ифода пайдо бўлди. Мэтт Брэйдининг таклифи ҳақида гапирганимда бу ифода ўз-ўзидан йўқ бўлди.

Соат бир яримда қаҳвахўрликни тугатдик; меннидан икки уй наридаги дорихона аллақачон ёпилибди, бошқа хеч қаердан Элейнга қўнғироқ қилолмайман, ноилож ўрнимга ётдим.

Бироқ кани кўзимга уйқу келса. Эллик мартача у ёнимдан бу ёнимга ағдарилиб тўлғониб чиқдим. Ярим тунда Марж елкамдан аста силади.

— Тобинг қочдими, Брэд?

Унинг овози тун каби сокин эди.

— Йўқ. Шунчаки, асаблар...

— Кўй, жиғибийрон бўлишингга хеч нима арзимайди, — шивирлади ёстиқдошим.

\* \* \*

Эрта тонгда офисимга келиб, биринчи галда Элейнга қўнғироқ қилдим. Алоқачи қизнинг жавобидан ажабланмадим. Кеча кечқурун Элейн лифт кабинасига оёқ қўяётгандаёқ нима воқеа рўй беришини билгандим. Лекин барибир ҳозир бунга ишонгим келмасди.

— Нима дедингиз? — аҳмоқларча сўрадим худди операторнинг овозини эшиитмагандай. Оператор қизнинг овози баландроқ янгради. Чамаси вақтини олганимдан аччиқланди.

— Шайлар хоним бугун эрталаб меҳмонхонадан чиқиб кетди!

Тарвузим қўлтиғимдан тушди.

## ЁН БЕШИНЧИ БОБ

**К**ундуз соат учларга бориб буткул умид-сизликка тушдим. Аввалбошдаги ғазаб ўрнини алам эгаллади. У мендан қочмаслиги кепрак эди. Ахир биз кап-катта одамлармиз. Эр-как ва аёл севишади, ажрашади, аммо-лекин қочишининг не хожати бор? Мухаббатдан барибир яширинолмайсан. Бошим билан ишга ўйнғидим. Унутишнинг ягона усули. Тушликка қадар хо-

димларимпи кийнаб юбордим. Ўзимни савдоидек тутдим. Ҳатто овқатланишга ҳам чиқмадим. Лекин бундан енгил тортмадим. Изтироб ич-этимни кемирарди; ортиқ дош беролмадим.

Ҳаммани кабинетимдан қувиб солиб, Миккидан ҳеч ким мени безовта қиласлигини сўрадим. Шотланд вискисини очиб, стаканни тўлдирдим. Йигирма дақиқадан сўнг юрагимдаги оғриқ бoshимга кўчди. Селекторга уланмаган телефон жи-ринглади. Жавоб бериши истамай, кўнғироққа қулоқ тутганча анча пайт жим ўтиредим. Аммо аппарат товуши тинмади. Нихоят, ўрнимдан туриб, гўшакни кўтардим.

– Алло, – тўнфилладим.

– Брэд?

Элейннинг овозини эшишиб, юрагим қинидан чиқиб кетаёди.

– Каердасан?! – дея ҳайкирдим.

– Мэtt амакимникидаман.

Енгил тин олдим.

– Мендан қочиб кетдинг деб ўйлабман.

– Чиндан ҳам қочиб кетдим, – деди бўғиқ охангда Элейн.

Бир зум тилим калимага келмай қолди, аёвсиз оғриқдан чаккаларим лўқилларди.

– Нега? – аранг сўрадим.

– Сен мен учун яралмагансан, Брэд. Буни кеча кечкурун тушундим. Мен эс-хушимни йўқотибман.

– Дадам кекса одам, – тезгина ўзимни оқладим. – Сен тушунмаяпсан...

– Жуда яхши тушуниб турибман, – оғзимдан гапимни илиб олди Элейн. – Минг афсус. Нима учун бундай йўл тутганимга ҳайронман. Муносабатларимизнинг келажаги йўқ.

– Элейн!

Аламли оғриқ юрагимни тешиб ўтди.

– Менимча, ўзимни ёлғиз ҳис қилдим, – давом этди мени тингламай. – Дэвидни қаттиқ соғингандим.

— Бу нотүри, азизам, — дедим томоғимга бир нима тиқилиб, — сен ўзингни алдаяпсан.

— Түғрими-нотүрими, энди бунинг аҳамияти йўқ, — деди у хорғин товушда. — Лекин сен мен учун яралмаганлигингни тушуниб етдим. Бу азобга дош беролмаслигимни билиб қочиб кетдим.

— Лекин мен сени севаман, Элейн, — эътиroz билдиридим. — Сени шунчалик каттиқ севаманки, кетганингни билиб ақлдан оздим. Сен бу дунёга мен учун келгансан. Биз бир-биrimiz учун яралганимиз. Икки ёрти — бир бутумиз.

— Бари бефойда, — гапимни бўлди Элейн. — Келажагимиз йўқ. Бахтиқаромиз.

— Элейн! — бўғзимдан нидо отилиб чиқди. — Сен мени ташлаб кетолмайсан!

— Кетмайман, — деди аста. — Ҳаммаси гўё биз хеч қачон учрашмагандек бўлади.

Қалбим аламга тўлди.

— Ҳозир Мэтт амакимнинг Нью-Йоркдалигини билдириш учун қўнғироқ қиляпман. Зарур ишлари бор экан, агар вақт топса, офисингга бирров кириб ўтаркан. Алвидо, Брэд.

Гўшак жимиб қолди. Ичим музлади. Энди бу ёғига орзу, қувонч билан хайрлашаман, чамаси. Селектор чинқирди. Тугмачани босдим.

— Ҳузурингизга жаноб Брэйди ташриф буюрди, — деди Микки.

— Уни кабул қилолмайман. Жаноб Брэйдини Криснинг ҳузурига йўлланг.

— Лекин, жаноб Ровен...

— Уни Крисга йўлланг! Айтипман-ку, уни кабул қилолмайман!

Жаҳл билан тугмачани босиб, алоқани уздим. Бирмунча фурсат сўзлашув қурилмасига тикилиб турдим; томоғимга тош тиқилди гўё. Аламдан газабим кўзиди. Стулни тепиб, столдаги қофозларни полга сочдим.

Бироз ўтга чўнтағимдан рўмолча олиб, юзими ни артдим ва деразани очдим. Хонага шабада кириб, енгил тортдим. Осмонга карадим. «Галварс, – дедим ўзимга-ўзим. – Ўзингни мишиқи ўсмир каби тутяпсан. Қўлинг ҳаммаёққа етса. Пул. Амал. Обрў-эътибор. Нима керак яна сенга? Биронта аёл бош чангалашингга арзимайди». Ҳаққи рост. Ҳеч бир аёл сиқилишимга арзимайди. Буни доимо ўзимга уқтириб келганман. Деразани ёпиб, диванга чўзилдим. Мадорим йўқ. Қўзимни юмдим, шунда хонада унинг сиймоси пайдо бўлди.

Майин соchlарининг ифорини туйиб, ёқимли табассумини кўрдим. Ёнбошимга ағдарилиб, юзими ёстиққа шундай босдимки, сал қолса нафасим қайтиб бўғилиб ўлардим. Лекин қани фойдаси бўлса? Онг-шууримни эгаллаган сиймодан қутулмоқ учун ёстиқни муштладим. Қўзимни очганимда у ҳамон кўз ўнгимда эди. Қаҳр-ла сакраб туриб:

– Кет! Тинч қўй мени! – дея ҳайқирдим.

Оғзимдан чиққан нидо хона бўйлаб акс-садо бергач, ўзимдан уялиб, жимиб колдим.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

**К**луб маъмури олдидан ўтиб кетаётиб, «Мабодо менга қўнфироқ қилишмадими?» деб сўрадим. Маъмур дафтарини текширди.

– Йўқ, жаноб Ровен.

Хонамга чиқдим. Кеча кечқурун шахарда бўғзимгача ишга қўмилишимни ва биратўла клубда тунаб қолишимни билдиргандим.

Офисга қайтгач, Миккининг юзида ғалати ифодани пайкадим.

– Пит Гордига сим қокинг, – деди у.

– Улаб бер, – дедим кабинетимга кирарканман. Хонам тартибга келтирилибди.

Пит менинг асосий мижозларимдан бири эди. Шарқда унинг катта ва мустақил авиакомпанияси бор. Бизнесимнинг тўртдан бир қисмини молиялаштиради.

Одатдаги салом-аликдан кейин «Тинчликми?» деб сўрадим. Гўшакдан унинг хижолатли овози эшитилди.

— Биласизми, Брэд, — янги англияликларга хос шевада гап бошлади у, — бу ҳакда сизга нима дейишни ҳам билмаяпман...

Нафасим ичимга тушиб кетди, чуқур хўрсиндим. Бирор нарса дейишининг хожати ҳам қолмаганди. Питнинг қўнғироғи хақида эшитганимдаёқ шубҳалангандим

— Тинчликми, Пит? — дедим имкон қадар лоқайд қўринишга уриниб.

— Сизнинг хизматингиздан воз кечишга мажбурман.

— Нима учун? — Саволимнинг жавобини билардим, аммо унинг важ-корсонини эшигим келди. — Менимча, ҳамкорликда яхши ишладик.

— Сиз ҳақсиз, Брэд, — деди у шошма-шошарлик билан. — Сизга хеч қандай эътиrozим йўқ, лекин...

— Нима лекин?

— Баъзи бир воқеалар сабаб бўлди. Сармоядорларим талаб килишяпти.

— Бу билан уларнинг нима иши бор?! — Тутакиб кетдим. — Кимнингдир буйругини бажарасиз, деб сира ҳам ўйламагандим.

— Брэд, сиз ҳам мени қийнаманг, — ялинди у. — Сизга бўлган муносабатимни яхши биласиз, аммо ҳозир ҳеч нарсани ўзгартиrolмайман. Агар уларнинг айтганини қилмасам, кредит беришни тўхтатишади. Бу Мэтт Брэйдининг фармони. Уни бажармасликка ҳеч кимнинг журъати етмайди.

— Яхши, Пит. Тушунаман сизни.

Секин гўшакни кўйиб, тугмачани босдим-да, Миккидан хузуримга Крисни чақиришни сўрадим. Оромкурсум билан биргаликда дераза томонга ўтирилдим. Шу жиккаккина қария бунчалик кучкудратга эгалигини тасаввур қилиш қийин.

Телефон жиринглади. Тугмачани босиб, Миккининг овозини эшилдим.

– Котибасининг айтишича, Крис сиз келгунча офисдан чиқиб кетган экан.

– Качон қайтаркан?

– У билмасмиш, – деди Микки.

Алоқани уздим. Ана холос! Ҳаммаёқни ўт олиб ётибди-ю, асосий ўт ўчирувчи қочиб юрибди.

Яна телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. Яна бир мижоз, яна юқоридаги гап-сўз такрорланди. «Кечир, дўстим. Алвидо!» Бу кечгача давом этди. Телефон ашарати бир дақиқа жиринглашдан тинмади. Ҳатто овқатланишга ҳам вақт тополмай, қуни билан рад жавобларини қабул қилдим. Соат бешга яқин телефоннинг овози ўчди. Енгил нафас олиб соатимга қарадим ва иш қуни ниҳоясига етганидан хурсанд бўлдим.

Барга яқинлашиб, уни очдим. Виски йўқ. Маъюс кулимсирадим. Микки кабинетимни йишиштирганда барча чора-тадбирларни кўрибди. Эшикни очиб, котибамга қарадим.

– Вискини қаёққа яширгансан? – деб сўрадим. – Томоғим тақиллаб кетди.

У менга безовта қаради.

– Брэд, анави ахвол яна такрорланмайдими?

Бош чайқадим.

– Йўқ, жонгинам. Мен озгина ичишим керак.

У столи ёнида турган жавончадан шишани олиб, ортимдан кабинетга кирди.

– Сизга улфат бўламан.

Микки иккита кадаҳни тўлдириб, биттасини менга узатди. Ютоқиб вискини сипқордим.

– Крис кўнфироқ қилмадими? – деб сўрадим.

Микки бош чайқади.

– Қай гүрда әкан, ҳайронман.

Тұсатдан миямга бир фикр келди.

– У кеча Мэтт Брэйди билан учрашдими?

Микки ҳайрон бўлди.

– Ахир сендан қарияни Криснинг олдига юборишингни сўрагандим.

– Э, ха, – ёдига тушди Миккининг.

– Узоқ сухбатлашишдими?

– Бир неча дақиқа, холос. Кейин жаноб Брэйди кетди.

– Крис сенга бирон нима дедими?

Микки бош чайқади.

– Ҳеч нима демади. Сиз келгунингизча, у оғисдан кетди.

Афтидан, Крис қаттиқ асабийлашган.

Яна бир-икки құлтум виски ичдим. Бу нарсалар менга ёқмаётганди. Агар Мэтт Брэйди менга қарши буйруқ берган бўлса, қиска фурсатда у мижозларим рўйхатини қаердан олдийкин? Демак, қарияга ходимларимдан кимdir ёрдам берган.

Микки мендан кўз узмасди.

– Нима бўлди, Брэд? Буюртмачилар билан ишлар силлиқ кечяптими? Ё Маккарти сизни коммунистга чиқардими?

Оғизманинг таноби қочди.

– Ундан ҳам баттари бўлди. Брэйдига ёқиб тушдим.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

*M*ушликка яқин силлам қуриб уйга қайтдим. Менинг аҳволимни кўрган Марж меҳмонхонага етаклади.

– Овқатдан олдин коктейль ичиб ол, – таклиф килди у. – Рангингда ранг қолмабди.

Оромқурсига чўкарканман, хотинимга назар ташладим. Назаримда, уйга анчадан бери кел-

магандекман. Маржнинг кўзлари хавотирга тўла эди, аммо вискини ичиб бўлгунимча сўз қотмади.

– Нима бўлди, Брэд? – сўради у.

Хоргин ахволда бошимни оромкурси суянчигига ташлаб, кўзларимни юмдим.

– Кўнгилсизлик юз берди. Мэтт Брэйди билан қилган сухбатим унга ёқмади. У мени йўқотишга қарор қилибди.

Жинининг учрапуви бор экан, Марж иккала-  
миз овқатландик. Маржга овқат пайтида кундузи  
бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бердим. У мени  
дикқат билан эшитди.

– Энди нима чора кўрмоқчисан? – деб сўради  
мен гапдан тўхтаганимдан сўнг.

– Билмадим. Кўрамиз, эртанги кун нима олиб  
келаркин. Агентликнинг фаолияти қолган буюрт-  
маларнинг ҳажмига боғлиқ. Ходимлар сонини ҳам  
қисқартиришга тўғри келади.

– Крис нима деяпти? Бўлаётгани воқеалардан  
хабари борми?

– Билмадим. Менимча, хабари бор.

Маржга шубҳаларимни айтдим.

– Мен бунга ишонмайман! – ларзага тушди  
Марж.

– Шуҳратпарастлик – шафкатсиз ҳоким, –  
дедим. – У инсонни минг кўйга солади, баъзида  
ножӯя йўлларга бошлайди. Бу бизнинг жамияти-  
миз қонуни.

– Аммо Крисга сенинг қанча яхшиликларинг  
сингди! – хитоб қилди у.

– Кел, бунга унинг кўзи билан қарайлик.  
Ахир мен унга қанча яхшилик қилган бўлсан, у  
ҳам менга шунча яхшилик қайтарган. Энди эса у  
ўз улушкини олмоқчи.

Уй олдида машинанинг тўхтагани эшитилди.  
Эшикни очдим. Қаршимда Пол Реми турарди.  
Бир лаҳза қотиб қолдим.

– Пол! Қайси шамол учирди?

— Сен билан гаплашиб олишим керак, — деди у дахлизга қадам қўяр-қўймас. — Эсинг жойидами? Ўзингни хароб қилмоқчимисан?

Пол ортимдан меҳмонхона томон юрди. Марж билан кўришиб, менга ўгирилди.

— Мэтт Брэйдига қарши уруш эълон қилдингми? — деб сўради Пол. — Айтишларича, қарияни идорангдан ҳайдаб солибсан.

— Пол, шу гапга ишондингми? Мен бор-йўғи унинг қўлида ишлашдан бош тортдим, холос. Мэтт Брэйди қабулимга келди, баандлигим учун уни қабул қилолмадим.

Полнинг оғзи очилиб, менга тикилди.

— Сен уни баандлигинг учун қабул қилмадинг?! — деди у киноя билан. — Мамлакатнинг бешта йирик бизнесменидан бирини қабул қилмадингми? Эсингни ебсан! Ахир у эртага бутун агентлигинги йўқ қилиб юборади-ку! Брэд, ҳушинг жойидами?

— Кеч қолдинг, Пол. Бугуннинг ўзида олтмиш беш фоиз буюртмамни йўқотдим. Қария яхши ишлайти.

Пол зўр бериб вазиятдан чиқиш йўлларини қидирав, бераётган маслаҳатларига ўзи хам ишонмай минғирларди. Бир пайт у жимиб қолди, ғамгин қиёфада тек қотдик.

Бирдан у ўрнидан сакраб турди.

— Топдим! — хитоб қилди Пол. — Элейн Шайлер! У Брэйдининг севимли жияни. Мен Элейндан унга қилган яхшиликларинг тўғрисида амакисига гапириб беришини илтимос қиласман.

Норозилик билдириб, бош чайқадим.

— Керак эмас! Ўзимни ўзим ҳимоя қилоламан, — дедим тутақиб. — Бу муаммо фақат менга ва Мэтт Брэйдига тааллукли. Шайлсер хонимга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг этагидан тутиб, таъзим бажо айлаш ниятим йўқ!

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

**О**смонда мингларча юлдуз жимиirlар, хаво очик бўлишига қарамай, тун салкин эди. Зинада ўтириб, жунжикиб совқотсам-да, қайсаrlик билан уйга киргим келмай, сигарет буркситдим. Мехмонхона деразасидан Пол ва Марж кўриниб туар, улар дастурхон атрофида сухбатлашишарди.

Уйга, қўча томон чўзилган узун йўлакка тикилдим. Қизик, фирмам ёпилгандан кейин уй яна қанча вақт менга тегишли бўларкин? Бисотимдаги пулларни хаёлан ҳисоблаб кўрдим. Маблағ кам. Топган-тутганимни бизнесимни кенгайтиришга тиккандим.

Уй рўпарасида машина тўхтагани, кейин ёшларнииг товуши эшитилди. Йўлакчада Жини кўринди, у кандайдир қўшиқни хиргойи қиласиди. Хаёлан жилмайдим. Дунёни сув босса ўрдакка не фам? У ўзини сувдаги балиқдек эркин хискаларди.

Жини мени кўриб, тўхтаб қолди.

- Тинчликми, дада? – хавотирланиб сўради у.
- Ойим билан урушиб қолдингизми?
- Йўқ, азизам, – дедим бош чайқаб. – Ишдаги муаммолар.
- Охирги пайтларда ўзингизни ғалати тутяпсиз. Ойим ҳам хомуш.

Зўрма-зўраки жилмайдим. Мен фақат ўзимни алдашим мумкин. Кўзларимиз тўқнашди.

– Газетада Шайлер хонимнинг расмини кўрдим. У жуда гўзал экан. Бувам у сизни севиб қолган, деди.

Хаёлан дадамни койидим. Топган гапини қаранг!

– Бувангни яхши биласан, унинг назаридага барча аёллар мени севиб қолишади, – дедим ўрнимдан туриб. – Уйга кир, Пол амакинг меҳмонга келган. Сени кўрмоқчи...

Кечқурун ухлай олмадим. Деразадан эшитила-ётган тунги товушлар ҳам менга енгиллик бахш этмади. Нихоят, тонгнинг ёрқин нурлари ётоққа туша бошлади. Тун менинг саволларимга жавоб топиб беролмади, балки кун бирор йўл кўрсатар. Кўзларим юмилиб уйқуга кетдим...

Эрталаб аввал Полни аэропортга элтдим. Офисга кирганимда Микки машинкада пулемётдан ўқ отгандай қарсллатиб ёзиб ўтиради.

— Менга Крисни чақир, — дедим.

У боши билан хонам томонга имо қилди.

— У сизни кутиб ўтирибди.

Уни тушунгандай қош учирдим. Крис вақтини бекорга кеткизмайди. Хонага кирдим. Крис менинг жойимга ўтириб, энгашиб нимадир ёзарди. Мени кўриб ўрнидан турди.

Кичкина спектакль қўйишга қарор килиб, имо билан уни яна жойимга ўтқаздим. Крис қизиқувчанлик билан тикилди. Сўзсиз унинг қарисисига чўқдим ва ундан кўз узмадим. Бир неча дақиқадан кейин унинг ёноклари уятдан қизариб кетди. Мен ҳамон лом-мим демай, жим ўтирадим.

Крис йўталиб қўйди.

— Брэд...

Унга караб жилмайдим.

— Жуда қулай курси-я, Крис?

У орқасини бир нарса куйдиргандай сапчиб ўрнидан турди. Жилмайганча мени ҳам ўрнимдан турдим.

— Крис, нега олдин бу оромкурси сенга ёқишини айтмагансан? Агар курси ростдан ҳам ёқса, худди шунақасидан сенга ҳам буюртма берайлик, — дедим столни айлануб ўтиб, жойимга ўтирар эканман.

У ҳамон сукут сакларди, юзида кизиллик камайиб, ўзини тутиб олди.

— Тушунмадим, Брэд, — деди тилга кириб Крис. — Ёрдам бермоқчийдим.

- Кимга?! – бақирдим мен. – Ё ўзинггами?  
Уни таниганимдан бери биринчи марта ғазабланганини кўриб туардим.
- Бу ерда кимдир калласини ишлатиши керак! – жавобан бақирди у. – Сен агентликни йўқлик қаърига ташлаяпсан. Ўзингдан бошқа ҳаммага тупургансан!
- Енгил тортдим. Очиқ олишув яширин фитнадан кўра яхшироқ эди. Ҳалолликни хурмат қиласман. Учинчи авеньюда муносабатларга ойдинлик киритиб, очиқчасига гаплашдик.
- Жин ургур, кеча қасрдайдинг? – деб сўрадим.
- Мэтт Брэйдини бизни тинч қўйишга кўндириш учун унинг офисига бордим. У билан битим туздим.
- Қанақа битим? Деярли барча мижозларимиз биздан юз ўгиришиди, қолганлари ҳам бугун кетишса керак.
- Ү куруққина бош ирғади.
- Биламан. Уни қабул қилишдан бош тортганингда у менга бизни йўқ қилишга ваъда берганди.
- Брэйдига вақтдан ютиш учун буюртмачиларимиз рўйхатини ким берди? Шуми менга бермоқчи бўлган ёрдаминг?
- Криснинг юzlари яна қизарди.
- Унга баъзи бир маълумотлар керак экан.
- Баҳонанг унчалик ишонарли эмас, тўғрими?
- Крис менга қаттиқ тикилиб, совуқ ва вазмин оҳангда гапира бошлади:
- Сенинг ишониш-ишонмаслигининг менга қизифи йўқ. Мен бу ерда ишлаётган одамлар учун жавобгарман. Уларнинг ишсиз, кўчада қолишига виждоним йўл қўймайди. Сен кетсанг, Брэйди агентликни тинч қўяди. Фирма учун яхши нарх таклиф қиласман. Сен кетсанг, ҳаммага яхши бўлади.

— Бу олийхимматликнинг сабаби нима? — киноя билан сўрадим мен.

— Бу хақиқатан ҳам олийхимматлик. Брэд, хақиқатнинг кўзига тик боқ. Сенинг вақтинг ўтди. Бошқа чикимларни кўя турайлик, қолган буюртмалар ҳатто бинонинг ижара хақини тўлашга ҳам етмайди, — деди у таъкидлаб.

Унинг гаплари тўғри эди, аммо негадир менга бу гаплар таъсир қилмади. Фирмани ёпиш керак бўлса, ёпаман. Аммо уни осонгина, курашмасдан бирорвнинг қўлига бериб қўйсам, менга лаънатлар бўлсин!

— Крис, — дедим юмшоқ оҳангда. — Сенинг агентликни сотиш хақидаги таклифинг мени кизиктирди, аммо бу ерда ишлаётган ходимлар олдида менинг жавобгарлигим сеникидан кўпроқ. Бу фирмани мен ташкил қилдим, мен уларга иш бердим. Агар сен берган пулларни олиб бошқа иш билан шуғуллансан, тезда оёқка турардим. Аммо мен шу ерда қоламан. Хаммаси ўтиб кетади. Ходимларим олдида жавобгарлигим кучли экан, демак, мен уларни бошқа хўжайинга қул каби сотолмайман.

— Аммо, Брэд... — гап бошлади Крис.

Унинг гапини бўлдим.

— Сенга ҳам, Мэтт Брэйдига ҳам одамлар тугул итимниям ишонмайман!

Кўнғироқ тугмасини босдим.

— Микки, барча ходимлар зудлик билан менинг хонамга йифилсин.

— Яхши, Брэд, — жавоб берди у.

Крисга ўғирилдим. У тош қотган эди.

— Йигитча, нега бу ерда ўтирибсан? — жилмайдим мен. — Сен энди бу ерда ишламайсан.

Крис нимадир демоқчи бўлди-ю, фикридан қайтиб, эшик томон йўналди. У эшикни очганда фирманинг деярли барча ходимлари қабулхонага тўпланган эди. Миямга бир фикр келди.

— Крис! — деб чақирдим.  
У эшик тутқичини ушлаб, ўгирилди. Бошқалар хам эшитиши учун ҳар бир сўзимга урғу бериб, баланд овозда гапирдим:

— Хужжатларингни қаерга юборишмни котибамга айтиб кет! Уларни Мэтт Брэйдигами ёки иблисга юборайми? Менинч, сенинг шу икковидан бошқасини танлаш имкониятинг йўқ, — дедим кулиб.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

**К**ойимга ўтириб, ходимларнинг хонамга кириб келишини кузатдим. Уларнинг охиргиси эшикни ёпиб киргунча жилмайиб ўтирдим. Юзимдан табассум аригач, юз мушакларим оғриётганини хис қилдим.

Йифилишда ходимларимга Мэтт Брэйди билан илк учрашувимдан тортиб, Крис билан бўлган охирги сухбатгача гапириб бердим. Уларга хозирча курашдан бошқа нарса ваъда киломаслигимни, агар улар мени қўллаб-кувватлашса, бу олишувда албатта ғалаба қозонишимни айтдим. Энди улар Крисга айтган гапимни эшитишганидан кейин мағлубиятга учрашим мумкин эмасди. Кимдир мушкул вазиятдан чиқкунимизча вақтинча моянани камайтиришни таклиф қилди. Мен бу чорани жуда зарур бўлмагунча қўлламасликка сўз бердим. Кейин ҳар бир ходимнинг қўлини сикиб хайрлашдим, улар чиқиб кетишли.

Ҳаммаси ажойиб бўлди. Ходимларимга аниқ бўлмасаям кўп нарса ваъда бердим. Хоргин ахволда стол устидаги телефонларга тикилдим. Улар жирингламасди. Одатда телефонлар бу вақтда жиринглашдан тинмасди. Фамгин кулумсирадим. «Агар телефонларинг жирингламаса, демак, сен ўлгансан», дейишарди тадбиркорлар. Ҳақиқатан хам ўзимни мурладай хис қилдим. Телефоннинг

титроқ жаранги янгради. Ланж ахволда тугмачани босдим.

— Ҳузуриңгизга Шайлер хоним келди. У иш фаолиятига боғлиқ ахборот билан танишишга вақтингиз бор-йўқлигини сўраяпти, — тетик ва қуруқ оҳангда сўради Микки.

Эшик очилганида, оёққа қалқиб, хаяжонимни босишга уриндим. Элейн киргач, менга қараб, бир лахза тош қотди. Унинг қўзлари менга ачи-ниш билан боқарди. Фамгин ҳолда секин стол томон йўналди. Бир сўз дейишга ҳолим бўлмай, сукут сақладим. Бу аёлнинг нимасидир менга қаттиқ таъсир қиласарди. Хаяжондан юрагим ду-киллади.

— Брэд, кўринишинг ёмон, — деди секингина Элейн.

Унинг қўлларига талпиндим. У бош чайқади, бармоқлари қўлларим орасидан сирганиб чиқди.

— Йўқ, Брэд, — деди у юмшоқ оҳангда. — Ҳаммаси тугади. Орқага йўл йўқ.

— Мен сени севаман, — дедим. — Ҳеч нарса тугагани йўқ.

— Мен хато қилдим, Брэд, — шивирлади Элейн. — Илтимос, у кунларни эслатма. Дўст бўлиб қолайлик.

Чукур хўрсишиб, ўриндиқка чўқдим. Қўлларим титраб, кутидан сигарет олиб чекдим-да, тутунлар губори остидан Элейнга қарадим.

— Элейн, нега қайтиб келдинг? Мени қийнаш учунми?

— Ҳаммасига мен айборман. Мени деб Мэтт амаким билан урушиб қолдинг, — деди Элейн синик товушда. — Амаким сен хақингда маълумот тўплаганини айтди. Унга учрашув чоғи қўпол гапирганинг ёқмабди. У сенинг фойдангни қўзлаб маслаҳат берган экан.

— Менинг фойдамни кўзлаб гапирган Мэтт Брэйдидан Худонинг ўзи асрасин! — дедим киноя

билан. – Яна озгина фурсатдан кейин мен батамом йўқ бўламан.

– Сени порлоқ келажак кутаётганига Мэтт амакимнинг ишончи комил, – деди Элейн.

– Менинг шу ерда ҳам келажагим порлоқ эди, амакинг уни йўқ қилди. Энди эса ҳеч вақом қолмади.

Бармоқларимни қўйдирган сигаретни ўчирдим.

– Амакинг жуда олийжаноб инсон, айниқса, хушомад қилганларга нисбатан, – дедим қўшимча қилиб.

– Хоҳласанг, Мэтт амаким билан гаплашаман, – таклиф қилди Элейн.

– Йўқ, раҳмат. Ҳожати йўқ. Энди кеч, у мени бор мижозимдан маҳрум қилди. Амакинг вақтини бекор ўтказмайди.

– Сенга ёрдам бермоқчиман, Брэд. Нимадир килишим мумкиндири, ахир?

Мен унга боқиб, бош чайқадим.

– Билмадим, Элейн. Эндиликда бирор менга ёрдам беради, деган фикрдан йироқман. Бу бизнеснинг ёзилмаган бир қонуни бор, мен уни буздим. Ҳар қандай шароитда ҳам мижоз заар кўрмаслиги керак. Энди мен билан ҳеч ким ҳамкорлик қилмайди, қозонга яқинлашсанг, қораси юқади.

– Қўмитанинг бошқа аъзолари-чи? – сўради Элейн. – Биттасини танийман. Режанг уларни ҳали-ҳамон қизиқтирмокда.

Элейнга тан бериш керак. Уриниб кўришга арзиди. Телефонга қўл чўздим.

– «Индиндент Стал»даги Ричард Мартин, – деди Элейн завқ-шавқ билан. – Ўшанга қўнғироқ қилсанг-чи?

Бош ирғаб, Миккидан Мартин билан улаб беришни сўрадим.

Кулиб қўйдим. Элейн менинг кўнглимдаги аёл. Унинг жамики хислатлари, шу жумладан,

фикрлаш тарзи ҳам менга ёқади. Элейн тилла портсигарини чикарди. Унга яқинлашиб, гугурт чақдим.

— Агар менинг суюклигим бўлмаганингда эди, сени шерик қилиб олардим, — дедим жилмайиб.

— Нима учун биз дўст бўлиб кололмаймиз, Брэд?

Элейннинг кўзларидағи дардни кўриб, юрагимга оғриқ кирди. Дардини олиш учун унга интилдим, аммо кўлларим ярим йўлда муаллақ колди. Телефон жиринглаб, гўшакни кўтаришга мажбур бўлдим. Микки Мартиннинг овқатланишга чиқиб кетганини айтди. Котибамга кейинроқ яна қўнгироқ қилишни буюрдим.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

**Э**лейн иккимиз овқатланиш учун «Колони» ресторанига йўл олдик.

Эшик олдида бизни метрдотель<sup>1</sup> кутиб олди.

— Жаноб Ровен, — минфиrlади у, — сиз учун алоҳида стол бор.

Атрофга алангладим. Ресторан одамга тўла, бу нусха алдашни бопларкан, унинг барча столлари «алоҳида» эди. У бизни залнинг тўрида қўйилган стол томон бошлади. Назаримда, яна икки қадам қўйсам, Олтмишинчи қўчага чиқиб қоладигандай туюлди. «Қизиқ, ҳаётимдаги қўнгилсизликлар ҳақидаги мишиш-мишлар унинг ҳам қулоғига етдимикан?» — деб мийифимда қулдим.

Ўтирдик, бир пайт елкам оша аёл кинининг овози янгради:

— Элейн Шайлер! Бу шаҳарда нима қилиб юрибсиз?

Юзимда мулойим табассум билан ўрнимдан турдим. Ортимда ўрта ёшлардаги ёқимтой жувон

<sup>1</sup> Метрдотель — дарбон, эшик оғаси.

жилмайиб туарди. Уни таниб, хаёлан ўзимни койидим. Элейнни бу ерга бошлаб келмаслигим керак эди. Бу хоним газетанинг киборлар ҳаётини ёритувчи маҳаллий мухбири эди. Эртагаёқ мамлакатда чиқадиган ҳар икки газетанинг бирида биз ҳакимизда мақола чоп этилади. Биз катта шовшувга сабаб бўлувчи мақола қаҳрамонлари эдик. «Мэтт Брэйдининг жияни унинг душмани билан ресторонда».

Бир неча дақиқадан кейин журналист аёл кетди. Элейн билан бирга оғисга қайтдик. Мартин қўнгириғимга жавоб бергунга қадар Элейн менга Мэтт Брэйди ва пўлат қўйиш саноати ҳақида гапириб берди. Унинг ҳикоясини дикқат билан тингладим. Брэйдига ўхшаганлар бизнес аталмиш ўйинда бешафқат эдилар. Уларнинг олдида хамкасларим бор-йўғи хаваскор ўйинчилар. Менга улар бошқаларни бир марта бўлса ҳам сотган одамлар қиёфасида кўринарди, балки бир неча марта сотилиғандир. Шубҳасиз, бу уларнинг жондан ортиқ кўрган эрмаги эди. Бу одамлар яширинча харакат қилишар, сира қўлга тушмасдилар. Мэтт Брэйди мени бекорга огоҳлантирган. Улар бошқаларнинг ўрнини эгаллаш учун хамма нарсага тайёр эдилар.

Телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. Бу Марж экан.

– Ишларинг қалай, азизим?

– Ўзгариш бор, – дедим Элейнга жилмайиб. – Эрталаб Шайлар хоним келди. У менга ўз ёрдамини таклиф килди, рози бўлдим.

– Бугун ўғлимиз Брэддан хат олдим, – деди хотиним негадир дарров сухбат мавзусини ўзгартириб.

– Яхши. Нима деб ёзибди?

– Тузалиб қолибди. Янаги ҳафтадан машғулотларига бораркан.

– Жуда соз! Мен сенга айтгандим-ку, хаммаси яхши бўлади деб. Ойнинг ўн беши қоронғи

бўлса, ўн беши ёруғ. Ҳар қандай кўнгилсизлик ортидан, албатта, хурсандчилик келади.

– Ҳозир ёлғизмисан? – сўради Марж овоз оҳангини ўзгартириб.

– Йўқ.

– Ёнингда Шайлер хоним борми?

– Ҳа, – дедим қурукқина қилиб.

У бир неча сония жим қолди. Кейин тилга кирди:

– Азизим, Шайлер хонимга менинг номимдан ҳам миннатдорчилик билдиришни унутма, – деди киноя билан ва гўшакни илиб қўйди.

Ёнимда ўтирган Элейн бармоқларига тикилиб хомуш тортди.

– Хотинингни айбламайман, – деди у. – Унинг ўрнида бўлганда мен ҳам худди шундай қилган бўлардим.

Телефон қўнғироғини эшишиб, енгил тин олдим. Микки ниҳоят мени Мартин билан улаб берди. Унинг гаи оҳангি совуқ эди. Ҳа, у мени яхши эслайди. Уни жамоатчилик билан алоқа қилиш кампанияси қизиктирмайди. У фақат ўзи учун жавоб беради, қўмитанинг бошқа аъзолари учун эмас. Мартин бўлиб ўтган воқеадан кейин қўмита аъзоларининг менинг хизматимга қизикиши борлигига шубҳаланишини айтди.

– «Консолидейтид Стал» жамоатчилик билан алоқа қилиш мақсадида шахсий режаларини амалга ошириш учун бугун ассоциациядан чиқди, – деди у гапини якунлаб.

Гўшакни илдим-да, Элейнга қараб зўрма-зўраки илжайдим.

– Мэтт Брэйди бугун пўлат қуювчилар ассоциациясидан чиқибди. Компания унинг маблағисиз хеч нарса қилолмаслигини амакинг яхши билади.

– Брэд, амаким билан гаплашишимга рухсат бер. У гапимга киради.

Хорғин бош чайқадим.

– Масалани ҳал қилишнинг бошқа йўли хам бўлиши керак. Сен менга амакинг, пўлат қуиши саноати тўғрисида гапираётгандинг. Давом эт. Балки бирор янги фикр келиб колар.

Элейн иш вакти тугагунча гапирди. Соат еттига яқин унинг баъзи бир сўзлари дикқатимни тортид. Мен Элейннинг ортида туриб, қорамтири осмонни томоша қиласдим. Унинг айтишича, эри тириклигига «Консолидейтид Стал»нинг антитрест қонунларини четлаб ўтганидан хабар топган, бу ҳақда Брэйди билан гаплашишмоқчи бўлган экан.

- Нима бўлганди? – деб сўрадим.
- Аниқ билолмадим. Дэвид нимадандир ғазабланганди, бошқа бу ҳақда гапирмади.
- Бу мавзуда амакинг билан гаплашганмидинг?
- Менимча, йўқ, – деди у. – У қўп ўтмай хасталикка чалинди.

Бу масалани чукурроқ ўрганишим кераклигини ички бир овоз айтиб турарди. Полга қўнфироқ қилдим-да, гапни чўзмай дарров мақсадга ўтиб, сўрадим:

- Брэйдининг компанияси антитрест қонунларини бузганликда айблангани ростми?
- Улар битим тузишган. Бу сени нега қизиқтиряпти?
- Ҳаммаси қонунийми? – деб сўрадим.
- Ҳа, – жавоб берди у. – Бу одатий ҳол. «Консолидейтид Стал» ракибларига халақит қилмасликка ваъда берган.
- Тушунарли, – дедим. – Ким хукуматнинг манфаатини химоя қилган?
- Билмадим, аниқлашим мумкин. Бу шунчалик муҳимми?
- Менимча, ҳа. Ҳаклигимга ишонаман. Адашсам, тамом. Куним битади.
- Эртага эрталаб қўнфироқ қиласман, – деб Пол гўшакни қўйди.

Соат ўнга яқин уйга кириб бордим. Марж газета ўқиб ўтирар, унинг қарашидан жаҳли чиқаётгани сезилиб турарди. Ёноғидан ўпиш учун эгилганимда мендан юз ўғирди.

— Шайлер хоним билан шунчалик банд бўлганингдан қўнғирок қилиб, овқатланишга кел маслигингни айтишга хам вақт тополмадингми?

Кафтимни пешонамга урдим.

— Эй Худо, мутлақо унутибман. Кечир, азизам. Муаммоларим шунчалик кўпки...

— Унинг учун вақт топасан.

Бу сафар сабр косам тўлди.

— Жин урсин, кимман ўзи? — деб ўшқирдим. — Мен сенга ёш боламанми, ҳар ўн дақиқада қўнғирок қилиб ҳисобот берадиган? Мени тинч қўй! Шусиз хам муаммоларим ошиб-тошиб ётибди!

Маржнинг ранги окариб кетди. У ўгирилиб, индамай хонамиз томон зинадан юкорига кўтарилди.

Меҳмонхонада бироз ўтиредим, яна финжонни тўлдирдим. Маржнинг ортидан ётоқхона томон йўл олдим. Эшик тутқичини тортдим. Ёлик. Тутқични бураб кўрдим. Ичидан қулфлашган.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

**M**ехмонхонадаги устара ўтмас экан; душда хам сув хароратини меъёрига келтиролмадим. Кичкина сочиқчага артиндим. Корнимни ичимга тортиб, сочиқни белимга аранг ўраб, шиппаксиз ётоқхонамизга кирдим. Хона ҳувиллаган, бу сафар каравотда тоза ич кийимларим йўқ эди. Жавонни титкилаб, кийим изладим. Сўнг пастга тушдим.

Столда хам апельсин шарбати кўринмасди. Фижимланган газета Маржнинг оромкурсиси қархисида ётарди. Газетани олиб, ўтиредим. Бизнес

янгиликларини ўқимоқчи бўлган хам эдимки, кўзим киборлар ҳаётига оид саҳифадаги мақолага тушди.

«Пўлат қўйиш саноати корчалони Мэтт Брэйдининг жияни, Вашингтон киборлар жамиятининг кўзга кўринган сиймоси Хортенс (Элейн) Шайлер хоним нуҳоят, полиомиелитдан фожиали вафот этган эри ва фарзандларининг ўлимидан сўнг «Колони» ресторанида келишган бир эркак билан овқатланаётганини кўрдик. Аниқланишича, бу жанобнинг исм-шарифи Брэд Ровен; у жамоатчилик билан алоқа бўлимининг катта мутахассиси, мишишларга қараганда, Шайлер хонимга полиомиелитнинг олдини олиш бўйича олиб бораётган ишларида яқиндан ёрдам бермоқда. Кулиб турган чеҳраларига қараганда, уларни нафақат ишга доир алоқалар, балки...»

Газета шундай қўйилган эдики, мақолага кўзим тушмаслигининг хеч иложи йўқ эди. Фазабланиб, бизнесга оид бўлимга қарадим. Унинг бу сони мени қувонтирмади, газетани олгаидан дарров ахлат қутисига ташлаб юбориш керак эди. Кичкина хабарчага кўзим тушди: «Кристофер Проктор Мэтт Брэйди бошлилик қилувчи «Консолидейтид Стал» корпорациясига қарашили жамоатчилик билан алоқа бўлими маҳсус маслаҳатчиси лавозимига тайинланди».

Газетани полга ирғитдим. Апельсин шарбатим канийкин-а?

– Марж! – деб бақирдим.

Ошхона эшиги очилиб, тирқищдан хизматкор Саллининг тим қора юзи кўриди.

– Жаноб Ровен, узр, келганингизни сезмай қолибман.

– Ровен хоним қаерда?

– Кетди, – деди Салли. – Ҳозир шарбатингизни бераман.

Шарбатни кутиб ўтирганимда хонага Жини кириб келди. Унинг юзида сирли табассум ўйнарди.

— Дада, агар тезроқ ҳаракат қилсангиз, мени мактабга ташлаб ўтишга улгуардингиз.

Сабр косам тўлди.

— Нимага сен тенгдошларингга ўхшаб автобусда юролмайсан? Бошқалардан қаеринг ортиқ? — дедим ғазабдан бўғилиб.

Эшикни ёпиб, стол ёнига қайтдим. Стол устидаги апельсин шарбати турарди, уни паришонхитирлик билан ҳўпладим. Шарбат менга bemaza туюлди.

Салли тилла рангли қовурилган тухум келтирди. Тухумнинг ёнида четлари қизғиши-жигарранг бекон бор эди. У нонуштамни олдимга қўйиб, финжонга қаҳва қўйди. Овқатга иштаҳасиз тикилдим. Ўзимнинг: «Нонуштадаги қовурилган тухум кунингни равшан қиласи», деган сўзларимни эсладим. Менга нима бўлди? Оромкурсими суриб ўрнимдан турдим. Назаримда, уйни меҳр-муҳаббат тарқ этгандай, бўм-бўш ва совуқ туюлди.

Кун секин ўтарди. Офис жим-жит, атиги икки марта қўнфириқ бўлди. Тушга яқин гўшакдан Элейннинг мулојим овози эшитилди.

— Мэtt амакимнинг ҳам газетага кўзи тушибди. Қўнфириқ қилиб, сен билан энди учрашмаслигимни талаб килди. Жудаям ғазабланди. У сени таваккалчи фирибгар, деб атади.

Бу гапни эшитиб, миямга гаройиб бир фикр келди. Қувончдан кулиб юбордим.

— Жуда соз. Мен унинг янаем кучлирок ғазабланишига ёрдам бераман. Сен билан ошикмаъшуқлик муносабатларимизни давом эттирамиз.

— Брэд, илтимос, — паст товушда ёлворди у. — Сенга айтдим-ку, ҳаммаси тамом деб. Мен ортиқ бундай яшолмайман.

— Бунинг ҳаммаси газета учун, — дея тушунтиридим. — Амакингнинг жаҳлдан ақлини йўқотишини истайман. Шунда у хато қилиши мумкин.

Жим туриб, унинг иккиланаётганлигини хисқилдим. Бир неча лаҳзадан кейин Элейн тилга кирди.

— Яхши, Брэд. Нима қилишим керак?

Хурсандчилигимни яширишга уриндим.

— Энг чиройли кўйлагингни кий. Учрашув уюштириб, мухбирларга ўз фаолиятинг ҳақида интервью берасан. Бу нарса сенинг ишингга зарар етказмайди, менга эса ёрдам беради. Ҳаммаси тайёр бўлгач, ўзим қўнфироқ қиласман.

Гўшакни бир лаҳзага қўйиб, сўнgra яна кўтардим.

— Шайлер хоним матбуот учун полиомиелитнинг олдини олиш бўйича ўтказаётган кампаниясини ёритиш мақсадида учрашув уюштироқчи. Соат бешга «Лайлак» қаҳвахонасида зарур нарсаларни тайёрла, — дедим Миккига. — Ходимларимиз Нью-Йоркнинг барча газетачилари-ю, фотомухбирларини судраб бўлса ҳам олиб келишсин.

— Яхши, хўжайин, — деди Микки. — Сизга Пол Реми телефон қиляпти.

Селетор тугмасини босдим.

— Пол? Анави нусхани топдингми?

— Ҳа, — деди Пол. — Бу йигитнинг фамилияси Леви. У ўзининг хусусий адвокатурасини очиш учун бу ердан Нью-Йоркнинг Уоппингер-Фолс деган жойига кетган. Ҳозир Левини бу ерда ҳеч ким эслолмайди. Ваҳоланки, қачонлардир уни вазирликда иш билармон мутахассис сифатида қадрлашган. У Гарвардни имтиёзли диплом билан тамомлаган. Антитрест конунлари соҳаси бўйича маҳсус мутахассис. Брэйдининг компанияси билан боғлиқ можаро унинг илк катта иши бўлган.

— Нега ишни судгача олиб бормаган?

— Билмадим, эҳтимол, бу вазирликнинг кўрсатмасидир.

— Унинг исми нима?

— Роберт М. Леви. Бирон нарса аниқладингми? — қизиқиб сўради Пол.

— Ҳавога туфлаб ўтирибман, тупугим Мэтт Брэйдигача етиб борар, деган умидда.

Гўшакни кўйиб, дарров машинамга ўтиридимда, сэндвични оғзимга тиқиб, наридан-бери овқатланган кўйи Уоппингер-Фолсга қараб йўлга тушдим. Ошқозонимда сэндвичданми ё ҳаяжонданми тошдай бир нарса пайдо бўлди. Бу охирги кунларда бутун вужудимни эгаллаган бўшлиқдан кўра афзалроқ эди.

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

**Y**оппингер-Фолсга соат икки яримда етиб келдим. Бу бир лаҳзада айланиб чиқини мумкин бўлган кичкинагина шаҳарча экан. Тормозни босиб, машинани қатор дўконлар саф тортган қўчада тўхтатдим. Машинадан тушиб, атрофни кузатдим. Бир неча идора ва телефон будкаларига қўзим тушди. Будкалардан бирида ётган телефон рақамлари ёзилган китобчани варақладим. Роберт М. Левининг рақами йўқ экан. Чиқиб, энсамни қашидим.

Ёш, қобилиятли адвокатнинг хусусий адвокатура очиш учун шундай бир кимсасиз жойни танлагани ғалати эди. Ўтиб кетаётган полициячига қўзим тушиб, истиқболига шошилдим.

— Ёрдам беролмайсизми? Мен Роберт М. Леви деган одамни изляпман.

Полициячи машинамга кўз югуртириб, кейин менга назар солди.

— Бу ерда сиз айтган фамилияли адвокат йўғ-у, аммо Боб Леви деган бир кимса яшайди. Уруш пайтида у моҳир учувчи бўлган. Ўн битта япон самолётини уриб туширган. Урушдан кейин қисқа вақт Вашингтонда яшаган. Балки сиз қидираётган одам ўшадир?

Менга эшитгандарим етарли эди.

— Ха, худди ўзи, — дедим ховлиқиб.

– Чоррахани күряпсизми? Ўнгга бурилиб, күчанинг охиригача борасиз. Уйининг рўпарасида «Итлар учун бошпана» деб ёзилган тахта бор.

Полициячиға миннатдорчилик билдириб, машинаға ўтиридим. Муюлишдан бурилиб, тупроқ йўлга чиқдим. Тахминан бир ярим чақирим юргач, полициячи мени майна килди, деб ўйладим, аммо шамол қулоғимга итларнинг акиллаган товушини олиб келди. Шу ерда йўл тугаб, «Итлар учун бошпана» деган ёзуви тахтага кўзим тушди. Тахтанинг пастига «Фокстеръер ва уэльс теръер кучуклари сотилади. Жаноб Боб Леви ва Леви хоним» деб ёзилганди. Машинадан тушиб, оқ коттеж томон йўл олдим. Уйнинг ортида, тиканли симтўсик билан ўралган катақда итлар акилларди.

Уй рўпарасида кирк тўққизинчи йилларда ишлаб чиқарилган «универсал» туридаги «Форд» турарди. Эшик тутмачасини босгандим, бир пайтнинг ўзида ҳам уйда, ҳам итхонада қўнғироқ жаранглади. Худди буйруқ берилгандай итларнинг акиллаши кучайди. Бу шовқинга эркак кишининг товуши ҳам қўшилди:

– Биз бу ёқдами!

Панжара орасидан қарадим. Эркак ерга ўтириб, аёл ушлаб турган кучукчани кўздан кечирарди.

– Бир дақиқа, – деди у хушмуомалалик билан бошини кўтармай. Аёл менга қараб жилмайди. Тўсиққа суюниб, уларни кузатдим. Эркак узун чўткача билан кучукчанинг қулоғини тозаларди. Бир неча дақиқадан сўнг у ўз ишидан мамнун ҳолда ўридан турди. Эгасининг қўлидан чиқкан кучукча озод бўлганидан қувонганча бошка итларнинг олдига югарди.

– Қулоғига қўнғиз кирибди, – тушунтириди итхона хўжайини. – Бирор кор-хол рўй бермасдан олиб ташлай, дедим. Нима хизмат, жаноб?

– Мен вашингтонлик, адлия вазирлиги собиқ юристи жаноб Роберт М. Левини қидиряпман.

Сиз шаҳарчада шундай фамилияли ягона одам экансиз. Сиз Роберт М. Левимисиз?

У аёл билан кўз уриштириди.

— Мен уйга кетдим, ишларим бор, — деди аёл шошилиб.

Аёлнинг эшикчадан ўтиши учун йўл берарканман, уни нигоҳларим билан кузатиб қолдим. У шарқликларга хос майда ва эҳтиёткорона қадам ташларди. Эркакка юзланиб, унинг гапиришини кутдим. Эркак аёл кўздан йўқолиб, уйга кириб кетгунча қараб турди. Унинг кўзлари фам-аламга тўлди.

— Нега сўраяпсиз, жаноб?

Бу одамни нима қийнаётганини билмадим-у, аммо унинг кулфатига шерик бўлгим келди. Унинг нимасидир менга ёқиб колганди.

— Маслаҳатингиз ва баъзи бир маълумотлар керак, — дедим.

У аввал машинамга, кейин менга назар солди.

— Мен анчадан бери ҳуқуқшунослик билан шуғулланмайман. Сизга ёрдам беролмайман, деб қўрқаман.

— Мени қонун эмас, тарих қизиқтиради. Сиз адлия вазирлигида ишлаганингизда бир ишни тергов қилгансиз, — тушунтиридим мен. — Яъни «Консолидейтид Стал» компаниясининг антитрест қонунларини бузганлиги хақидаги ишни. Билишимча, ишни судга оширмоқчи бўлгансиз.

У бирдан ҳушёр тортиди.

— Бунинг сизга пима алоқаси бор? — деб сўради.

— Шахсан менга ҳеч қанақа алоқаси йўқ, — дедим. — Мен шуғулланайтган бизнесга алоқадор. Шу сабабли сиз билан учрапишга қарор қильдим. Мен жамоатчилик билан алоқа бўлими маслаҳатчисиман.

Чўнтағимдан ташриф коғозимни чиқариб, сухбатдошимга кўрсатдим.

— Бу иш билан нимага қизиқынсиз, жаноб Ровен? — деб сўради сұхбатдошим.

Гапни узокдан бошладим.

— Бундан саккиз йил аввал ҳозир ташриф қофозида номини ўқиганингиз — фирмага асос солдим. Мен унга саккиз йиллик оғир меҳнатимни сарфлаганман. Унгача эса фирмани очишга тайёрланганинан. Кунлардан бир кун катта бир саноат корхонасидан буюртма тушди. Қармоқ ташлаб, балиқ илинганини хис қилдим. Кейин оғисимга бир одам кириб, йиллик даромади олтмиш минг долларлик иш таклиф қилди. Катта пул. Мен бу пулга хохлаган нарсамни сотиб олишим мүмкин эди. Аммо шу ерда бир муаммо пайдо бўлди.

Гапларимнинг унга қандай таъсир қилаётганини билиш учун тўхтадим. Левининг диққат-эътибори менда эди.

— Қандай муаммо? — сўради Леви.

Гапни чўзиб, секин давом этдим:

— Бунинг эвазига у мендан бошқаларга хиёнат қилишимни, дўстларим юзига тупуришимни талаб қилди. Ўз меҳнатлари билан фирмам ривожига ҳисса қўшган ходимларимни тақдир ҳукмига хавола этиб, ташлаб қўёлмасдим. Мен бу одамга айтишим мүмкин бўлган ягона жавобни бердим. Унинг таклифини рад этдим. Бу воқеага ҳам бир неча кун бўлди. Бугунга келиб ҳеч вақом қолмади, ҳалокат ёқасида турибман. Буюртмаларнинг саксон фоизини йўқотдим. У мени қора рўйхатга тиркаган. Бу ерга мени ички бир сезги етаклади. Чўкаётган одам сингари хасга ёпишяпман. Ёнингизда сұхбатлашиб турарканман, қачонлардир сизнинг ҳаётингизда ҳам шу одам туфайли кўнгилсизликлар рўй бергандай таассурот уйғоняпти. Унинг исмини айтайми?

Леви менга лоқайд бокди.

— Хожати йўқ. Унинг кимлиги менга маълум.

У чуқур хўрсинди. Левининг овозида инсонда мавжуд жамики нафрат мужассам эди.

— Мэтт Брэйди.

— Иккаламизнинг ҳам унда қасдимиз бор, — дедим секин. — Ўч олишни истайсизми?

У нигоҳини менга қаратди.

— Жаноб Ровен, бу ер иссиқ. Юринг, уйга кириб гаплашамиз. Хотиним сизга хуштаъм қаҳва дамлаб беради.

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

**Б**из очиқ деразасидан майин шабада эсиб турган ошхонада ўтирганча сұхбатлашдык. Левининг хотини ярми немис, ярми япон бўлган евроосиёлик хонадондан экан. У хотини билан Америка армияси сафида хизмат қилаётган пайтда Токиода танишган экан.

Леви менинг Мэтт Брэйди билан бўлган кўнгилсиз можаро ҳақидаги хикоямни дикқат билан тинглади. Жим бўлганимда, эр-хотин бир-бирларига кўз ташлашиди.

Леви совукқонлик билан тилга кирди.

— Сизнингча, биз қандай ёрдам беришимиз мумкин, жаноб Ровен?

— Билмадим, — дедим қўлларимни икки томонга ёйиб. — Омадимни синаб кўришта қарор қилдим. Нимадир топишга умидвор бўлиб олдингизга келдим.

У менга индамай тикилди, сўнгра нигоҳини қаршисидаги қаҳва солинган финжонга бурди.

— Минг афсус, ҳафсалангизни пир киламан, жаноб Ровен, — деди аста Леви. — Сизга сира ёрдам беролмайман.

Назаримда, Леви ёлғон гапирияпти. Брэйдидан гап очилганда юзида синчковлик аломати, овозида нафрат оҳанги сезилганди. У нимадандир кўркяпти. Нимаданлигини билмайман-у, лекин

бунга ишончим комил. Шууримда бир тахмин ярк этди. Тушундим. Брэйди Левининг нозик жойидан ушлаган кўринади.

Адашмасам, тергов жараёнида Леви Брэйди учун хавф туғдирувчи нимадир топган, шундан кейин нўлат қўйиш саноати корчалони жавоб тариқасида унинг ҳам нозик жойини топиб қуритмоқчи бўлган. Келажаги порлоқ ёш хукуқшуносни бошқа қанака сабаб бунаقا гадойтопмас, чекка шаҳарчага стаклани мумкин?

— Нимадир бўлиши керак, — дедим таслим бўлгим келмай. — «Консолидейтид Стал»нинг ишини сиз тергов қилгансиз. Айтишларича, бу компания сири Мэтт Брэйдидан кейин факатгина сизга маълум экан.

Леви яна хотини билан кўз уриштириб олди.

— Менда сизга фойдаси тегадиган ҳеч қандай маълумот йўқ, деб ўйлайман, — деди у қайсарликда мендан қолипмай.

Ўрнимдан қўзгалдим. Мени чарчок ва ожизлик хисси чулғаб олди. Атрофим бўшлиқдан иборат. Аммо тамом бўлганимни тан олгим келмасди. Лабларимда аламли табассум пайдо бўлди.

— У сизни яксон қилган, — дедим. Леви жавоб бермай, менга ўқрайди.

Уйни тарк этдим, узун, озода йўлакчадан юриб, машинамга ўтириб, ортга бурилдим. Йўлнинг ярмини босиб ўтиб, катта шоссега чиққанимда ортимдан машина сигнали эштилди. Ойнага қарадим. Боя Левининг коттежи олдида кўрган «Форд» машинасини унинг хотини бошқариб келарди. Йўлнинг четига тўхтаб, уни ўтказиб юбордим. У чанг кўтариб мени қувиб ўтди-ю, муюлишда тўхтади. Левининг хотини машинадан тушар-тушмас, менга караб қўл силкиди. Тормозни босдим.

— Жаноб Ровен, — деди у инглиз тилини бузиб. — Сиз билан гаплашиб олишим керак.

Машинамнинг ўнг эшигини очдим.

— Эшитаман, Леви хоним?

У ёнимга ўтириб, асабийлашганча сигарета тутатди.

— Эрим сизга ёрдам бермоқчиди, аммо қўрқди, — деди аёл. — У сизни Мэтт Брэйдининг одами деб шубҳаланди. Сизга кўп нарсаларни гапириб бермоқчи эди-ю, журъат қилмади.

— Нега? Мэтт Брэйди энди унга нима ёмонлик қилиши мумкин?

— Боб ўзини ўйлаётгани йўқ, — деди Леви хоним. — У менга бирор кор-хол бўлишидан қўрқади.

Хеч нимани тушунмадим. Бу аёлнинг Мэтт Брэйдига нима алоқаси бор? Нигоҳим таажжу-бимни ошкор қилди.

— Сиз билан очиқасига гаплашсам бўладими? — деб сўради Леви хоним қўзлари мўлтираб. Сўнгра аёл мени саволларга кўмиб ташлади: «Сиз бизга дўстмисиз? Сизга ишонсак бўладими? Бизга зиён етказмайсизми?»

Жавоб беришдан олдин, ўйга толдим.

— Сиз бирор кишини туғилганидан бери таниб, унинг қалбида нима борлигини яхши билмаслигингиз мумкин, — деб секингина таал бошладим. — Кейин ҳаётингизда бирор ўзгариш, оғир вазиятга йўлиқасиз-у, аввалги дўстларингиз сиз учун хеч ким эмаслигини билиб қоласиз, мутлақо нотаниш одам эса сизга ёрдам қўлини чўзади. Ҳозир мен худди шу ахволдаман. Эски қадрдонларимнинг қўлидан хеч нарса келмайди, мадад берадиган хеч кимим йўқ.

Леви хоним чуқур хўрсинди-да, гаройиб мовий қўзларини ойнага қадаганча йўлга тикилди ва бир неча дақиқадан кейин тилга кирди.

— Бобни илк маротаба учратганимда, у кувноқ, келажакка ишончи баланд, некбин ва хушчақча йигит эди. Унинг максадларга эришиш учун ўз репжалари ва орзу-ниятлари, умидлари бор эди. Мен

анчадан бери унинг юзида табассум кўрмадим. Бошимиздан ўтган воқеалардан кейин у анча нарсасини йўкотди. Менинг ватанимда айтишларича, муҳаббат барча бахтсизликларнинг даракчисидир. Бу ҳақиқат. Мен ва севгимиз туфайли эrim умрини қувфинда ўтказмоқда. Эримнинг нима учун гапиришга журъат этолмаганини энди тушунгандирсиз? Уни кўрқоқ деб ўйлашингизни истамайман.

— Йўқ, мен бундай деб ўйламайман. Лекин у жим юришга мажбур эмас-ку?

— Мэтт Брэйди — кўрқинчли одам, — деди аёл аста. — У Бобнинг мени ноқонуний йўл билан Штатларга олиб келганини билиб қолган. Унинг изқуварлари Бобга нисбатан ҳеч қандай қораловчи ҳужжат тополмагач, менга ёпишишди. Боб бир нарсани — мен билан Америкага қайтишни истади, менга қалбаки паспорт ва виза сотиб олди. Шундай қилиб, бу ерларга келиб қолдим. Жаноб Брэйдининг изқувари Бобга улар ўзларига ҳаммаси маълумлигини, агар Боб чекин маса, ҳукуматга унинг ёлғонлари ҳақида хабар берилишини айтгунича биз баҳтли эдик. Кейин эrim ишдан бўшади. Мени Японияга қайтариб жўнатгандан кўра, унга шу иш маъқул келди.

Полнинг «Консолидейтид Стал» иши ҳақида гапиргандари эсимга тушди. Бу иш Левининг адлия вазирлигидан ишдан кетиши ҳақидаги битимга имзо кўйинши билан якунланган эди. Мэтт Брэйди ўзининг маккорлиги билан мақтанса арзиди.

Мен аёлга нима деб таскин беришни билмадим. Бу баҳтиқаролар шундоғам ҳаётнинг анча-мунча аччик-чучугини татиб кўришган. Дард устига чипқон бўлгим келмади. Жимгина сигарет бурқситдим.

— Эrim — баҳтсиз одам, жаноб Ровен, — деди аёл. — У кўз ўнгимда сўлиб боряпти, ўзини қайта тиклолмаяпти. Боб Мэтт Брэйдининг шах-



сий ҳаёти ва ишига оид бошқалар билмайдиган маълумотлардан хабардор. Агар эримга иш таклиф қилсангиз, унинг сизга нафи тегади.

— У хоҳлаган пайтида ишга чиқиши мумкин, — дедим. — Фақат мен уни мажбурлолмайман. Бунинг сабабини ўзингиз тушунтиридингиз.

Леви хоним машинадан тушиб, йўл ўртасида тўхтади. Шамол унинг соchlарини тўзғитиб, юзларини тўсади.

— Мен уни олдингизга келишга мажбур қиласман, жаноб Ровен, — деди хоним. — Оқибатига тупурдим. Унинг азобланиб ўлишига гувоҳ бўлишни истамайман.

У «Форд»га ўтириб, ҳайдаб кетди. Машина ортидаги «Итлар учун бошпана» деган ёзувга кўзим тушди.

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

**Б**ирор инсон ҳакида яхши гаи гапирсангиз, уни ҳеч ким тингламайди, Худо кўрсатмасин, миш-миш чиқса борми, эл оғзига элак тутиб бўисан. Орадан уч кун ўтмай, шарқий қирғоқдан тортиб, то фарбий қирғоққача бўлган оралиқдаги барча газеталар Элейн иккимиз ҳақимизда ёзишди. Суратларимиз «сарик матбуот»нинг ҳар бир сахифасида манаман деб турарди. Тўрт кун мобайнида ишқий саргузаштимиз оламшумул янгиликка айланиб, ҳамманинг дикқат марказида бўлди. Бизни биргаликда янги кўргазмаларда, дабдабали ресторонларда қўриб, одамлар ўгирилиб қарап, ўзаро пичирлашиб, фийбатимизни қилишарди.

Элейн ўз ролини қойилмақом қилиб ўйнади. Бошини ҳам килмай, адл тутиб юрди. Бу пичинг гаплар унинг қулоғига чалинса ҳам эшишмаганга оларди. Башарти гап-сўзлар юрагига оғир ботган эса-да, буни менга билдирамасди. Борган сари бу аёлни қаттиқроқ севиб қолаётгандим.

Маржга бўлаётган воқеаларни тушунтиromoқчи бўлганимда, у эшишини хам истамади. Ҳатто Жини хам менга олайиб қаар, улар учун мен гўё йўқ эдим. Отам хам менга ишонмади.

Газеталар биз ҳақимиздаги янгиликни барчага етказди-ю, бу хабарни эшиши лозим бўлган одам бундан бехабар эди. Ҳар тонг бир-биримизга ягона саволни берардик: «Мэтт Брэйдидан ҳабар борми?» Ва ҳар тонг жавоб битта бўларди. «Йўқ».

Чоршанба куни эрталаб Элейн телефон қилди. Муз жойидан силжиганини тушундим.

— Менга Нора холам қўннироқ қилди, — деди у.

— Ким у? — деб сўрадим.

— Мэтт амакимнинг хотини, — деди ажабланган товушда Элейн.

— Унинг хотини борлигини эшиитмаган эканман.

— Нора холам — ногирон, — деди Элейн. — Қирқ йилдан бери ногиронлар аравачасида, ҳеч қачон уйдан чиқмаган.

— Уига нима бўлган?

— Тўйларидан бир йил ўтгач, автоҳалокатга учраб, оёқ суяги майдаланиб кетган, — деди Элейн. — Мэтт амаким янги «Штутц» машинаси ни бошқарган, ҳалокат пайтида машина ағдарилиб кетган. Унинг ўзи уловдан отилиб тушган, Нора холамни эса машина босиб қолган. Мэтт амаким Нора холамнинг олдида ўзини гунохкор санайди.

— Хурсандман. Амакингда хам ҳис-туйгу бор экан, — дедим қаҳр билан. — Мен бунга умид қилмагандим.

— Холам мени уйига меҳмонга таклиф қилди, — деди Элейн. — Уни газеталарда биз ҳақимизда ёзилган мақолалар хавотирга солибди. Унинг айтишича, Мэтт амаким ғазабдамиш. Эрталабки нонуштада амаким сени бир марта

огоҳлантирганини айтибди. Шунинг учун Нора холам қўнғироқ қилибди.

— Яхши. Уларнига меҳмонга бориб юрма. Яна бироз жаҳллари чиқсин.

Гўшак жимиб қолди. Уни секин жойига қўйдим.

— Хузурингизга жаноб Роберт М. Леви келди, — хабар берди Микки.

Уни кўришдан умидимни узгандим. Ҳолбуки, Леви хонимдай аёл ўз айтганининг устидан чиқишига ишонишим лозим эди. Агар котибам унинг исм-фамилиясини айтмаганида хонамга кирган бу эркак Уоппингер-Фолсда мен кўрган одам эканига асло ишонмасдим. Унинг этнида тўқ кулранг костюм, оқ кўйлак ва тўқ қизил рангли бўйинбоғ бор эди. Қуёшдан корайган юзига, жигарранг кўзларининг четига майда ажин тушганди. Ўрнимдан турдим.

Роберт М. Леви очиқ чехра билан кўриши.

— Душанба куни келмоқчийдим, — деди у. — Қарасам, барча костюмларим эскириб, тўғри келмай қолибди, тикувчига янги костюм буюришга мажбур бўлдим. Агар таклифингиз ўз кучини йўқотмаган бўлса, таваккал қиласман.

Унинг қўлларини сиқарканман, дўст бўлиб қолишимизга ишондим. Менимча, у хам буни хисқилди.

— Вазият жиддий, — дедим Левининг ортидан унинг учун ажратилган хонага кириб. — Умумий дўстимиз Мэтт Брэйди ёмон ишламади. Ҳозирча фалаба у томонда.

Леви столни айланиб ўтиб, ўтирди. Бармоқлари ялтироқ столни хаёлчан чертди.

— Хильда машинада кутяпти, — деди Леви. — Мен ўзим билан Мэтт Брэйди ва «Консолидейтид Стал»га тегишли барча хужжатларни бирор фойдаси тегар деб олиб келганман.

— Яхши, — дедим. — Ҳозир айтамиз, олиб чиқишиади.

— Раҳмат, Брэд, — деди Леви жиддий оҳангда. — Бу бизнесда ҳеч нимани тушунмасам-да, сизга ёрдамим тегади, деган умиддаман.

— Сизнинг бу ерга келишингизнинг ўзи мен учун катта ёрдам. Ҳамма ҳам чўкаётган кемага чиқишига кўнавермайди.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

**К**уннинг иккинчи ярмида «Консолидейтид Стал»га тегишли хужжатлар билан танишиб, охирги бир неча ҳафта давомида билгандаримдан кўра кўпроқ маълумотга эга бўлдим. Аммо бу маълумотларнинг қайси бирига ёпишишни билмасдим. Соат еттига яқин ўзимни оромқурсига ташладим-да, чарчаган кўзларимни ишқалаганча, қоғоз тахламларини стол четига суриб, Бобга қарадим.

— Бугунча етар, бошим айланиб кетди, эрталаб давом этирамиз.

У жилмайиб қўйди. Леви худди эрталабкидай тетик эди. Унинг иштиёқига ҳавас қилдим.

— Яхши, Брэд, — деди у ўрнидан тураркан.

Леви кетгач, эшик бирдан очилиб, остоңада Сандра Уоллес пайдо бўлди.

— Сени кўрганимдан хурсандман, Сэнди. Жудаям чарчадим, — дедим уни оромқурсига ўтиришга таклиф қилиб. — Хўжайнинг жонимдан тўйдирди.

— Собиқ хўжайнинг демоқчимисан? — гапими тўғрилади у. — Ваъда қилган ёрдамимни бериш учун келдим.

Хайратимни яширолмадим.

— Ундан кетдингми? Қачон?

— Кечадан бери ишга бормадим, аммо у хали билмайди.

— Бундай қилишингга нима сабаб бўлди? Унга итоат қиласан, деб ўйлардим.

— Сабаби сен, — деди Сандра кўзларимга тикилиб. — Ҳеч қачон сеники бўлолмаслигимни яхши биламан. Қийналаётганингни била туриб, офисга қамалиб ўтирсам, сенга ёрдам беролмайман.

У ўрнидан туриб, кўз узмаган ҳолда менга якин келди.

— Охирги марта учрашганимизда мен сенга ҳаммаси тугади, сен менга ҳеч нарса беролмайсан, бошқа аёлга тегишлисан, дегандим. Аммо орадан бир кун ўтгач, нималар рўй берганини кўрдим. Брэйди сенга шундай азоб бердики, мен сенга қўшилиб азобландим. Кейин хузурингга келишга қарор қилдим. Сен менга иш ваъда килгандинг.

Иккиланиб қолдим.

— Ўша пайт ўзимга қаттиқ ишониб юборган эканман. Мэтт Брэйдининг нималарга қодирлигини билмабман, — дедим ўнфайсизланиб. — Хозир менинг тавсиямга қулоқ соладиган дўстларим қолдимикан? Лекин сенга иш топишга бор кучим билан харакат қиласман.

Сандра ўрнидан турди.

— Сэнди, мен сен ўйлаган одам бўлиб чиқмаганим учун, қўлимдан келмайдиган нарсани ваъда берганим учун узр сўрайман. Мени кечир!

— Сен мен учун — ҳақиқий эркаксан, — деди у зўрма-зўраки жилмайиб.

Унинг кўзларига тикилдим. Бу кўзлар алдамасди. Сандранинг лаблари титрарди. Мехрим жўшиб уни бағримга босдим. Шу пайт орқадан аллақандай шитирлаган товуш эшитилиб, аёл кишининг овози келди:

— Брэд, ўзингни аямайсан. Сени бу ердан олиб кетишга қарор қилдим!

Эшик фирчиллаб, остоңада Элейн пайдо бўлди. Дастьлаб саросимадан гантиб қолдик, кейин Сэндининг бўйнимга осилган қўллари секин пастга сирғалди. Элейннинг юзидағи табассум бир лаҳза қотиб, секин йўқолди. Кўзларида изтироб пайдо

бўлди. Элейн ҳамон бўсағада туар, у кўзимга митти, мўрт бўлиб кўринди. У йиқилиб тушмаслик учун эшик тутқичини ушлаганча бир менга, бир Сэндига тикилиб, нихоят, тилга кирди.

— Салом, Сандра. Брэд, мен адашганга ўхшайман, — деди у алам билан. — Фалаба учун ҳамма нарсага тайёрман, деганингда, ишонмагандим. Энди бундан бу ёғига ақлли бўламан!

Эшик қарсиллаб ёпилиб, Элейн ғойиб бўлди. Сэнди билан бир-биризига тикилиб қолдик. Бир лаҳза серрайиб тургач, ўзимга келиб Элейннинг ортидан югурдим. Лекин қабулхонада ҳеч ким йўқ эди.

Сандрат кетгач, ўзимни оромкурсига ташлаб, кўзимни юмдим. Элейннинг кўзларида пайдо бўлган изтиробни, оғриқни мен жисман хисқилардим. Юрагимга оғриқ кирди. Ишларим пачава. Мэтт Брэйди фалаба қозонди. Курашишга ортиқ кучим қолмади. Кабинетимга кўз югуртирдим. Ҳаммаси тамом. Эртага фирмамни ёпиб, хисоб-китоб қилишим, келгуси хафтадан ўзимга иш излашим лозим.

Виски топиш илинжида кабинетимда тентирадим. Яххиси, вискини ўзим ичиб тугатай, уни эртага келадиган офиснинг янги хўжайини ичгандан кўра ўзим ичганим маъқул.

Финжонни тўлдираётганимда, эшикнинг секингина тақиллагани эштилди.

— Брэд, ҳалиям шу ердамисиз? — деган Левининг овози янгради.

— Киринг, Боб, — дедим аччиқ кулимсираб.

Қароримни унга хозир айтишим керак, эрталаб айтишга қийналаман. У бир жойда «узоқ ишлаш» борасида барча рекордларни янгилаганди.

Леви хаяжонланарди. У столга қўлларини тираб, олдинга энгашди.

— Мэтт Брэйдининг қизи билан қандай ало-кангиз бор? — деб сўради Леви.

Қўлимда финжонни тутганча унга ҳайрон бўлиб тикилдим. У мендан баттар довдирарди.

– Шайлар хоним – Брэйдининг қизи эмас, жияни, – тушунтирудим.

– Мен Шайлар хонимни назарда тутганим йўқ. Сандра Уоллесни айтяпман.

Левининг жавобини эшитиб, идишни қўлимдан тушириб юбордим, виски шимимга тўкилди. Бунга эътибор берадиган ахволда эмасдим. Ўзимни дор тагидан қайтган одамдай хис қилдим.

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

**Б**уни олдинроқ сезишим керак эди, аммо менинг ўй-фикрларим бошка томонга йўналтирилганди. Ўзимни узоқ йиллар яширин тарзда иш юритиб, энди очиқчасига иш қилаётган букмекерга<sup>1</sup> ўхшатдим. Хурсандчиликдан ақлини йўқотган, бизнесда хам қаллоблар борлигини унтиб, хушёрликни қўлдан бой берган ва боридан айрилган букмекердай хис қилдим ўзимни.

Мен ташқи қиёфага алдандим. Уларнинг бошқалардан деярли фарқи йўқ эди. Фақат улар ўз ифлосликларини бошқалардан кўра яхшироқ беркитишни билишади.

– Далил-исбот борми? – сўрадим шимимга тўкилган виски томчиларини қоқарканман.

Леви бош чайкади.

– Мен бу маълумотни атайлаб топганим йўқ. Буни тасодифан билиб қолдим. Унинг терговга ҳеч қандай алоқаси бўлмагани учун бир чекка-га ташлаб қўйгандим. Сандрани бу ерда кўргач, эсимга тушди. Унинг отаси кимлигини яхши биласиз, деб ўйлабман.

– Бундан Сандранинг хабари борми?

<sup>1</sup> *Букмекер* – киморда тикилган пулларни йигадиган киши.

— Йўқ, — деди у. — Бу фақат унинг отонасигагина маълум. Сандранинг ўгай отаси вафот этган. Буни фақат унинг онаси тасдиқлаши мумкин, аммо у бу ҳақда бирор нарса айтишига ишониш қийин.

Унинг кўлидаги сигаретга олов тутдим. Миям фиддирак каби тез айланиб, унинг барча хужайралари тетиклашиб, ишга тушди. Иккита стаканга виски қуиб, бирини унга узатдим.

— Хаммасини бир бошдан гапиринг, — деб илтимос килдим Левидан.

У идишни кўлимдан олиб, рўпарамдаги оромкурсига жойлапди.

— Мен «Консолидейтид Стал»нинг ташки акционерларини текшира бошладим. 1912 йилдан кейин Мэтт Брэйди акциясининг маълум бир қисмини қаллифишинг номига ўтказган. 1925 йилдан бошлаб ҳеч кимга бирорта акция совфа қилмаган. Уларни фақат турли шартнома ва битимлар ҳисобига кўпайтирган. Аммо 1925 йилга келиб Брэйди Жозеф ва Марта Воленсевичга уларнинг қизи Александра ўзининг вафотидан кейин беш юзта акцияга эга бўлиши ҳакидаги хатни беради.

Леви бир ютиниб олди.

— Ўша пайтда бу акциялардан хар бирининг нархи эллик минг долларга teng эди. Ҳозирги пайтга келиб бу сумма икки баробарга кўпайди. Брэйдидай пулга каттиқ одамнинг бегона одамларга қилган ҳадяси менда қизиқиш уйғотди. Мен маълумот йиға бошладим. Сандранинг онаси Брэйдининг Питтсбургдаги уйида оқсочлик қилган. У ташки қиёфаси билан қизини эслатарди, аникрофи, қизи уни эслатарди. Бу аёлнинг қадди-қомати келишган, гўзал эди.

Ўша пайтда Мэтт Брэйди эллик ёшларни қоралаганди. У кеч уйланган, бунинг устига оила-вий ҳаёт хузурини қўрмай туриб, автохалокат

оқибатида хотини бир умрга ногиронлик аравачасига михланганди. Мартага ўхшаган гүзал, келишган аёл хотини соппа-соғ эркакни ҳам беътибор қолдирмасди. Кейин нима бўлганини ўзингиз тушунгандирсиз?

Суҳбатдошимнинг идиши яримлаб қолганди, яна виски қуймоқчийдим, Леви бош чайқади.

— Брэйдининг уйида уч йил ишлаган Марта бирдан кетиш тараалдудига тушади. Брэйди хоним бунинг сабабига тушунмай, ҳайрон бўлади. Аммо кетиш олдидан унга совға беради. Орадан уч ой ўтгач, Жо Воленсевич Мэтт Брэйдининг олдига ишчи коржомасида кириб келади. Икковининг нима хақда гаплашгани менга қоронғу. Бир пайтлар улар цехда ишлашганда қалин дўст бўлишган. Аммо Брэйдининг хонасидан чиқкан Жо беш минг долларлик чекка эга бўлганлигини аниқладим. Идорадан чиқкан Жо ўзи яшаётган паньсионга бориб, яккаю ягона костюмини кийиб, Марта билан никоҳдан ўтиш учун черковга йўл олади. Тўйдан роппа-роса қирқ кун ўтгач, Сандра туғилади. Эртасига Мэтт Брэйди қизчага беш юзта акциясини васият қилади.

Стаканга тикилганча хаёлга толдим. Брэйдига қойил қолиш керак. У мен ўйлаганчалик қурумсок эмас экан. Қизидан ҳеч нимани аямантি, аммо гап акцияларда эмасди. У ўзининг ягона фарзанди Сандрани оталарча севган. Нима учун у қизни ёнидан кетказмагани сабабини энди тушундим. Балки Сандра бизнесдан ташқари, унинг бир пайтлари ҳақиқий эркак бўлганини ёдига солиб турар.

Стакани тўлдириб, яна виски сипкордим. Ҳаёт инсонни хар кўйга солади. Брэйдининг қизини ёнидан жилдирмаслик одати Сандрада унга нисбатан нафрат уйғотганди. Қизик, Брэйди қизининг хис-туйғуларини тушунармикан, агар тушунса, бу туйғулар унинг учун қанчалик аҳамиятли экан, деб ўйладим.



Брэйдига қақшатқич зарба берадиган вакт келганди. Бошқа йўл йўқ.

– Ҳужжатларни олинг. Эртага соат бирда Мэтт Брэйдининг офисида учрашамиз, – дедим Левига.

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

**Ж**ийинаётганимда хонага Марж кирди. Ойнага караб бўйинбог тақаётгандим. Бўйинбогни тўғри тақиши учун бу менинг тўртинчи уринишим эди, уни тақолмаганимдан хуноб бўлиб минифиллаб сўқиндим.

– Қани, менга бер-чи, – деди Марж ва тезда бўйинбогимни тақиб қўйди. Унга қараб, наҳотки ўртамиздаги араз барҳам топган бўлса, деб ўйладим.

– Сен жудаям ўзгардинг, – деди хотиним.

У нимани назарда тутаётганини тушундим, аммо бу мавзуда гаплашгим келмади.

– Питсбургга, Брэйдининг ёнига кетяпман, – гапни бошқа ёққа бурдим. – Охирги имкониятдан фойдаланишим керак. Бугун ё ғалабага эришпаман, ё батамом халокатга учрайман.

– Унга нима демокчисан?

Каравотдан пиджагимни олиб кийдим.

– Кичкина бир шантаж йўлини ўйлаб топдим. Бу хавфли йўл, аммо хозирги шароитда йўқотадиган хеч нимам йўқ.

– Нима килаётганингни ўзинг яхши биласан, деб умид киламан, – деди Марж ишончсизлик билан.

– Худо хоҳласа, хаммаси жойида бўлади, – дедим ўзимни бардам тутиб.

Иккаламиз жимгина зинадан пастга тушдик. Оғзимга толқон солиб ўтиравердим. Салли узатган қаҳвадан хўпладим. Қайноққина ичимлик томогимни куйдириб, вужудимга илиқлик югурди.

— Шайлер хоним ўша ерда бўладими? — сўради Марж.

Бош чайқадим.

— У хеч нимани билмайди. Кеча кечқурун Нью-Йоркдан жўнаб кетди.

Ўрнимдан турдим.

— Майли, мен кетдим.

Марж менга қаради.

— Қачон кайтасан?

— Бугун кечқурун. Агар бирор янгилик бўлса, кўнфироқ киламан.

Эшик томон йўналдим.

— Брэд!

Марж менга яқинлашиди.

— Омад тилайман!

Унинг ёноғидан ўпдим.

— Раҳмат, омад ортиқчалик қилмайди.

Марж бўйнимдан қучди.

— Брэд, нима бўлган тақдирда ҳам, эсингда тут, биз сени деймиз.

Рафиқамнинг фикрларини ўқиши учун кўзларига бокдим. Марж юзини кўкрагимга босди.

— Чин сўзим, Брэд, сендан хафа эмасман. Хеч нарса абадий эмас, — деди у эшитилар-эшитилмас. — Факат адашма. Охирги қарорингни менга айтарсан. Қўлимдан келганча ёрдам беришга харакат киламан.

Хотиним қўлларини бўйнимдан олиб, югуриб ошхонага кириб кетди.

## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

**A**еви билан Брэйдининг хонасига бостириб кирганимизда, у ўз жойида, Крис эса рўпарасида ўтиради. Бизни биринчи бўлиб кария кўрди ва хўмрайиб ўрнидан қўзғалди.

— Мен сизни кўришни истамайман, дегандимку! — деди қуруққина қилиб Брэйди.

- Мен эса сизни қўргим келди.
- Сизга келганингизни жаноб Прокторга билдиришингиз лозимлиги айтилган эди, – деди Брэйди.

Крис ўрнидан туриб, менга ўқрайди. Унга эътибор ҳам бермадим.

- Ҳеч кимга ҳисобот беришни истамайман, айниқса, майда-чуйда хизматчига, – дедим.

Стол томон одимладим, Крис мени тўхтатмоқчи бўлганди, унга шундай совуқ тикилдимки, ортиқ журъати етмай йўл бўшатди. Брэйди соқчиларни чакириш мақсадида тугмачага кўл чўзди.

- Сизнинг ўрнингизда бўлганимда полицияни чақирмаган бўлардим, чунки кейин афсусланиб қолишингиз мумкин, – дедим шошиб.

Унинг қўллари тугмачага етмай муаллақ котди.

- Бу билан нима демокчисиз?

Секин шивирладим:

- Кизингизнинг сизни кўрарга кўзи йўқлигидан хабарингиз борми?

Брэйдининг юзи мурданиқидай окариб кетди. Кўзлари ёниб, менга ўқрайди. Хонада иккимиздан бўлак ҳеч ким йўқдай эди гўё – факат мен ва у.

Брэйди базўр қуруқшаган лабларини ялади ва тилга кирганча:

- Алдаяпсиз! – деди ғазабдан юзларига кон телиб.

Ортимдан Криснинг овози эшитилди:

- Брэд, кет. Жаноб Брэйди сени эшитишни истамайди.

Унга эътибор ҳам бермай, Брэйдини кузатдим.

- Алдамаяпман. Хоҳласангиз, буни исботлаб беришим мумкин.

– Жаноб Брэйди ҳозиргина сенга имконият бериш лозимлигини гапираётган эди, аммо бу қилинг билан энди эмаклаб ялинсанг ҳам ўзингни қутқаролмайсан, – давом этди Крис.

Хонага киргандан бери илк марта Крисга қарадим. Бугун ундан ҳам ўчимни оладиган вақт етди.

— Крис, мен сендан жуда қўп нарса ўргандим, фақат эмаклаб ялинишни эмас. Бу сенииг севимили машғулотинг, — дедим уни тузлаб.

Крис Брэйдига ўгирилди.

— Жаноб, соқчиларни чақирайми? — деб сўради.

Брэйди Криснинг сўзларини эшитмагандай мендан нигоҳларини узмади.

— Мен уни қийналмасин, деб барча зарурий нарсалар — уй, пул билан таъминладим.

Бехосдан у қўз ўнгимда ягона фарзанди тортиб олинаётган, ҳаёт ташвишларидан чарчаган қарияга айланди. Бирдан хаёлимга Жини келиб, чолга нисбатан хамдардлик хисси уйғонди.

— Одамлар билан бизнес қилиб бўлмайди, Брэйди, — дедим секин. — Уларни шахсий мулк қилиб сотиб олиш, сотиш ёки сейфга солиб қулфлаб қўйиш мумкин эмас.

Унинг стол устида турган қўлларидан қон қочиб, окариб кетди.

— Сиз бундан қандай хабар топдингиз, жаноб Ровен?

— Кеча кечқурун қизингиз менинг олдимга келиб, сиздан яшириниш учун жой сўради.

— Бу гапдан унинг хабари борми? — деди у секин.

— Йўқ.

— Унга бу ҳақда индамадингизми?

— Буни ўзимга эп кўрмадим. Сиз унинг отасисиз. Мен эса бор-йўғи дўстиман.

Брэйди узок вақт қўлларига тикилиб ўтириди ва нихоят, улардан қўзини узиб, тилга кирди:

— Проктор, хонангизга чиқишингиз мумкин. Керак бўлсангиз, чақираман.

Крис менга ғазаб билан ўқрайди. Унга жавобан табассум қилдим. Бу унинг баттар қаҳрғазабини кўзгади.

— Ўтириңг, жаноб Ровен, — деди чол хорғин товушда.

Крис бўшатган оромқурсига чўқдим. Брэйди Боб Левини танимай, нигоҳларини унга тикди.

— Ёрдамчим, жаноб М. Леви, — деб таништирдим. — Сиз уни танийсиз, эслаб кўринг. У бир пайтлар антитрест конунларини бузганингиз учун сизнинг компаниянгизга қарши иш очган юрист.

Мэтт Брэйди унга афтини буриштириб, нафралтаниб каради.

— Энди эсладим, унга ишдан кетиши учун йигирма беш минг доллар тўлаганмиз.

— Мен буни бошқача эшитгандим.

Леви ғазабдан лов этиб ёниб кетди.

— Мен ундан бир цент ҳам олмаганман! — деди у тутакиб.

Мэтт Брэйдига ўгирилдим.

— Мен унга ишонаман, Брэйди.

— Шахсан ўзим бу пулни жаноб Левига етказиши учун хусусий изқуварга берганман. Чунки у Левидан кутулишининг ягона йўли — унга пул бериш деганди, — деб бидирлади Брэйди.

— Демак, сизни алдашган экан, жаноб, — дедим. — Боб ишдан бошқа важ билан, яъни хотинини сизнинг таҳдидларингиздан асраш ниятида кетган. Унга пул таклиф қилишган, аммо у олмаган.

Брэйди Бобга каради, у тасдик маъносида бош иргади.

— Ишдан кетишимнинг ягона сабаби шу. Мен сизнинг пулларингизга муҳтоҷ әмасдим.

Брэйди хорғини кўзларини юмди.

— Кимга ишонишни ҳам билмай қолдим.

Кейин Брэйди менга ўгирилди.

– Сиз Сандра... Менинг кизим ҳақида қаердан хабар топдингиз, жаноб Ровен? Мен буни узок ўтмишда қолган, деб ўйлардим.

Бобга имо қилдим.

– Мен мушкул аҳволга тушиб қолгандим, жаноб Брэйди. Бобнинг ёнига бориб ундан ёрдам сўрадим. Бу сирни у фош қилди. Сиз Сандра туғилган куннинг эртасигаёқ унга акция ҳадя қилгансиз. Тергов жараённида Боб бундан хабар топган.

– Тушундим, – бош иргади Брэйди. – Сизни ўзимга ўхшатаман, жаноб Ровен. Адашмасам, бу ҳақда сизга айтганиман. Сиз ҳақиқий жангчисиз.

Сукут сакладим. У стол устидаги қўлларини чалиштириди.

– Балки, Норага бу ҳақда аввалроқ айтишим керак эдими, – деди Брэйди худди ўзига-ўзи гапираётгандай. – Аммо бунга журъат қилолмадим, бу хабар уни ҳалок қиласди, деган хаёлга бордим. У ногирон бўлишига қарамай жуда мағрур аёл. Ўзи ҳадя этолмаган фарзандни бошқа аёлдан топганимни билса, қўтаролмасди. Норага бу ҳақда очик айттолмадим. Бошқа томондан, қизимни ўзимдан узоклаштиргим ҳам келмади. Уни ҳар куни кўришим, кўз олдимда бўлиши учун нимадир ўйлаб топишим керак эди. Энди қариб қолдим. Дўхтирлар анчадан бери ишни ташлашим лозимлигини маслаҳат беришяпти. Аммо мен бу талабни бажаролмайман. – Ўгирилиб менга қаради. – Ишга факат қизимни кўриш мақсадида келаман. Ҳеч бўлмаса бирор сонияга... Бир куни у мени ташлаб, бошқа иш топиби. Бир хил ҳаёт унинг жонига текканлигини билдим, аммо мен уни қайтишга мажбур қилдим. Унинг арзимаган ойлик учун хор-зор бўлишини истамадим. – Қария тушкун ахволда қўлларига тикилди. – Жаноб Ровен, тушунишимча, агар таслим бўлмасам, бу воқеани хаммага ошкор қилмоқчисиз, тўғрими?

– Шунга яқинроқ.

– Агар таслим бўлсан-чи?

Ўйланиб туриб, жавоб бердим:

– Кўп йиллар бурун отам менга инсонда ҳозирги дўзах билан келажақдаги дўзахдан бирини танлаш имкони бор, деганди. Ўша пайтларда мен бу гапнинг маъносини тушунмаган эканман. Отамнинг нима демоқчи бўлганига энди тушуняпман. Мен келажақдаги дўзахни танлаган бўлардим. Бу менинг ишим эмас. Ўтмиш сизнинг шахсий дўзахингиз, у ерда менга ўрин йўқ.

Кария енгил тин олди.

– Жавобингиздан мамнунман. Агар менга таҳдид қилганингизда, ҳар қандай шароитда ҳам сизга қарши курашардим.

Ўрнимдан қўзғалиб, эшик томон йўналдим.

– Боб, кетдик, – деб Левига мурожаат қилдим.

– Бир дақика, жаноб Ровен, – деди Брэйди. – Ҳозир кетадиган бўлсангиз, қандай қилиб буюртма тафсилотларини мухокама қиласиз?

Юрагим ҳаяжондан ҳаприқиб кетди. Мен фалаба қозондим! Тутган йўлим тўғри чиқди. Ҳаяжонимни ичимга ютдим. У ўрнидан туриб, менга яқинлашди. Брэйдининг қўлини сикдим, у эшикни очди.

– Сандра, илтимос, бу ёққа кир.

Сандраси хонага кириб, бизга саволомуз тикилди.

– Эшитаман, жаноб Брэйди?

– Жаноб Ровенning фирмаси бизнинг жамоат билан алокамиз бўйича шуғулланади. Сен Нью-Йоркка бориб, бу кампания ишини назорат қилсанг, яхши бўларди.

Брэйди Сандрага илтижоли бокди. Сандра аввал Брэйдига, сўнгра менга кўз қирини ташлади. Мен сездирмай бош чайқаб, секингина минғирлаб:

– Кейинроқ, – дедим.

У отаси каби зийрак ва сезгир эди.

— Жаноб Брэйди, агар рухсат берсангиз, сизнинг ёнингизда қолсам, — деди Сандра зудлик билан.

Кария қувончини яширолмади, унинг юзидағи табассумдан хона чароғон бўлиб кетди.

## ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

**Q**амолёт соат ўнга яқин Вашингтон аэропортига қўнди. Соат ўнда Элейннинг уйига етиб келиб, эшик қўнғирофини босдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Кўп ўтмай уйнинг олдидан машина овози эшитилди, кейин гаражнинг ёпилганини эшитдим. Бир неча дақиқалик жимликдан сўнг бетон йўлакчадан пошналарнинг тақиллаган товуши келди. Ўрнимдан сакраб туриб, товуш келаётган томонга ўгирилдим. Уйнинг бир бурчагидан Элейн чиқиб келди, аммо у мени кўрмади. Ой шуъласи унинг юзларини ёритди. Унинг чехрасида ёлғизлик нишонасини кўриб, қувониб кетдим. Менга яқинлашганда Элейннинг ҳорғин овози эшитилди:

— Брэд, нимага келдинг? Ҳаммаси тамом бўлганини иккаламиз ҳам биламиз.

— Мен сени кўришим керак эди. Мени бундай шафқатсизларча ташлаб кетолмайсан.

Элейн нигохини узмай, мендан бир неча кадам узоқда тўхтади.

— Сенга шуям камми? — хитоб қилди у. — Сен мени арzon-гаров фохишалардан бирига айлантириб бўлдинг. Нега мени тинч қўймайсан?

— Ишон, у қиз менга ҳеч ким эмас, — тушунтиридим. — У менга кўрсатмоқчи бўлган ёрдамим учун миннатдорчилик билдираётганди.

У гапимга ишонмоқчи бўлгандай аламли нигоҳлари билан менга тикилди. Элейнга қўйчўзганимда, у орқага тисарилди.

- Севмайман, деб айт, шунда кетаман.
- Кет, - деди у базўр. - Мени ўз холимга кўй!
- Кетолмайман, - дедим. - Сен менинг борлиғимсан. Мен сен билан бу тарзда ажрашолмайман, қачонки севмайман, деб айтсанг, кейин кетаман.

Элейн бошини хам қилди.

- Сени севмайман, - деди шивирлаб.
- Адашмасам, бир неча кун аввал севаман дегандинг. Кўзларимга караб чин дилдан севишингни, ўзингни ҳеч қачон бунчалик баҳтиёр деб хис килмаганингни тўлиб-тошиб айтгандинг. Ҳозир менга ўшанда алдаганингни, бугун унуганингни, муҳаббатингни мурват мисол бураб тўхтатиб кўя олиш қўлингдан келишини исботла. Шунда сенга ишонаман, - дедим.

У секин менга ўгирилди; Элейннинг лаблари титрарди.

- Мен... Мен...

У гапиролмади.

Элейнга қўлларимни узатдим, у бағримга отилди. Кўкрагимга бош кўйиб, аччиқ кўз ёш тўқди. Унинг титраб-қақшаб айтиётган гапларини базўр тушундим.

- Ўша пайт... хонангда... ўша қиз қиёфасида ўзимни кўрдим... менинг ўрнимда хотининг... уятдан ерга кирай дедим...

Уни бағримга маҳкам босдим. Элейннинг сочлари шивирлаётган лабларимга тегди. Ёнокларимни кўз ёшлар юваётганини ҳис килдим.

- Илтимос, Элейн, - ялиндим мен. - Илтимос, йиғлама.

У мендан телбаларча бўса ола бошлади.

- Брэд, Брэд, сени севаман! - ҳайқирди у. - Сендан қочиб кетишингма йўл кўйма! Ҳеч қачон мени ташлаб кетма!

- Яхши, азизам.

Ўзимни хотиржам хис қилиб, күзларимни юмдим.

— Сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, Элейн.

## ЎТТИЗИНЧИ БОБ

**Б**из биргаликда замон ва маконни унугандин. Вақт гүё түхтаб қолганди. Бу гаройиб түш эди. Назаримда, хали ҳеч ким бундай яқинлиқни туймаган. Биз ўтмишиздан узилиб қолгандик...

Элейн менга ғамгин күзлари билан тикилди. Унинг пучук бурнидан бўса олдим. У бир лахза жилмайди-ю, яна күзларида мунг пайдо бўлди. Икки кун давомида илк маротаба унинг овозида хавотир оҳангиди сезилди.

— Брэд, энди нима бўлади? Бу шундай давом этиши мумкин эмас. Сени билмадим-у, мен бундай ҳаёт учун яралмаганман.

— Фақат бир нарса, турмуши қуришимиз мумкин, — дедим юзини ўзимга каратаркаиман.

— Бу дунёда фақат сен билан бирга яшашни, бир умр ёнингда бўлишни истайман, — деди у ҳамон күзларимга тикилар экан. — Аммо хотининг, болаларинг-чи?

Юрагим увишди. Оиламни хаёлимга ҳам келтирмабман. Фақат ўз хузур-ҳаловатимни ўйлабман.

Шу пайт телефон жиринглади. Кўнғироқ овозидан иккаламиз ҳам сапчиб тушдик. Элейн менга саволомуз тикилди-да, ўрнидан кўзғалиб, гўшакни кўтарди.

— Алло.

Гўшакдан кимнингдир овози эшитилиб, Элейннинг юзида хайрат ифодаси пайдо бўлди. Яна ҳалиги овоз янграгаңда Элейннинг күзлари катта очилиб, уларда илк учратган пайтларимдаги дард пайдо бўлди. У бир лахза күзларини юмиб, қалқиб кетди. Гиламдан сакраб туриб, Элейнни кучдим.

— Жаноб Ровен шу ерда. Хозир гўшакни бераман, — деди базўр.

У гўшакни менга узатди.

— Дада? — дедим чикиб кетаётган Элейнга назар ташларканман.

Дадам ҳаяжонини босишга уринарди.

— Марж сени қидириб топишимни илтимос қилди. Ўғлинг оғир касал. Хотининг унинг ёнига кетди.

Оёқларим остида ер ўпирилиб кетаётгандай бўлди.

— Унга нима бўлди?

— Полиомиелит, — деди дадам. — У шифохонада. Марж ҳаммамиз учун Худога илтижо қилишингни сўради.

— Мен ҳозироқ йўлга тушаман.

\* \* \*

Самолёт йўлакчаси ёнида Элейнни ўпига олдим.

— Сенга қўнғироқ қиласман, жоним.

— Зурриётингнинг соғайиб кетишини сўраб Худога илтижо қиласман, — деди Элейн ва ўгирилиб, машинаси томон қараб кетди.

Самолётга чиқиб, ойна олдидан бўш ўрин изладим. Мук тушиб иллюминаторга кўз қададим, лекин Элейнни кўрмадим. Моторлар гувиллади. Олдинга эгилиб, бошимни чанглладим. Шууримда минг хил ўй-фикрлар ғужроң ўйнайди.

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

**W**ифохона рўйхатга олиш бўлими пештахтаси ортида ўтирган кўк формали киз картотекани титкилагунича пальтомни ечдим. Кия очиқ эшикдан аэропортдан бизни олиб келган таксининг бурилаётганини кўрдим. Пештахта олдидан кенг қулранг либос кийган роҳиба ўтди.

— Анжелика она, — қиз роҳибага мурожаат қилди. — Бу киши жаноб Ровен. Уни саккиз юз йигирма иккинчи палатага қузатиб қўёлмайсизми? У ерда ўғли ётибди.

Саккизинчи қаватда лифтдан чиқиб, кўк рангга бўялган узун дахлиз бўйлаб юрдик. Даҳлиз адогидаги эшик ёнида эгилиб, букчайиб олган жиккаккина аёл жуссасига қўзим тушди.

— Марж! — деб ҳайкириб юбордим. — Ўғлимга нима бўлди? — мен хаяжондан қалтирадим.

Марж йиғлаб юборди.

— Билмадим. Дўхтирлар ҳали бирор хулоса чиқариш қийин, дейишяпти. Хуруж ўтиб кетганича йўқ.

Марж менга каради, унинг кўзларига тикилиб яна Элейн ёдимга тушди. Унинг кўзларида ҳам Элейннинг кўзларидаги каби дард бор эди. Бу кўзларга қарашиб ортиқ бардош беролмадим, нигоҳимни ёпиқ эшик томон бурдим.

— Унинг олдига кирсам бўладими? — деб сўрадим.

— Фақат кечаси кўриш учун рухсат беришади, — деди Марж.

— Соат ҳам ўн икки бўлиб қолди.

Роҳибага ўгирилдим.

— Ҳозир дўхтирни чақириб келаман, — деди роҳиба ва даҳлиздаги эшиклардан бирига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

— Марж, ўтириб ол.

Уни диван олдига етаклаб бориб, ёнига ўтирдим.

Хотинимнинг ёноклари оқариб, кўзлари киртайиб қолганди.

— Бирон нарса сингми? — деб сўрадим.

У бош чайқади.

— Томоғимдан хеч нарса ўтмаянти, иштаҳам йўқ.

Даҳлиздан келаётган қадам товушларини эшитиб, бош кўтардик.

Рохиба Анжелика шифокор билан бирга қайтганди.

— Фақат бир дақиқага киришингиз мумкин, — деди шифокор майин товушда.

Доктор палата эшигини очди.

Остона ҳатлаб, ўғлига кўзи тушган Марж «оҳ» тортиб қўлларимни чангллади, унинг тирноқлари қўлларимга ботди.

Ўғлимнинг бутун бадани сунъий нафас берувчи аппарат билан қопланган бўлиб, фақат бошининг тепа қисми очик эди. Унинг қалин қора сочлари ялтирас, юзи докадай окариб кетган, қўзлари маҳкам юмилганди. Ингичка шиша қувурча бурнидан чиқиб, кислород баллонига уланганди. Брэд нотекис, оғир нафас оларди. Марж олдинга интилиб, унинг соchlарини силамоқчи бўлди, аммо шифокор шивирлаб уни тўхтатди:

— Хавотир олманг. У ухляяпти, дам олиб куч тўплани лозим.

Биз каравот ёнида жимгина бир-биrimizning қўлимизни тутганча ўғлимизни кузатдик. Марж у билан овозсиз сўзлашашётгандай лаблари қимирларди.

Ўғлимга дикқат билан тикилдим. У менинг фарзандим, у чекаётган азоблар менга кўчганди. Факат бу азобларни енгиллатиш менинг қўлимдан келмасди, қанчалик юрагим эзилмасин, мен хозир унга хеч қандай ёрдам беролмасдим.

Уни сўнгги бор кўрган кунимни эсладим. Унинг озғинлиги, бўйчанлигини айтиб футбол билан эмас, баскетбол билан шуғулланишинг керак, деб калака килгандим. Баскетбол футболдан кўра хавфсизрок, гонорари ҳам йилига эллик минг доллар, дегандим. Ўша куни унинг нима деб жавоб бергани ёдимда йўқ. Энди эса жигарбандим унинг ўрнига нафас олаётган темир ускунна ичиди ётибди. Оғриқлардан қийналиб кетган танаси ҳатто нафас олишга ҳам куч тополмаяпти. Бечора болагинам!



Болалигига уйқу бермай йиғлаганида уни кечаси билан күтариб чиқардим. Бақириб, бор товуши билан йиғлагани учун: «Бунинг ўпкаси дунёдаги энг бакувват ўпка», деб ёзирадим. Агар ўша кунларни ортга қайтаришнинг иложи бўлганида эди, ҳеч қачон бундай демаган бўлардим.

Вужуди бу азобларга дош берса бўлгани! Мен ўғлим учун ҳамма нарса қилишим мумкин, лекин унинг ўрнига нафас ололмасдим. Ҳозирча бу вазифани темир ускуна бажаарди.

— Энди кетганингиз маъқул, — деди шифокор.

Маржга қарадим, у ухлаб ётган ўғлимиздан кўзини узмади. Секингина Маржнинг қўлидан тутиб, шифокор ортидан палатадан чиқдик. Эшик товушсиз ёпилди.

— Дўхтир, бирор нарсани аниқладингизми? — деб сўрадим.

У елка қисди.

— Аниқ бирор нарса деёлмайман, жаноб Ровен. Ҳозирча касаллик қаттиқ хуруж килгани йўқ. Аммо хуруж қилиши аниқ, фақат бу бир соатдан кейинми, бир ҳафтадан кейин рўй берадими, бунисига кафолат беролмайман. Буни ҳеч ким билмайди.

— У ногирон бўлиб қоладими?

— Хуруждан олдин буни тасдиқлашнинг иложи йўқ, жаноб Ровен, — деди шифокор. — Текширувlar ўтказиб, буни аниқлаймиз. Ҳозир сизга фақат бир нарсани айтишим мумкин. Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қиляпмиз. Ҳавотирланманг, ёмон хаёлларга берилманг. Ўзингизни асранг, агар касаллик юқтирансангиз, ўғлингизга ҳеч қандай ёрдам беролмайсиз.

Шифокор Маржга ўтирилди.

— Сиз анчадан бери шу ердасиз. Чарчадингиз, дам олинг.

Маржни рўйхатга олиш бўлими олдида қолдириб, қўнғироқ қилишга ошиқдим. Мех-

монхонага қўнғироқ қилиб, жойга буюртма бергач, такси чақирдим. Ортимга қайтиб, хотинимни тополмадим.

— У роҳиба Анжелика билан ибодат қилгани кетди, — деди рўйхатчи қиз. — Лифтнинг олдидағи биринчи эшикка қаранг.

Ибодатхона вазифасини ўтовчи кичкина хонада меҳробдаги шамлардан ажиб бир ёруғлик тараларди. Нимқоронғиликка кўзим ўрганолмай эшик ёнида тўхтадим. Марж ва роҳиба Анжелика тўсиқ ёнида бош эгиб туришарди. Тор йўлакчадан секин ўтиб, хотинимнинг ёнига бориб тиз чўқдим. Маржга қарадим, хотиним қўллари билан тўсиқни маҳкам ушлаб, унга пешонасини қўйиб, кўзларини юмганча бир нималар деб пицирларди. У ёнидагигимни хис қилиб, мен томон сурилди.

## ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

**M**аржнинг уйқусида йиғлаётганини эшишиб, bemажол ётардим. Бедорман, канча ҳаракат қилмай, кўзларимга уйқу келмайди. Маржнинг овози эшитилди:

- Брэд, кўрқяпман.
- Ўғлимиз, албатта, тузалади, — дедим ишонч билан, аммо кўринмас қўл томоғимни бўғарди.
- Э Худойим, — ёлворди Марж. — Нуридийдамни ҳам йўқотишни истамайман.

У Элейн билан орамиздаги муносабатлар хақида ҳамма нарсани билишини тушундим, аммо индамадим.

Маржнинг руҳини кўтариш учун айтмоқчи бўлган гапларим, карорим бўғзимда котди. У ҳозир буни кўтаролмайди, бошқа жойда, бошқа вакт айтарман. Факат ҳозир эмас.

Марж унсиз йиғларди. Унга караб туриб, қалбимда олдин ҳис қилмаган қандайдир нозик туйғулар ғалаён кўтариб, уни бағримга олдим.

У ёш боладай, беозор эди. Секин-секин ийфидан тўхтаб, енгил ва сокин нафас ола бошлади. Тезроқ тонг отишини интизорлик билан кутиб, деразага тикилдим...

\* \* \*

Жавобни бир хафтадан сўнг билдик. Тонг сахарда бизни шифохонада юзларида табассум билан роҳиба Анжелика, қабулхонадаги жиблажи-бон қиз, лифтчи, фаррош кутиб олишди. Шифокор мўъжаз кабинетидан чиқиб, бизга қўл узатди. Унинг бир қўлини Марж, бир қўлини мен сиқиб ушладик.

— Ҳаммаси ортда қолди, — деди у қувонч билан. — Ўғлингиз оёкка туради. Озгира куч тўпласа, ҳаммаси жойида бўлади.

Қўзларимиз севинчдан ёшланиб, лом-мим демай бир-биримизга тикилдик. Қўл ушлашганча дўхтирнинг ортидан ўғлимизнинг палатаси томон йўл олдик. Ўғлим тўшакда ёстиқقا суюнганча бошини эшикка қаратиб ётарди. Сунъий нафас олини аппарати йиғиштирилиб, хона бурчагида турарди. Марж билан каравот ёнида тиз чўкиб, ўғлимизни ўпганча қувончдан йиғлаб юбордик. Брэднинг юзида табассум пайдо бўлди. У қўли билан «сунъий ўпка»га ишора қилди.

— Э Худойим! — деди у аввалги тетик овозда. — Кўзимдан манави «аэродинамик қувур»ни йўқотинг!

\* \* \*

Аэропортдан тўғри идорамга йўл олдим. Да-дам Марж билан ўғлимни уйга олиб кетди. Соат хали тўққиз хам бўлмаганди, ишга биринчи бўлиб келдим. Хаёлан кулиб қўйдим. Ҳали қўп иш қилишим керак. Хонам эшигини ёлиб, столда ётган қофозларни кўздан кечира бошладим.

Боб Леви ёмон ишламабди. Нима буюрган бўлсам, барчасини бажариби. Менинг ишим



юришганини билган эски мижозларим яна ўзимга қайтишибди. Боб уларнинг буюртмаларини кимматроқ нархда қабул қилибди. Менимча, у мижозлардан хиёнаткорликлари учун тўлов ундириб, жазолаган.

Соат ўнларда эшик очилиб, барча кексаю ёш ходимларим ёпирилиб кириб, қўлларимни сикib табриклишга тушдилар. Улар баҳтиёр эди. Ўзимни енгил ҳис қилдим. Ҳаммаси тушга ўхшарди. Ёлғиз қолганимдан сўнг, хонага Боб кирди.

— Соат ўн иккию ўттизда пўлат қуиши ассоциацияси ходимлари билан учрашув бор. Уларнинг юристи учрашувдан кейин шартнома столингиз устида бўлишига ваъда берди, — деди Леви.

— Агар сиз бўлмаганингизда, билмадим, нима қиласдим.

У жилмайди.

— Мен ҳам сиз ҳақингизда шундай деб ўйляяпман. Қизиқ, тўғрими?

— Ажойиб, — дедим кулиб.

У ўз хонасига кетди. Хонамга Микки қути қўтариб кирди.

— Мўйнадўз юборибди.

Микки столга қўйган қутини очиб, бу нима эканлиги ёдимга тушди. Ахир эртага юбилейимиз! Бундан бир ой олдин Жинини мактабга олиб бораётганимда, совға хақидаги гапини эсладим. Шу бир ой ичидаги нималар рўй бермади.

— Қутини машинага қўйицсин, — дедим Миккига.

У қутини олиб чиқди. Элейн билан танишган куним Марж учун мўйнали пўстинга буюртма бергандим.

Элейн! Унга қўнғироқ қилишга ваъда бергандим, аммо бир дақика ҳам бўш вақтим бўлмади. Гўшакни қўтариб халқаро станция ракамларини тердим. Боб хонага бошини сукқан маҳал энди Элейннинг телефон ракамларини айтишга оғиз жуфтлагандим:

— Тезроқ бўлинг, — деди у. — Илк расмий учрашувга кеч қолмаслигимиз керак.

Истамайгина гўшакни жойига қўйдим. Майли, учрашувдан кейин қўнғироқ қиласман, деб ўйладим. Шляпам ва пальтомни олиб эшик томон йўналдим.

Бу пайтда Элейннинг ёруғ дунёни тарқ этганига ўн икки соат бўлганидан бехабар эдим.

## ХОТИМА ЎРНИДА МУҚАДДИМА

**Q**иртга чикмаган кўз ёшларим кўзларимни ачитиб, оғриқдан бопим тарс ёрилай дерди. Саволларимга жавоб тополмай, деразадан ташқарига қанча тикилиб ўтирганимни билмайман. Селектр овози янгради. Хоргин аҳволда стол ёнига бориб, гўшакни кўтардим.

— Эшитаман, Микки.

— Сандра Уоллес келди.

Эшик очилиб, хонага Сандра кириб келди.

— Салом, Брэд, — деди у эшик ёнида тўхтаркан. — Ўғлинг тузалиб кетганидан хурсандман.

— Ташаккур. Ўзингнинг ишларинг қалай, Сэнди?

— Бир нави. Сенга Шайлар хонимдан хат олиб келдим.

Илк лаҳзаларда унинг айтган гапи шууримга етиб бормади.

— Шайлар хонимдан? — дедим талмовсираб. — Аммо у... у...

— Биламан, — деди Сандра секин. — Бугун эрталаб эшитдим. Хатни эрталаб почта орқали олдим.

Сандра сумкачасидан хатжилд чиқариб, менга узатди. Афтидан, Элейн узок ўйлаганидан кейин бир қарорга келгач, хат ёзишни бошлаган. Хатнинг тагида кечаги сана туради.

«Азизим, Брэд!

Аэропортда ажралишганимиздан буён факат сен учун Яратганга илтижо қиласман. Ўглинг оёққа туриб кетади, деган умиддаман. Худодан бор-йўқ ўтингим шу. Ўглингни хаёлимдан ўтказарканман, қанчалик худбинлигимизни тан оляпман. Биз оний лаззат учун борлигимизни қурбон қилмоққа-да рози бўлибмиз-а!

Аслида ҳам иккимизни боғлаб турган ришта шу эди. Буни энди тушундим. Умрим ўтиб бўлди, мен эса сенинг умрингга эгалик қилмоқчи бўлибман.

Сен менга Дэвидни эслатишингни айтгандим. У билан ўхшашиб жиҳатларинг кўп. Сен ҳам у каби оиласангни севасан. Мана шу нарса менда сенга нисбатан қизиқиш ўйгонишига сабаб бўлди, буни сени яқиндан билгач тушундим. Дэвид ҳам, сен ҳам бир тоифага мансуб одамларсиз.

Сени кузатгач, Дэвид ва болаларим ётган қабристонга бордим. Ўриндиққа ўтириб, номим битилган қабртошга тикилдим. Бу ерда менга болаларим ва Деэвиднинг олдидан жой ажратилган. Шунда хаёлимга агар сен билан бўлсан, ҳеч қачон бу ерда улар билан бирга бўлолмайман, деган фикр келди. Бир-биримизни шунчалик ардоқловчи инсонлар бирга бўлолмасдик.

Сенга бўлган муҳаббатимни ерга урмоқчи-масман, аммо Дэвид ва болаларимга меҳрим жуда ҳам ардоқли.

Илтимос, мени муҳаббатимизга хиёнат қилди, деб ўйлама. Дэвиднинг ҳаётимда тутган ўрнини сенга тушунтириб беролмайман. Илтимос, мени факат яхшиликлар билан хотирла ва ҳақимга дую қил.

*Муҳаббат ила Элейн».*

Кўзёшлардан ачиган кўзларим ҳам, ўзим ҳам бирдан енгил тортдим. Юрагимдан оғир тош кўчди. Оромкурсидан турдим.

- Сэнди, ҳатни етказганинг учун катта рахмат.
- У ўрнидан қўзгалди.
- Ҳатни олиб келишим керак эди. Элейнни севишингни билардим.

Оғир хўрсиндим.

– Ҳа, уни севаман.

Сандра әшикка бурилди.

- Қайтишим керак. Нора холамга соат ўн иккигача қайтаман, деб ваъда берганман.

– Нора хола? – дедим ҳайрон бўлиб.

У бош иргади.

– Жаноб Брэйди мени уйига таклиф килиб, у билан таништириди. У менга Нора холам мени қизи деб тасаввур қилиб яшашни истаётганлигини айтди. Ҳозирча улар билан турибман. Қизик, ўшандা сен жаноб Брэйдига нима дединг? Мэтт батамом бошқа одамга айланди. Ҳатто менга ёқа бошлади, у мен ўйлаганчалик бешафқат эмас, жуда ҳам меҳрибон экан, билмаган эканман.

– Хурсандман, Сэнди, – дедим уни кузатарканман. – Энди уларнинг хар иккаласига ҳам яхши муносабатда бўласан, деган умиддаман.

Сандра кетгач, дераза ёнига бориб уни ланг очдим-да, Элейннинг ҳатини майда бўлакларга бўлиб, сочиб юбордим.

Бунда интиҳо ила ибтидо бирлашиб кетганди. Янги ибтидога янгича ёндашув зарур. Менинг бошқа эркаклардан фарқим йўқ эди, мен ҳам улар каби куз келганини ҳис қилмай, баҳорий эҳтирослар ортидан қувгандим. Энди эса ақлим кирди. Вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Уйда суюкли рафиқам ва болаларим мени кутиб ўтиришибди. Фусункор ҳаёт. Элейн нимани назарда тутганини энди англадим. У ўз яқинларинг билан бирга бўлиш бахти хақида ёзганди. Чуқур

хўрсиндим. Муздай ҳаво ўпкамни тўлдириди.  
Туйқус уйимни қўмсадим...

Уйга кетаётганимда биринчи қор учқунлай бошлади. Гаражга етиб келганимда, теварак-атроф опиоқ кўрпага бурканганди. Дарвоза олдида тўхтаб, уйимга назар солдим. Ҳамма деразалардан нур сочиларди, ҳатто Брэдимнинг хонасидан ҳам; нурга қўшилиб меҳр-мухаббат ҳам ёғиларди. Уй олдида дадамнинг машинаси турибди.

– Дада! Дада! – Жинининг овозини эшилдим.  
Қизим қучофимга отилди. Уни ўпиб қўйдим.

– Қизалоғимнинг ишлари қалай?

– Зўр! – дея жавоб берди у, кейин шивирлашга ўтди. – Ойижоним учун совға олишни унутмагандирсиз? Ойижоним сизга бежирим соат хозирлаб қўйганлар. Э Худойим! Оғзимдан гуллаб қўйдим. Ойимга айтиб қўймайман, деб сўз бергандим-ку!

Қизалоғимга табассум хадя қилдим. Ҳойнахой, Маржга менинг совғам ҳақида ҳам айтган, шекили. Жини сира сир сақлолмайди-да.

– Ҳечқиси йўқ, асал қизим, сени сотмайман.

Ўриндиқдан мўйнали пўстин солинган қутини олиб, қўлтиғимга қистирдим. Оёғимиз остида кор фирчиллайди. Қизимнинг қўлидан ушлаганча уйим томон йўл олдим.





## **Роббинс, Гарольд**

P 62 Мени ташлаб кетма [Матн]/Г. Роббинс;  
рус тилидан Л. Шоимова таржимаси. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. – 112 6.

ISBN 978-9943-28-773-0

уўқ: 821.111-3  
КБК 84(7А)

*Адабий-бадиий нашр*

**Гарольд РОББИНС**

**МЕНИ ТАШЛАБ КЕТМА**

Роман

Таржимон **Л. Шоимова**

Мухаррир *С. Сайдмуродов*

Рассом-дизайнер *Ш. Курбонов*

Техник мухаррир *Т. Харитонова*

Мусаххих *Ш. Шоабдраҳимова*

Кичик мухаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси AI № 158, 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 21 июлда руҳсат этилди.

Офсет көғози. Бичими 84x100<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Peterburg»  
гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 5,46. Нашр табоги 4,91.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-473.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)